

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АДДИМУМИН РЎЗИЕВ

**Марказий Осиё
давлатлари
иқтисодий ва
ижтимоий
географияси**

ТЕРМИЗ — 2000

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДИМУМИН РЎЗИЕВ

**Марказий Осиё
давлатлари
иқтисодий ва
ижтимоий
географияси**

ТЕРМИЗ — 2000

~~giff~~ (Leakey, H.)

672

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДИМУМИН РЎЗИЕВ

Марказий осиё давлатлари
иқтисодий ва ижтимоий географияси
(ЎҚУВ ҚҮЛЛАНМА)

ТЕРМИЗ — 2000

ТАҚРИЗЧИЛАР:

РАХМОНҚУЛОВ Х. — Иқтисод фанлари доктори, профессор.

ШОСАЙДОВ Х. — География фанлари номзоди, доцент.

М У Қ А Д Д И М А

1990 йилларнинг бошидан хорижий мамлакатларнинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ҳаётида туб ўзгаришлар юз берди. Айниқса, СССРнинг парчаланиб кетиши ва унинг ўрнида мустақил давлатларнинг вужудга келиши талабаларнинг хорижий мамлакатлар ҳақидаги тасаввурини яна ҳам кенгайтирди ва айни пайтда ўзгаририб ҳам юборди. Узоқ хорижий давлатлар ва яқин хорижий давлатлар тушунчалари пайдо бўлди. Собиқ Иттифоқ ўрнида ташкил топган давлатлар яқин хорижий давлатлар деб атала бошлади. Бу тарихий ҳақиқат таълим тизимиға ҳам кириб келди.

Эски империя - Совет Иттифоқининг емирилиши билан унинг таркибидаги барча иттифоқдош республикалар мустақил давлатлар тарзида шаклланиб тарих саҳнасига кириб келди. Шу жумладан Марказий Осиё заминида Тожикистон, Туркманистон, Ўзбекистон, Қирғизистон, Қозогистон давлатлари таркиб топди. Уларни мустақил давлат сифатида Бирлашган Миллатлар ташкилоти ва жаҳондаги барча нуфузли ташкилотлар, давлатлар тан олиши, дипломатик муносабатлар ўрнатишиди.

Марказий Осиё давлатлари-туркий халқлар тарихий алоқа ришталарини қайта тиклашга ўтдилар. Замини, халқларининг узоқ тарихи, этник келиб чиқиши, дини, урф-одатлари, қисмати, эндиликда эса туштарак мақсадлари, орзу-умидлари, замин ичра сув ичар дарёлари, ривожланиш имкониятлари бир бўлган ўзбек ва қорақалпоқ, қозоқ ва тожик қирғиз ва туркман халқлари янги ҳаёт қуришга ва бу йўлда ўзаро ҳамкорлик илишга тушиб олдилар.

Ушбу улуғ ниятларни амалга ошириш учун Президентимиз Ислом Каримовнинг ташабbusи билан 1993 йилнинг тўртинчи январь куни мазкур жуғрофий ҳудудда жойлашган Ўзбекистон, Қозогистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон давлатлари ҳукумат раҳбарлари Тошкентда тўпландилар. Улар ушбу минтақада ечилиши завур бўлган масалаларни ҳамжиҳатликда келишиб олишиди. Шунингдек, улар минтақамизнинг яқин ўтмишда «Турон» ёки «Туркистон», «Икки дарё оралиғи» ёки Мовароуннаҳр», «Ўрта Осиё республикалари» ва «Қозогистон» деб аталганligини эттироф этишиб, бу минтақадаги давлатларни бундан кейин «Марказий Осиё давлатлари» (МОД) деб юритилишига келишиб олишиди.

Ҳақиқатда ҳам ушбу минтақанинг Марказий Осиё давлат-

лари деб оталиши жуғрофий жиҳатдан ўринли ва асослидир. Бу фикрларнинг тұғрилигини әса ушбу дарслердинг қар бир қисми ва мавзулари тасдиқлаб турибди.

МОДнинг ташкил топиши билан Ўзбекистон Республикаси олий ва ўртамахсус таълим вазирлигининг янги ўқув режасига мувофиқ олий ўқув юртлари география ижтисослигига «Марказий Осиё давлатлари иқтисодий в ижтимоий географиясы» ўқитиладиган бўлди. Мазкур курсни ўқитишга вазирликнинг ўқув режасига мувофиқ жами 160 соат ажратилган. Шундан 70 соати маъруза, 40 соати амалий машғулот ва 50 соати мустақил ишга мўлжалланган.

Ушбу дарслер илк иш бор яратилмоқда. Муаллиф уни ёзища хорижий давлатлар ва Ўзбекистонда чол қилинган илмий-услубий адабиётлардан, МОД раҳбарларининг расмий учрашувларида қабул қилинган тарихий ҳужжатлардан, вақтли матбуот ва статистика тўпламларида кенг фойдаланди.

Мазкур дарслер яқин ва узоқ хорижий давлатлар тушунчалиги пайдо бўлган ва унинг олий ва ўрта мактаб география дарслеридан ўрин олаётган бир даврда яратилмоқда. Марказий Осиё давлатлари әса (Ўзбекистондан ташқари) яқин хорижий давлатларга киради.

Хорижий мамлакатларни ўрганишга бу хил ёндошиш таълимнинг дидактив негизларига мос бўлиб, талабаларнинг ўз она юрти—мустақил Ўзбекистонга, у билан яқин қўшни ва ҳон-қардош бўлган давлатларни чуқур билишига муҳаббатини оширади.

Марказий Осиё давлатлари иқтисодий ва ижтимоий географиясини ўрганишга бағищланган ушбу дарслерда талабанинг воқеа ва ҳодисани яққол идроқ қилиши учун шу заминда тарихан таркиб топган бирлик: ҳудудларнинг яхлитлиги, бирбирига боғланиб кетганлиги, табиат комплексларининг бирбирига мослиги, аҳолиси, унинг ўтмиши, тили, дини, этник бирлиги, хўжалидаги ўхшашибликлар ва якинликлар кенг баён қилинган. Зикр қилинган тушунчалар орқали талаба мушоҳада юритади. Ҳар бир давлат ва МОД истиқболи учун илмий-хуносалар чиқаради.

Марказий Осиёдаги хорижий давлатларнинг иқтисодий ва ижтимоий географиясини ўрганиш жараёнида бўлажак мутахассис шу заминдаги барча мустақил давлатларнинг худуди, географик ўрни, табиий шароити ва табиат ресурслари, аҳолиси, давлат тузуми, саноати, қишлоқ хўжалиги, транспортти,

ташқи ва биринчи навбатда МОДаро иқтисодий алоқалари, ички районлари, регионлар олдида турган иқтисодий, ижтимоий, экологик муаммолар, халқ хўжалигини МОДаро иқтисодий интеграцияни йўлга қўйган ҳолатда ривожлантириш билан боғлиқ масалалвр билан кеңг танишади.

Ўз навбатида Марказий Осиё давлатлари иқтисодий ва ижтимоий географиясини ўрганиш икки қисм ва Ўзбекистон тимсолида иловадан иборат қилиб тузилган. Унинг Марказий Осиё давлатлари умумий таърифига бағишиланган биринчи қисми ўқувчиларни комплекслилик, яхлитлилик ҳақида мушоҳада юртишга ундан, уларда ақлий камолотни тарбияласа; Марказий Осиёдаги алоҳида хорижий давлатларга оид унинг иккинчи қисми мавзулари эса ундаги давлатлар, уларнинг яқин ўтмиши, табиати ва табиат манбалари, уларнинг хўжалик баҳоси, халқ хўжалик таърифи, уларнинг етакчи тармоқлари, давлатларнинг ички районлари, муаммо ва истиқболларига бағишиланади.

Дарслукнинг «Илова» қисми «Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий географияси»га бағишиланган. Ўзбекистоннинг иловада ушбу дарслуқдан ажратиб алоҳида чоп килинишига асосий сабаб, МОДдаги Ўзбекистондан ташқари тўрт давлатнинг яқин хорижий давлатлар тарзида ўрганилишидир. Шунинг учун ҳам муаллиф томонидан Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий географияси мустақил шаклда чоп қилинмоқда. Дарҳақиқат МОДнинг иқтисодий ва ижтимоий географиясини чуқур ўрганиш Ўзбекистонни ҳам чуқур ўрганишни тақозо қиласди.

1-қисм

УМУМИЙ ТАЪРИФ

Марказий Осиё Евросиё материгининг ўзига хос йирик жуғрофий райони. У Тоҷикистон, Туркманистон, Ўзбекистон, Қирғизистон, Құзогистон давлатларини уз ичига олади. Мазкур давлатлар узоқ ва яқин ўтмишда яхлит бўлган, бир бўлган. Амир Темур таъкидлаганидек, уларнинг «мулки Турон, миллати турк» бўлган. Замини бир бўлган туркий халқларнинг тили, дини бир, урф-одати, маданияти, маорифи, машғулоти бир бўлган. Ўз даврида Марказий Осиё халқлари жаҳон фани ва маданиятининг ривожланишига бекиёс катта хисса қўшган. Туркистонлик алломалар, тиббиёт ва диний илмнинг сиймалари, жаҳонгашта саркардалар, ўз даврининг атоқли арбоб-

лари бутун дунёга маълум ва машҳур бўлган.

«Совет Иттифоқи» деб атальмиш эски тузум хукм сурган (1917-1991) йилларда Марказий Осиёдаги туркий халқлар таҳқиранди, уларнинг маданий бойликлари топталди, яхлит ҳудудлари парча-парча қилиб ташланди. Шу давргача ўқувчилар парчаланган Марказий Осиё давлатларини «Ўрта Осиё» (ёки Ўрта Осиё республикалари), «Қозогистон ССР» тимсолида ўқиб ўрганишиди. «Ўрта Осиё» дегани Осиёнинг жуғрофий маркази, ўрта қисми дегани эмасми?! Холбуки, Осиёнинг жуғрофий маркази бизнинг ҳудудимиздан анча йироқда—Россиянинг шарқий Сибиридаги Тува республикасининг пойтакти Қизил шаҳридир.

Эндилиқда вазият ўзгарди. Марказий Осиёнинг сиёсий харитасида юқорида зикр қилинган мустақил давлатлар ташкил топди. Бу давлатлар келажакда иқтисодий ва маънавий жиҳатдан ўзаро бирлашиш ва бир-бирига яқинлашишини парчалишишга қарши қўядилар. Улар бир-бирлари билан ҳудудий яхлитлик, яқинлик (боғланганлик)ни, халқларининг этник келиб чиқиши ва қон-қардошлика таянган тарихий бирлигини инобатга олиб, яқин келажакда тенглик асосига қурилган иқтисодий, техниковий, маданий алоқаларини қайта тиклашлари (интеграция қилишлари) ва ривожлантиришлари шак-шубҳасизdir.

Марказий Осиё яхлит жуғрофий район бўлганлиги учун унинг тбиий шароити ва табиат ресурслари деярли бир хил бўлиб, давлатлараро сезилар-сезилмас даражада фарқлидир, холос. Шунинг учун ҳам бу заминнинг табиатини, табиат ресурсларини, иқтисодий ва бошқа жуғрофий имкониятларини, давлатлар иқтисодиётини ривожлантириш билан боғлиқ бошқа муаммоларини алоҳида алоҳида ҳал қилиб бўлмайди. Марказий Осиё давлатларида умумийлик шу қадар кўпки, уни бирга қараш, бирга ечиш айни муддао.

Сув ресурсларини олинг.
Амударё сувидан фойдаланиш факат Ўзбекистонники эмас. У Тожикистон учун ҳам, Туркманистон учун ҳам баббарачар аҳамиятли ва қимматлидир. Сирдарё сувидан

фойдаланиш ҳам фақат Ўзбекистонники эмас, балки унинг сувидан комплекс фойдаланиш Қирғизистон, Қозогистон, Тожикистон, учун ҳам муҳим аҳамиятлидир.

Орол дengизини сақлаб қолиши ёки «Орол инқирози»га қарши курашиш Марказий Осиё давлатлари учун бир хил аҳамиятли ишdir. Ушбу дengиз билан боғланган

экологик инқирознинг олдини олиш миңтақамизда халқ хужалигини комплекс ривожлантириш, турмуш маданиятини юксалтиришга хизмат килади.

Табиат ресурсларидан биргаликда фойдаланиш унинг барча турларида ҳам намоёндир. Масалан, Қорақум, ёки Қизилқум муаммоси Туркманистон ёки Ўзбекистонники әмас, балки бутун Марказий Осиё давлатлариникидир. Каспий дengизида балиқ овлаш ёки дengиз транспортини ривожлантириш билан боғлиқ муаммолар ҳамда шу регионда нефть ва газни қазиб олиш, ундан фойдаланиш фақат Туркманистон ёки Қозоғистон давлатларининг иши әмас, балки бутун Марказий Осиё давлатлариникидир.

Пахта етиштириш, пахтачилик комплексини ривожлантириш масалалари ҳам Марказий Осиё давлатлари учун бир хил аҳамиятли масалалардир.

Марказий Осиёning табиати ва хўжалигидаги бир-бирига яқинлик (боғлиқлик) Марказий Осиё давлатлари иқтисодий ва ижтимоий жуғрофиясини алоҳида курс сифатида ўрганишини тақозо килади. Бу курснинг асосий мақсади Марказий Осиёning иқтисодий жуғрофий ўрни, табиат ресурслари, аҳолиси, хўжалиги, унинг етакчи тармоқлари, ривожланишининг ички хусусиятлари, транспорти, иқтисодий алоқалари, ички районлари ҳақида ҳамда унинг алоҳида олинган давлатлари хақида муфассал билим беришга қаратилган.

1-боб.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИНИНГ ҲУДУДИ, ЧЕГАРАЛАРИ, ЖУҒРОФИЙ ЎРНИ, ТАБИАТ РЕСУРСЛАРИ

Марказий Осиё давлатлари асосан Осиё қитъасининг марказий қисмида жойлашган. Шунингдек, унинг ҳудуди Европа қитъасига ҳам даҳлдор. Чунки Марказий Осиё ҳудудининг бир қисми — Урал дарёсидан токи Қозоғистон давлатининг гарбий чегараларигача Европа қитъасидан Марказий Осиё давлатларининг майдони 3,994,4 минг кв. км. ёки унинг майдони Европа қитъаси майдонининг 44 фоизига teng. МОД ҳудудига жаҳондаги ўнлаб йирик давлатларни жойлаштириш мумкин.

Жумладан, Марказий Осиёнинг ҳудудига 7 та Франция, 10,5 та Япония ёки Буюк Британиядай давлатдан 16 тасини жойлаштириш мумкин.

МОД шимол, шимоли-шарқ ва шимоли-гарбдан Россия, гарбдан Каспий денгизи орқали Шимолий Кавказ ва Кавказорти давлатлари билан, жанубдан Эрон ва Афғонистон, ҳамда жануб ва жануби-шарқдан Хитой билан чегарадош. Марказий Осиёнинг шимолий чегаралари нисбатан текисликдан, жанубий чегаралари эса баланд төг системалари—Тянь-Шань, Помир, Олой, Копетдоғ орқали ўтади.

МОДнинг жуғрофий ўрни унинг ички тараққиётида муҳим омил бўлиб майдонга чиқади.

1-мисол. Унинг Россия билан чегарасини олайлик. Марказий Осиё Россиянинг иқтисодий жиҳатдан анча ривожланган Волгабўйи, Урал, Шимолий Кавказ ва Гарбий Сибирь йирик иқтисодий районлари билан катта масофада чегараланган. Бу иқтисодий районлар ҳудудига МОДдан кўпгина темир йўл ва автомобиль магистраллари ўтказилган, ҳамда чегарадош давлатларо иқтисодий ва техникавий алоқалар яхши йўлга қўйилган. Мазкур чегара айниқса МОДнинг йирик давлати—Қозғистоннинг иқтисодий тараққиётида муҳим омилдир.

2-Мисол. МОД гарбда Каспий денгизи орқали ўтган чегарага эга. Бу чегара орқали Марказий Осиё давлатлари биринчидан денгиз балиқчилигини ва сув транспортини ривожлантириш, иккинчидан Каспий денгизи орқали Россия ва Украинанинг ички дарё ва денгизлари (ва бинобарин ички иқтисодий районлари)га чиқиши имкониятига эга.

3-мисол. Жанубда Эрон, Афғонистон ва Хитой билан ўтган чегара Марказий Осиёнинг мазкур давлатлар ва Осиёнинг бошқа жанубий мамлакатлари билан савдо-сотиқ алоқаларини олиб бориш имкониятларини беради.

Бугунги Марказий Осиё давлатлари қайта туғилган Туркистондир. Бир ярим аср мобайнида унинг Осиё давлатларига нисбатан қулай бўлган жуғрофий ўрни ўлка тараққиётидаги муҳим омил сифатида фойдаланилмади. Вазият шу даражада әдики, мазкур ўлканинг туркий забон халқлари қўшни Осиё давлатларининг қон-қардош халқлари билан Совет давридаги ўта мустаҳкам чегаранинг тиканли ва токли симлари билан узib ташланган әди. Эндиликда вазият ўзгарди. Марказий Осиёнинг мустақил давлатлари ўз ташқи сиёсати негизини аввало яқин қўшнилар билан мустаҳкамлашга қаратмоқда. Осиё-

нинг йирик давлатлари Туркия, Эрон, Афғонистон, Хитой шулар жумласидандир. Марказий Осиё давлатлари мазкур давлатлар билан ҳар томонлама дипломатик муносабатлар ўрнатиш билан ўзаро транспорт алоқаларини ривожлантиришга ҳам киришди, Ўзбекистон, Қозогистон ва Қирғизистон, Хитой билан, Ўзбекистон, Тожикистон ва Туркманистон, Афғонистон, Эрон ва Туркия билан автомобил, темир йўл ва сув йўли орқали кўп томонлама ҳамкорлик (бориши-келиш) қиласидиган, савдо-сотиқ ишларини амалга оширадиган бўлди. Шубҳасиз қўшичиликка таянган Осиё мамлакатлари билан бошланган бу хил муносабатлар самарали натижаларга олиб келди.

Табиий ресурслари. Марказий Осиё табиий ресурсларга бой регион. Унинг иқлими, ер фонди, тупроқ ва сув ресурслари, фойдали қазилмалари шулар жумласидандир. Ҳаттоқи, ўлканнинг географик ҳусусияти ҳам унинг умумий тараққиётiga ижобий таъсир кўрсатувчи омилдир. Баланд тоғ, ясси тоғ, тоғёнбағри, қирадирлар, сойлар, дарё водийлари, текислик ва паст текисликларнинг Марказий Осиёнинг ҳар бир давлати ҳудудида алмашиниб туриши ва ўзаро фарқ қилиши деҳқончилик қилиши ва чорва моллари боқишида унга аниқ ва ўзгача йўналиши беради. Қишлоқ хўжалигини юргизишда ўзгача йўналишлар ва хориж билан меҳнат таҳсимотини чуқурлаштириб боришига хизмат қиласиди.

МОД агроиқлим ресурсларига жуда бой. МДҲга аъзо бўлган давлатларнинг энг жанубий қисмида жойлашган бу ўлка қуёшдан энг кўп энергия олади. Ҳудудида ойлик ва йиллик ҳаво ҳарорати, унинг ижобий ва фойдали кўрсаткичлари энг юқоридир. Бу ўлкада ҳаво ҳароратининг ўртacha йиллик кўрсаткичи Қозогистонда +8,7; Қирғизистонда +10,0; Тожикистонда +15,5; Ўзбекистонда + 13,3 ва Туркманистонда + 16,2 даражага тенг, Июль ойининг ўртacha ҳаво ҳарорати зикр қилинган давлатларнинг пойтахтларида 22,3; 22,9; 26,5; 29,6; даражагача тенг. Январь ойи ҳаво ҳароратининг ўртacha кўрсаткичи фақат Олмата (-7,4) ва Бишкек (-5,3) да салбий кўрсаткичларга эга холос. Ҳаво ҳароратининг усимлик вегетацияси учун жуда зарур бўлган кўрсаткичлари, йиллик ижобий ва йиллик фойдали даражалари ҳам Марказий Осиё давлатларида юқоридир. Масалан, йиллик ҳаво ҳароратининг +5 даражадан юқори бўлган ижобий йигиндиси Қозогистонда 3674 даражага, + 10 даражадан юқори йигиндиси эса 3411 даражага тенг. Бу кўрсаткичлар

Қирғизистонда 4017:3626, Ўзбекистонда 4749:4391; Тожикистанда 5238:4835; Туркманистанда 5550:5250 даражин ташкил қиласы. Үсімликшүнослик учун ян бир мұхым агроиқтим өмили—бу регионда вегетация мұддатининг күпгі чүзилишидір. Ҳаво ҳарорати + 10 даражадан юқори бұлған күнлар сони Қозғистонда 181, Ғирғизистонда 190, Ўзбекистонда 214, Тожикистанда 236, Туркманистанда 240 күнни ташкил қиласы.

Марказий Осиё агроиқтим шароитининг қуалайлиги, термик ресурсларнинг катталиғи ва совуқ бұлмайдиган күнларнинг күплигі иссиқсевар ва ўз асносида қимматбақо қышлоқ хұжалик тармоқтарини ривожлантиришга кең имконият яратған. МДХга аязо бұлған бөшқа барча давлатларникидаң фарқылы равишда бу ерда асосан пахта ва пахта комплекси, дончилик, цитрус меваляри етиштириш ва субтропикчилік ривожланғандыр. Үлканинг күпгина давлатларыда зироатчиликдан йилига 2-3 марта ҳосил олиш мүмкін. Бу ҳам қуалай иқлимий шароит туфайлидер.

ЛБНЖМЖЖМ

Үлканинг тупролы ҳам унинг дәхқончилігінің ривожлантиришга хизмат қиласынан омил. Марказий Осиёнинг дәхқончилік қилинадын зоналардаги тупроларды асосан бұз, каштан, қора ва аллювиал тупроқ булып, бу маданийлашған тупроқтар чиринді миқдоридан қатъий назар донадор ва серуnumdir. Унинг унумдорлық хусусияти жойнинг иқлимий шароити ва қуең нүрининң ер юзасына күп тушиши билан ҳам боғланған.

МОД сув ресурсларынан ҳам бой. Унинг тоғ ва баланд тоғлардан бошланадын серсув дарёлари, суний (сув омбори) ва тибии күл сувлари катта хужалик ажамияттың молик. Марказий Осиё иссиқ иқлимли регион. Үлканинг аксарият давлатларыда дәхқончилік фақат сугориб амалға оширилады. «Сувсиз ҳаёт йүк» шиорини туркій халқтар яратған. МОД да дәхқончилік доирасының тобора кенгайтириш, янги ерларни, бутун-бутун массивларни ўзлаштириш ва ишлаб чиқариш доирасына тортиш үлканинг мавжуд сув ресурсларынан оқилона ва тежаб-тергаб фойдаланишини тақозо қылған. Шу маңсадда бу үлкада кейинги 20—30 йил ичиде юзлаб сув омборлары қурилди, магистрал каналлар қазилди, сув чиқарувчи насослар ўрнатылды. Шу алғозда Марказий Осиёнинг әнг йирик дарелари ҳисобланған Иртиш, Сирдарё, ва Амударё бамисоли жиловланды, инсонға күпрок хизмат қиласынан бұлды.

Үлка халқ хўжалигига хизмат қиласдан табиат манбаларидан яна бири—унинг фойдали қазилмалариdir. МОД ёқилғи ва минерал ресурсларига жуда бой. Бу ўлканинг турли жуғрофий районларида кўмир нефть, табиий газ, темиррудаси, мис, марганец, хром, вольфрам, кумуш, олтин, уран, алюмин, суръма, полиметалл рудалари кўп учрайди. Мазкур ёқилғи ва минерал ҳомашёлар базасида МОД да энергетика, рангли ва қора металлургия саноати ривожланган.

Марказий Осиё давлатлари ўз мустақилларни қўлга киришилари билан биринчидан ўз ҳудудидаги ер ости ва ер устки табиат ресурсларига ўзлари эгалик қилишга эришидилар; иккинчидан Марказий Осиё доирасида табиат манбаларидан ҳамкорликда фойдаланиш режалари тушиб олинди. Бу ҳамкорликнинг самарали кечиши эса кўп жиҳатдан Марказий Осиё заминидаги мустақил давлатлар ҳалқларининг ўзаро аҳиллигига, бу ишга ижодий кучларни уюштира олиш даражасига ҳам боғлиқ.

АМАЛИЙ ИШЛА: 1. Жуғрофий атласдан фойдаланиб Марказий Осиё давлатларини контур харитага тушириш; 2. Контур харитага Марказий Осиё давлатлари ҳудудида топилган нефть, газ, кўмир конларини тушириш.

— талабанинг билим ва малака мезони;

талаба:

хпбжжж

— Марказий Осиё давлатларининг дунё сиёсий харитасидағи ўрнини ва катталигини;

— иқтисодий жуғрофий ўрнидаги ижобий ва салбий таъсирли омилларни ва уларнинг регион тараққиётига таъсирини;

— Марказий Осиёнинг сиёсий—маъмурий харитасини ва МОДлари—аровақт тафовутининг сабабларини;

— МОД ҳудудидаги энг муҳим табиат ресурсларини; уларнинг жойлашиш жуғрофиясини;

— регионда учрайдиган нефть, табиий газ кўмир ҳавзаларининг жойлашиш хусусиятларини ва уларнинг халқ хўжалигига тутган ўрнини;

— регионнинг сув ресурсларини ва ундан фойдаланишдаги умумийлик сабабларини;

— регионда вужудга келган мудҳиши экологик вазият ва экологик инкиrozнинг биш омилларини ва уни бартараф қилишининг асосий йўлларини;

— регион табиат ресурсларидан МОД да ҳамкорликда фойдаланиш даражасини билиши керак.

II-боб.

АҲОЛИСИ: ЗИЧЛИГИ, ЭТНИК КЕЛИБ ЧИҚИШИ, ЖОЙЛАШИШИ

МОДда 55 миллион киши яшайди. (1996 йил). Шундан 23 миллиони Ўзбекистоннинг аҳолисидир. Аҳолининг зичлиги ҳар кв. км. га ўртача 13,8 кишига тенг. Аҳоли зичлиги давлатларо кескин фарқ қиласди. Масалан, аҳоли зичлиги Қозогистон—6, Туркманистанда—7,2, Қирғизистонда—21,5, Тожикистанда —33 ва Ўзбекистонда—50,5 кишига тўғри келади. Аҳоли зичлигидаги давлатларо кескин фарқ аҳолининг миллӣ таркиби, ҳудудларнинг катталиги, табиий ўсиш даражаси ва бошқа омиллар билан бөғланган. Марказий Осиё давлатларида яшовчи туб аҳоли кўп жиҳатдан мусулмончилик удумлари (яъни кўп бола кўриш ақидалари)га амал қиласди. Бу ақидаларнинг амал қилишида ислом динининг ҳам таъсири бор, албатта. Ҳалқимиздаги фарзандсеварлик «ўнта бўлса ўрни бошқа, қирқта бўлса қилиги» мақолини келтириб чиқарган. Бу Мақол шубҳасиз туркий ҳалқлар томонидан асрлар оша тўқиб чиқарилган ҳақиқатdir.

Аҳолининг табиий ўсиши бўйича Марказий Осиё давлатлари МДҲга аъзо бўлган давлатлар ичida энг юқори ўринда туради. Ҳар минг кишига ҳисобланганда табиий ўсиши ва ўлим коэффициенти Қирғизистонда 26:8; кишин, Қозогистонда 19:9; Ўзбекистонда 31:7; Тожикистанда 33:9 ва Туркманистанда 33:8 кишини ташкил этади. Аҳолининг бу хил кўпайиш кўрсаткичи Россия ва Украинадай йирик давлатларда эса салбайдир, яъни ҳар минг кишига аҳолининг ўсиши коафициенти эса уларда 16 ва 14 кишига тўғри келади.

Россия Фанлар Академияси Демографик Марказининг башорат қилишича 2025 йилга келиб МОД аҳолиси кескин кўпаяди ва 92 млн. кишига етади. Жумладан, Ўзбекистоннинг аҳолиси 43,34; Қозогистонники—20,5; Тожикистанники—13,1; Туркманистанники—7,9; Қирғизистонники—7 млн., кишидан ортиб кетади. Аҳолининг табиий ўсиши юқори бўлганлиги учун ҳам мазкур давлатларда аҳоли сони тез ўсиб бормоқда. Жумладан аҳоли сони 1979—1989 йилларда қўйидагича кўпайди: Қозогистонда 14684 минг кишидан 16538 минг кишига, Қирғизистонда 3529 минг кишидан 4291 минг кишига, Турк-

манистонда 2759 минг кишидан 3534 минг кишига, Ўзбекистонда 15391 минг кишидан 19,906 минг кишига ва Тожикистанда 3,801 минг кишидан 5,112 минг кишига.

МОД аҳолисининг ўсишини барча давлатларда бирхил деб бўлмайди. Аниқ маълумотларга қараганда 1995 йилда регион аҳолиси 53760 минг киши бўлиб, унинг 41,79 фоизи Ўзбекистонга тўғри келади. 1989—1995 йилларда аҳоли Ўзбекистонда 2561 минг кишига кўпайгани холатда, Тожикистанда — 645 Туркманистанда—944, Қирғизистонда—160 минг кишига ва Қозоғистонда эса атиги 69 минг кишига кўпайган. 1990—1995 йилларда эса Қозоғистон аҳолисида ўсиш кузатилмади (1-жадвал).

МОД аҳолисининг бандлик даражасида каттагина ўхшашликлар бор. М., Ўзбекистон аҳолисининг 45,8 фоизи қишлоқ хўжалигига, 18,4 фоизи саноатда, 35,8 фоизи хизмат курсатиш соҳасида банд бўлгани ҳолда, бу кўрсаткичлар Тожикистанда 54,5:16,8:28,7; Туркманистанда 44,2:19,2:36,6; Қирғизистонда 42:19,2:38,7 фоизини ташкил қиласиди. Регионлар аҳоли сонига нисбатан межнат қилиш ёшидаги аҳоли МОДнинг барча давлатлари учун деярли бир хил (50 фоиз атрофидаги) кўрсаткичга эга. (1жадвал).

МОД ҳудудидаги демографик вазият бир томондан аҳоли табии ўсишининг юқорилиги, иккинчидан эса урбанизация даражаси ининг пастлиги билан белгиланади. Ҳанузгача Марказий Осиёнинг кўпгина давлатларида аксарият аҳоли қишлоқларда яшайди. Масалан, Туркманистан давлатида аҳолининг 55 фоизи, Ўзбекистонда-59, Қирғизистонда-62, Тожикистанда-67% қишлоқларда яшайди.

МОД аҳолиси этник келиб чиқиши жиҳатидан бир хил. Марказий Осиёда ҳозирги даврда яшовчи ўзбек, қорақалпоқ, қирғиз, қозоқ, туркман, тоҷик халқларининг тарихи бир бири билан узвий боғланган. Уларнинг аждодлари - баҳтирияликлар, согдийлар, саклар, массагетлар Туркистон ва қисман Эроннинг бир қисми бўлган Хурсон ҳамда Афғонистоннинг ҳиндиқуш райони ҳудудида истиқомат қилишган. Бу ҳудуддаги бақтрия ўрнида кейинчалик Тоҳаристон давлати вужудга келган. Тез орада Тоҳаристон Согдиана давлати билан қўшилиб, Туркистон ҳудудида йирик Кушан империясига бирлашади.

VII - VIII асрларда Туркистонга араблар бостириб киради ва ерли халқка ислом динини зўрлаб қабул қилдиради. Ўз нав-

батида туркистонликлар Бағдод халифалигига қарши аёвсиз курашади. Натижада IX асрнинг охири (874 йил)да Бағдод халифалиги емтирилади, Саманийлар давлати барпо қилинади.

Саманийлар давлати ҳукмронлиги даврида Туркистон худуда 100 йилча тинчлик ҳукмрон бўлади. Маҳаллий халқ ҳунармандчилик, деҳқончилик, савдо ишлари билан, тогда эса кон қазиб олиш билан шуғулланади. Бу давр турк халқларининг маданий ҳаётида ҳам чуқур из қолдиради. Ўша даврнинг аллома олимлари Абу Райхон Еруний, форс-тоҗин: поэзиясининг асосчиси Рӯдакий, ўлмас «Шоҳнома» поэмсининг муллифи Фирдавсий, тиббиёт илмининг даргаси Абу Али ибн Сино каби ўнлаб мутафаккирлар етишиб чиқади ва жаҳон фани тараққиётiga салмоқли ҳисса қўшади.

XII асрнинг ўрталарида Марказий Осиё ҳудудида Салжуклар давлати таркиб топади. XIII асрнинг боши (1219—1221 йиллар)да эса Туркистонни Чингизхон бошлиқ мӯгуллар ишғол қилди. Чингизхон ўлимидан сал олдин босиб олган ерларини ўғилларига бўлиб берди. Туркистоннинг маданийлашган вилоятлари хоннинг иккинчи ўғли Чагатойга берилди. Маҳаллий халқ мӯгуллар зулмига қарши аёвсиз кураш олиб борди.

1370 йилда Туркистон давлатининг теппасига Амир Темурнинг келиши феодал урушларга чек қўйди, ҳудудда осойишталик, тинчлик фаровон ҳаёт қарор топди. Буюк саркарда Амир Темурнинг таҳт тепасига келиши билан Туркистон заминида фан ва маданият ҳам равнақ топди, ижодий кучлар бирлаштирилди, фан оламида дунёга донғи кетган буюк сиймолар етишиб чиқди. Астрономия, жуғрофия, тарих, математика, адабиёт, санъат ниҳоят даражада ривожланди. Мирзо Улугбек, Мир Алишер Навоий, Заҳириддин Бобур ўша даврнинг буюк сиймолари эди.

Марказий Осиё тарихида чуқур из колдирган, унинг номини бутун дунёга танитган ватандошларимиздан айримларини тилга олайлик.

ғжбшр9лбнбб

1-ЖАДВАЛ

Марказий Осиё давлатлари (МОД) аҳотиси сони, йиллик ўсиши,
мехнат ресурслари, аҳолининг бандлик даражаси*

Аҳолига оид кўрсаткичлар	МОД аҳоли- си	шундан			
		Ўзбе- кис- тон	Тожи- кис- тон	Турк- менис- тон	Қирғи- зистон
жами аҳоли, 1995й					
минг киши	53760	22467	5.757	4.478	4.451
йиллик ўртача					
ўсиш (1990-1995 й)		2,1	1,9	4,1	0,5
а) аёллар, 1995	50,62	50,4	50,2	50,4	50,7
б) шаҳарлик, 1995	40,5	38,6	28,6	44,5	35,0
ёш тузилиши;					
1995 а) ўсмирлар	42,0	43,0	46,0	39,9	32,1
б) меҳнат ёшидаги-					
лар	50,42	49,3	46,7	50,2	9,8
в) кексалар	9,27	7,7	7,3	50,3	55,6
аҳолининг 1995 ба- ндлик даражаси %					
б-н а) қишлоқ хў- жалигида	41,7	45,8	54,5	44,2	42,0
б) саноатда	19,2	18,4	16,8	19,2	19,2
в) хизмат кўрса- тиши соҳасида	39,1	35,8	23,7	36,6	38,7
меҳнат ресурси, аҳо- лига нисбатан %					
билин, 1995	51,2	49,9	48,3	51,4	55,1
Меҳнат ресурсининг таҳсиланиши,					
1995 а) Қиш.хўж.	27,54	28,5	21,7	34,9	40, 0
б) саноатда	31,72	24,2	43,2	39,6	22,1

х) Статистический сборник, 1996 год. Государства бывшего Со-
ветского Союза, 21 Всемирный банк Вашингтон, округ Колум-
бия, с. 10. 11.

Абӯ ғаиҳси Беруний (973-1048 йиллар) Сомонийлар давлатига қарашили Хоразмнинг қадимги пойтахти Кот шаҳрида туғилиб вояга етган бу буюк сиймо «маъмун академияси»га асос солди, Америка материгини X. Колумдан V аср олдин илмий кашф қилди, «Харитография», «Геодезия», «Ҳиндистон», «Ат-Тафхим», «Қонуни масъудий», «Минерология», «Сайдала» асарларини ёзib жуғрофия фанининг тараққиётiga ҳам мислсиз катта ҳисса қўшди.

Амир Темур ҳукмронлигидан кейин Туркистон заминида кўчманчи халқлар ўртасида тез-тез ғалаёнлар бўлди. 1500-1507 йилларда кўчманчи қабилаларнинг доҳийси Муҳаммад Шайбонихон бутун Туркистонни ўз қўли остига олди. Шайбонийхон авлодлари 1598 йилгача давлатни бошқарди. Сўнгра бу ҳудудда Бухоро, Хива ва Қўқон хонликлари вужудга келди. Ҳоллилар ҳукмронлиги узоқ давом қилди. Ўтган асрнинг ўрталари гача Туркистон ҳудудида Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонлиги ҳукмронлик қилди.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Марказий Осиё Россия томонидан босиб олинди ва бу заминда Туркистон генерал губернаторлиги жорий қилинди. Туркистонда Россиянинг ҳукмронлиги ҳам узоқ давом қилди. 1917-1924 йилларда Туркистон Россия томонидан қайта ишғол қилинди. Энди Туркистон ҳудудида Россиянинг бошқа бир кўриниши «Совет иттифоқи» қарор топган эди. Туркистон 1924 йилдаёт «Ўрта Осиё», «Козогистон» деб атала бошлиди. Бугунги Марказий Осиёнинг аҳолиси этник келиб чиқиши жихатидан бир хил бўлган, асрлар оша (ва тинимсиз жанглар) мобайнида шаклланган туркий забси тилида ва унга яқин бўлган тилда гаплашувчи халқлардир. Улар ўзбеклар, қозсқлар, озарбайжонлар, тоҷиклар, қирғизлар, туркмандар, қорақалпоқлардир. Шунингдек, бу юртда рус, татар,

Захириддин Бобур (1483-1530) андженлик бу ғатандешимиз ўзининг биргина шоҳ асари «Бобурнома»си билан фан тарихида ўчмас из ҳолди. У ўз юрти Туркистонни чуқур ўрганди, қишилсқ, шаҳар, дарё, тономларини ёзди, Ҳиндистонда қўним топди, уни бошқарди, ҳинд халқига бахт олиб келди, давлатда осойиштаглик ўрнатди.

корейс ва бошқа миллат вакиллари ҳам яшайди. Марказий Осиёning маҳаллий аҳолиси қадим-қадимдан дарё ва сой бўй-аридаги, тоғ ёнбағирларида ва водийларда яшашади. Улар фарқат сўнгги йилларда чўлларни узлаштириш билан, янги-янги шаҳарлар барпо қилиш билан яшаш жуғрофиясини кенгайтиришди. Марказий Осиёning хўжалик жиҳатидан яхши узлаштирилган зоналарида, водийларида ҳар бир кв. км. га аҳолисининг зичлиги 400-500 кишини ташкил қиласди. Аҳоли зичлиги 1500 метр баландликкача бўлган зонада ҳам аҳоли манзилгоҳлари кўп ва аҳоли лалмикор дехқончилик, мева ва узумчилик билан шуғулланади. Ундан баланд ерларда аҳоли манзилгоҳлари сийрак учрайди ва у яйлов чорвачилиги, ўрмон хўжалиги билан шуғулланади.

АМАЛИЙ ИШ: 1. Контур харитага Марказий Осиё давлатларидаги йирик шаҳарларни тушириш.

— Талабанинг билим ва малака мезони:

Талаба:

авмнқмм

— МОД аҳолисининг табиий кўпайишидаги ва зичлигидаги хашашлик ва фарқли томонларни;

— МОДларнинг меҳнат ресурслари билан таъминланиш даражасини ва ундаги фарқларни;

— регион аҳолисининг миллий таркибини, ўсиш динамикасини;

— шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг нисбатини, тафовутидаги бош омилни билиши керак.

III-боб.

ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИННИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ. РЕГИОНЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШИДАГИ ФАРҚЛАРИ, ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ ЕТАКЧИ КОМПЛЕКСЛАРИ

Марказий Осиё давлатларининг халқ хўжалиги яқин-яқинларгача «СССР иқтисодиёти—ягона халқ хўжалик тизми»га мослаштирилган эди. У ҳар жиҳатдан (ва ҳар соҳада) Марказказга тобе эди ва шу «тизим»га боғлаб ташланган эди. Бунинг маъноси шу эдик, улар юқори (марказ)нинг кўрсатмаси билан узларида халқ хўжалигининг айrim турларинигина ривожлантириши, айrim турларини эса ҳар қанча қулай шарт-шароитбўлса ҳам ривожлантирмасликлари мумкин ва шарт эди. Мар-

каз бу борада аниқ гектарни, аниқ миқдорни ҳам белгилаб берарди. Социализм ва коммунизм құрамыз шиори билан утган үша (1924-1991) йилларда Марказий Осиё ҳудудидаги бүгунги мустақил давлатлар мамлакатнинг хомашё районига айлантирилган әди. Марказий Осиё халқ хұжалиги бир томонлама (фақат хомашё етказиб берадиган тарзда) ривожланган әди У Совет Иттифоқининг ёқилғи (кумир, нефть, газ) ва металургия саноати (рангли металл рудалари, ноёб ва нодир металлар' қурилиш материаллари (табиий тош, мармар) ва озиқ-овқа ҳамда енгил саноат ҳомашёлари (пахта толаси, табиий ипак толаси, жун толаси, тери, дсан, меба, виноматериаллар) етказиб берувчи асосий районга айланган әди.

Халқ хұжалиги ривожланишидаги әркисизлик Марказий Осиёни дүнёнінг қолоқ районлари сафига кириб қолишига олж келди Бу елкада уша вақтдаги бирон-бир республика үз иқтисодиётини, унинг бош соҳаларини ўзича режалаштиrolmas, ўзича саноат корхонасини қуролмас, ёки ўзича дәждокчиллик доирасини көнгайтирмас, унинг тармоқ тузилишини ўзgartиролмас әди. Барча ҳолатларда ҳам Марказ деб аталға «Москва»нинг розилиги сўраларди, олинарди. Марказ эса халқ хұжалигини ривожлантиришда биринчи нағватда Россия ва рус халқи миғаатидан келиб чиқиб иш тутар әди.

Шундай қилиб Марказий Осиёдаги барча давлатлар үз иқтисодиётини ривожлантиришнинг ўзига хос Марказга тобелик хусусиятларига эга әди. Бу хусусият «Россия империяси»нинг олиб борган сиёсати натижаси әди. Марказий Осиёда халқ хұжалигини режалаштириш, юргизиш унинг асосий соҳаларида бир томонламаликка таянған әди. Бүгунғи Марказий Осиё, яъни СССР парчаланиб кетган, унинг ўрнида мустақил давлатлар вужудга келган бир палладаги Марказий Осиё иқтисодиёті якин ўтмишнинг ушбу асоратидан күтүлган әмас ва бу асорт унинг иқтисодиётини ривожлантиришда узоқ вақтларгача ўз таъсирини кўрсатиб туради.

Марказий Осиё иқтисодиётіда саноатнинг улуши катта. Бу ерда ёқилғи-энергетика, рангли ва қора металургия саноати, қишлоқ хұжалиги машинасозлиги, қурилиш материаллари саноати, енгил ва озиқ-овқат саноати таркиб топган ва уларнинг ўнларгача йўналишлари ривожлантирилган. Улка саноат ишлаб чиқаришида каттагина регионал фарқлар бор. Масалан, Марказий Осиёнинг ҳудудий жиҳатдан энг йирик ва саноати

анча ривожланган региони Қозогистон давлатида нефть ва күмир саноати, рангли ва қора металлургия саноати, ҳархил машинасозлик, қурилиш материаллари саноати, озиқ-овқат ва енгил саноат ривожланган. МОДнинг иқтисодий жихатдан ривожланган региони—Ўзбекистонда ёқилғи—энергетика ва рангли металлургия саноати, қишлоқ хўжалиги ва транспорт машинасозлиги, кимё ва нефокимё саноати, қурилиш материаллари ва фарфор-фаянс саноати, енгил ва озиқ-овқат саноатининг ўнларча турлари, Қирғизистонда кўмир саноати, энергетика саноати, автомобилсозлик, приборсозлик, озиқ-овқат саноати тармоқлари, Туркманистанда нефть қазиб олиш ва нефть саноати машинасозлиги айниқса ривожланган.

Марказий Осиё давлатлари ҳукумат раҳбарларининг 1992 йил октябрь ойида Туркияning пойтакти Анқара шаҳрида бўлиб ўтган олий даражадаги йиғилишида қабул қилинган декларацияда, шунингдек МОД ҳукумат раҳбарларининг 1993 ва 1994 йилларнинг январида Тошкентда ўтказилган йиғилишида барча туркестонликлар—Марказий Осиё давлатларининг иқтисодиётини ички имкониятлар ва шу минтақадаги давлатларнинг ўзаро ҳамкорлиги билан ривожлантириши келишиб олинган. Мазкур йиғилишлардаги икки томонлама ва кўп томонлама асосларда қабул қилинган ҳужжатларда минтақада саноат, қишлоқ хўжалиги, фан ва маданиятни ривожлантиришининг аниқ йўналишлари белгилаб олинди. Бундан ташқари регионлар учун муҳим комплексларни ривожлантириш мақсадида маҳсус қўмиталар тузилиши келишиб олинди. Жумладан Ўзбекистонда «Пахта», Қозогистонда «Дон», Туркманистанда «нефть», Қирғизистон ва Тожикистанда «Энергетика» қўмиталарини тузишга аҳд қилинди.

Эндиликда МОД ривожланишнинг янгича асосларга таянган пойдеворини қўймоқдалар. Жумладан, биринчидан ҳалқ хўжалигининг кўп соҳаларини ривожлантиришда умумийлик (бир-бирига боғлиқлик) асос килмаб олинмоқда. Саноатни, агросаноат мажмуини, ҳалқаро транспорт коммуникациясини яратиш ва транспорт алоқаларини ривожлантиришда режалаштириш ишлари умумий асосда ташкил қилинмоқда. Орол деңгизининг тақдирни, регионда вужудга келган вазиятни баркарорлаштириш ҳам МОДда умумийлик асосида ўз ечимини топмоқда. МОДнинг бир-бирлари билан якин қўшничилик, қон-қардош-

ликка таянган дипломатик муносабатлар ўрнатиши, иқтисодий, савдо-сотиқ, техникавий, маданий алоқаларни бошлаб юбориши, йирик саноат ва йул қурилишларини амалга оширишдаги ҳамкорлиги давримиз тақозосига айланган. Иккинчидан эса Марказий Осиё давлатларининг жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари билан бевосита алоқа ўрнатиши, уларнинг техника воситалари (ва биринчи навбатда машина, асбоб-ускуналари) дан, ишбилармон мутахассис кадрларидан фойдаланиши МОД-да иқтисодиётни ривожлантиришнинг янги асосларга қурилган муҳим пойдеворидир.

МОД халқ ҳўжалигига қишлоқ ҳўжалиги муҳим ўрин тутади. Унинг етакчи тармоқлари ўсимликишунослика: пахтачилик ва пахта комплекси, дончилик (айниқса буғдој ва шоли етиштириш), мевачилик ва узумчилик, полизчилик ва сабзавотчилик; чорваликда: қорамолчилик ва қўйчилик, йилқичилик ва туячилик, паррандачилик ва балиқчилик. Қишлоқ ҳўжалигига регионал фарқлар ҳам борлиги кузга ташланади. Ўзбекистон пахтачилик ва дончиликка, Қозогистон дончиликка, Туркманистон ва Тожикистон пахтачиликка, Қирғизистон давлати эса майин толали жун етиштиришга ўта даражада ихтисослашган.

Марказий Осиё қишлоқ ҳўжалиги ҳам бир томондан тармоқ тузилишини ўзгартирмоқда, иккинчи томондан эса агросаноат интеграцияси негизида ривожланиш йўлига ўтмоқда. Эндилике Марказий Осиёнинг кўпгина давлатларига хос бўлган жараён пахта «яккаҳоқимчилиги»га барҳам бериш, пахтадан бўшаган ерларга донли экинлар экиш ва шу билан маҳаллий халқнинг дон ва дон маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондиришдан иборат. Мева ва узум етиштириш доираси ҳам кенгайтирилмоқда. Чорвачиликда ҳам турк халқлари эҳтиёжидан келиб чиқиб жиддий ўзгаришлар килинмоқда. Жумладан барча давлатларда чўчқачилик тугатилиб, унинг ўрнига қўйчилик ривожлантирилмоқда. Яйлов чорвачилигининг доираси тормоқда, чорва молларини кўлда боқишига асосий эътибор қаратилмоқда.

Қишлоқ ҳўжалиги хомашёси райони бўлган ушбу регион қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини хомашё тарзида бошқа регионларга чиқаришга чек қўйилмоқда ва уларни жой-жойида саноат усулида қайта ишлаш авж олмоқда. Шу асосда МОД агросаноат мажмуи изчиллик билан ривожланиб бораляти. Иқтисодиётда бундай иш тутиш ҳам регион халқ ҳўжалигига

умумийликни таъминламоқда. Марказий Осиёнинг алоҳида олинган давлатлари агросаноат мажмуи маҳсулотларини етиштириши, ишлаб чиқариш ва харид қилиш бўйича кенг ҳамкорлик қилмоқда. Масалан, яқин келажакда Қозогистон давлати МОД халқларининг дон ва дон маҳсулотларига, Ўзбекистон ва Тожикистон қозоқ халқининг хўл мева ва узум маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондиришга хизмат қиласди. Туркманистон туркий халқларнинг цитрус меваларига, Қирғизистон шакар-қанд ва майин толали жун маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондиришга хизмат қиласди. Шу тарзда Марказий Осиё иқтисодиётидаги умумийлик бошланади, аста-секин ягона халқ хўжалик тизими—МОД аро яхлит иқтисодиёт қарор топади. Иқтисодий тараққиётдаги бу тизимнинг бош йўналиши бирон-бир марказнинг, бирон бир алоҳида олинган халқнинг манфаатига эмас, балки туркий халқларнинг муштарак манфаатларига хизмат қиласди.

Марказий Осиё давлатларининг халқ хўжалиги аниқ йўналиш (комплекс)лар бўйича ривожланиб бормоқда.

Ёқилғи-энергетика комплекси. Комплекснинг ривожланиши МОДнинг кўпгина давлатларида бутунлай маҳаллий хом ашё—табиий ресурс омилига таянади. Унинг асосини нефть, кўмир, газ саноати ташкил қиласди. Нефть ва газ саноати регион саноатининг етакчи тармоқларидан биридир. Саноатнинг мазкур тармоқлари айниқса Ўзбекистонда тез ўсиб бормоқда (2-жадвал). Умуман Туркманистон, Қозогистон ва Ўзбекистонда ёқилғи-энергетика саноати тармоқлари салмоқли ўрин тутади. Марказий Осиё давлатлари орасида Туркманистоннинг Небит-Даг райони, Қозогистоннинг Фарбий иқтисодий райони, Ўзбекистоннинг Фарғона водийси ва Муборак районидаги нефть ва табиий газ конлари жуда кўп. Бу районларда нефтни қайта ишлайдиган заводлар, иссиқлик электростанциялари (ИЭС) ишлаб турибди. Шунингдек, мазкур районлардан МОДнинг саноатлашган шахарларига ҳамда хорижий давлатларга нефть ва газ қувурлари ўтказилган. Жумладан, Ўзбекистондан Қирғизистон, Тожикистон ва бошқа давлатларга, Туркманистон ва Козогистондан Россия, Украина ва бошқа хорижий давлатларга нефть ва газ қувурлари ўтказилган. Яқин келажакда эса

Туркманистондан Эрон, Тўркия давлатлари ва Ўрта дengиз мамлакатларига нефть, Қозогистондан Туркияга газ қувурлари ўтказилади.

**Марказий Осиё давлатларда ёкили-энергетика саноати маҳсулотларини за эзек-
траекторка ишлаб чиқариш ҳажми (1991—1995 йиллар)***

Давлатлар	Нефть млн. т.		Газ, млрд. куб.м.		Табиий газ, млрд. куб.м.		Кумир, млн.т.		Электроэнергия, млрд. квт-час			
	1991	1995	Усиш 1995 1991 й. нисб.	1991	1995	Усиш 1995 1991 й. нисб.	1991	1995	Усиш 1995 1991 й. нисб. % б-н.	1991	1995	Усиш 1995 1991 й. нисб. % б-н.
Ўзбекистон	2,3	7,7	334,78	41,9	48,0	114,56	5,9	3,1	52,54	54,2	47,2	8,08
Қоз.богот	26,6	20,5	77,06	7,9	5,9	74,68	130,0	83,2	64,0	84,0	65,7	76,39
Кир.стон	0,1	0,1	0,1	0,1	0,04	0,4	3,5	0,5	0,14	14,2	12,3	86,62
Токи.стон	0,1	0,03	0,1	0,04	0,4	0,3	0,03	0,3	17,7	14,8	83,61	
Турк.стон	5,4	4,13	75,92	84,3	55,6	65,95	—	—	15,0	10,5	70,0	
МОД бўйича жами	34,5	32,43	94,0	134,3	109,94	81,86	139,7	86,83	62,15	87,1	150,5	80,44

Акрамов Э. А., Таиров А. Э. Экономические реформы Республики Узбекистан.: ТОО «Люкс-арт», 1998, с. 124.

1991—1995 йилларда Марказий Осиё давлатларидаги ёкили-энергетика салоатининг асосий хомшишёлари (нефть, газ, кўмурни ишлаб чиқариш ҳажми бирмуна камайди. Бирор Узбекистонда 1995 йилда 1991 йилга нисбатан табиий газ қизиб отиш 114,56 фунга, нефть қизиб отиш эса 331,78 фунга ўсли. Электроэнергия ишлаб чиқариш эса МОДнинг ўргача кўрсаткичидан салкам 7 фунга юқори бўлди.

МОД ёқилғи-энергетика комплексида күмир саноатининг ҳам салмоқли улуши бор. Кўмир конлари МОДнинг барчасида топилган. Айниқса Қозогистон, Ўзбекистон, Қирғизистон ҳудудларида кўмир кўп. Биргина Қозогистонда кумирнинг геологик захираси 140 млрд тоннага тенг. Қарағанда, Экибастуз, Убаган ҳавзалари айниқса йирикдир. Мазкур ҳавзалари (ва биринчи навбатда Марказий ва Шимолий Қозогистон)да ИЭСлари ишлаб турибди.

Регионда қудратли ёқилғи-энергетика саноати комплексига ва гидравлик станцияларда ишлаб чиқарилаётган электроэнергиясига таяниб электроэнергетика саноати ривожланган. МОДларида йилига 150-180 млрд квт/соат электроэнергия ишлаб чиқарилмоқда.

Яқин келажакда МОДлари ягона энергетика системасига эга бўлиши кутилмоқда. Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг 1993 йил январь ойида Тошкентда бўлган учрашувларида ана шу ҳақда аниқ бир фикрга келинди.

МЕТАЛЛУРГИЯ КОМПЛЕКСИ. Бу комплекс қора ва рангли металлургияни ўз ичига олади. Комплексни ривожлантириш учун региондаги давлатлар бир хил имкониятларга эга эмас. Чунончи қора металлургиянинг хомашёси чегаралган. Темир руда конлари фақат Қозогистон Республикасида саноат аҳамиятига эга. Марказий ва Шимолий Қозогистон иқтисодий районларида ўнлаб темир руда конлари топилган ва ишга туширилган. Шулардан энг муҳимлари Қарағанда ва Кустанай вилоятларида бўлиб, 30 кондаги темир руда захираси 16 млрд тоннага тенг.

Марказий Осиё қора металлургияси биринчи навбатда Марказий Қозогистонда таркиб топган ва ривожланган. «Қозоқ магниткаси» номи билан аталадиган тўлиқ циклдаги Қарағанды металлургия заводи чўён, пўлат, прокат ишлаб чиқаради. Мазкур металлургия корхонаси Қарағанды кўмир-ёқилғи хомашёсига таёниб ишлайди. Шунингдек, Марказий Осиёда Ўзбекистонда ҳам Бекобод қора металлургия комбинати бор. Ушбу миллионер металлургия корхоналари МОДнинг қора мэталлга бўлган эштиёжини қисман бўлса ҳам қондириб келмоқда.

МОД металлургия комплексида рангли металлургия саноатининг салмоғи катта. Комплекснинг ушбу тармоғи МОД худудида топилган бир неча ўнлаб рангли металл руда хомашё-

ларига таянади. Рангли металл хомашёси эса МОДнинг Туркманистандан ташқари барча давлатлари ҳудудида учрайди. У айниқса Козогистон, Ўзбекистон, Қирғизистонда кўп. Мис, қўргонин, рух, сурма ва бошқа ноёб ва нодир металлар ўз саноат корхоналарига эга. Жумладан, Балхаш ва Олмалиқда мис саралаш фабрикалари, Қўйтошда қўргошин ва рух, Ҳайдаркентда сурма, Павлодар ва Тожикистоннинг Турсунзода шаҳрида алюминий заводлари ишлаб турибди ва бошқалар.

Регионда кенг қулоч ёйган рангли metallurgия саноати минтақанинг барча давлатларига хизмат қилади.

МИСОЛ. Тожикистон алюминий заводини олайлик. У МОДда рангли metallurgия саноатининг гиганти ҳисобланади. Завод 1975 йилда ишга тушган. Завод Марказий Осиё давлатлари машинасозликсаноат корхоналари учун қимматли хомашё — алюминийнинг турли форма ва ўлчамдаги қўймаларини, шунингдек аҳоли кенг эҳтиёжи учун ўнларча номда маҳсулот ишлаб чиқаради.

Машинасозлик комплекси. Мазкур комплекс регион машинасозлик саноатини ўз ичига олади ва давлатлараро йўналиши (иҳтинослашуви) бўйича фарқ қилади. Ўлканинг машинасозлик саноат корхоналари энергетика саноати (нефть қазиб олиш, газ ва кўмир қазиб олиш, гидравлик ва иссиқлик электростанциялар) учун машина, механизм, асбоб-ускуналар ишлаб чиқаради. У metallurgия саноати, химия саноати, қишлоқ хўжалиги, транспорт учун турли ном ва маркадаги машина ва механизmlар ишлаб чиқаради. Саноатнинг бу тармоғи табиий ресурслар омилига бевосита боғланмаганлиги учун хомашё районига кўра истеъмолчи районларда яхши ривожланган. Жумладан, Туркманистанда нефть ва газ саноати машинасозлиги, Козогистон ва Ўзбекистонда дон ва пахтачилик учун хизмат киладиган машинасозлик; Ўзбекистон ва Қирғизистонда енгил ва юқ автомобилсозлиги; Ўзбекистонда самолётсозлик, Тожикистонда қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ривожланган.

Кимё саноати мажмуи. Регионда кимё саноати мажмуи у билан боғлиқ саноат тармоқларининг ривожланиши билан кенг қулоч ёймоқда. Бу ерда нефткимё, газокимё, кўмиркимё тармоқлари айниқса ривожлангандир. Кимё саноатининг зикр килинган тармоқлари Козогистон, Ўзбекистон ва Туркманистаннинг хомашё районларида жойлашган ва анча яхши ривожланган. Шунингдек, регион кимё саноати минерал ўғит учун

ишлатиладиган калий, фосфорид конлари базасида ҳам ривожлантирилган.

Мисол. Қозогистонда маҳаллий хомашё базасида кимё саноати жуда ривожланган. Саноатнииг бу тармоғи 80 дан ортиқ турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаради. Минерал ўғитлар, олтингутурт кислотаси, сунъий тола, хромли туз, заҳарли химикатлар, антибиотиклар, полиэтилен, гербицидлар ишлаб чиқариш айниқса яхши йўлга қўйилган. Мамлакатда нефтокимё, газокимё, кўмиркимё маҳаллий хомашё базасида тез ривожланб бормоқда.

Пахтачилик мажмуи. Марказий Осиёда пахтачилик мажмуи яхши ривожланган. Мазкур пахтачилик мажмуи бир-бири билан узвий боғланиб кетган технологик жараён бўлиб, бир томондан пахта ялпи ҳосилини етишириш, уни уз вақтида йигиб-териб олиш, етиширилган ялпи ҳосилини пахта пунктларига келтириш, навларга ажратиш, бундлаш, пахта ялпи ҳосилидан пахта толасини ажратиб олиш, толадан ип-газлама ишлаб чиқариш, кийим-кечак бичиши ва тикиш, пахтанинг иккиламчи маҳсулотларидан ёғ, совун каби кўп хил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш; иккинчи томондан эса пахта етишириш ва уни йигиб-териб олиш учун машиналар, тракторлар, комбайнлар ва бошқа ўнлаб номдаги асбоб-ускуна ва механизмлар ишлаб чиқариш, минерал ўғитлар, ҳар хил химикатлар, дори-дармонлар тайёрлаш ва бошқаларни ўз ичига олади.

Марказий Осиё давлатлари жаҳондаги энг йирик пахтакор регион. Унинг барча давлатларида пахта экиласди. МДҲга аъзо бўлган давлатларда етиширадиган пахтанинг 90 фоиздан кўпрогини Марказий Осиё давлатлари беради. Бироқ пахта етишириш бўйича Марказий Осиё давлатлари баб-баравар тупроқ-иқлим имкониятларига эга эмас. Пахта экиш ва етиширишда айниқса Ўзбекистон, Туркманистон ва Тожикистоннинг табиий ресурс омили катта. Бу давлатларда нисбатан жаңубий жуғрофий шароити: иқлиминг илиқлиги, қуёшли кунларнинг кўплиги, ҳаво ҳарорати ижобий ва фойдали даражасининг баландлиги, ўсимлик ўсуви даври учун керакли кунларнинг кўплиги, тупроқнинг ўта маданийлашганлиги, серунумлиги, сугориш шоҳобчалари: сув омборларининг кўплаб барпо қилинганлиги, магистрал каналларнинг кўп қазилганлиги иссиқсевар деҳқончилик-пахтачиликни ҳар жиҳатдан ривожлантиришни тақозо қилган.

Пахтачилик мажмуи яқин вақтларгача Марказий Осиёда бир томонлама ривожланган әди, холос. Масалан, пахтакор хұжалик, туман, вилоят ва ҳаттоки бутун-бутун жумхуриятлар ҳам фақат пахтани узоқ үлкаларда жойлашган тұқимачилик саноат корхоналари учун хомаше тарзидан ишлаб чықаради холос. Эндилікда әса вазият ўзгарды. Марказий Осиёдаги барча давлатлар ўзларыда пахтачилик мажмунини ривожлантироқтада. Пахта етишириш, уни бирламчы ва иккиламчы қайта ишлаш, пахтачилик мажмуи маңсулотларини харид қилишни улар ўзларыда изчиллік билан ҳал қилишмоқда. Табиийки, яқин вақтларгача хомаше райони бўлган регион давлатларидан бу муаммо осонликча ҳал бўлмайди. Чунки пахтачилик мажмуига хизмат қиласидиган ишлаб чиқришни йўлга қўйиш, янгидан йирик-йирик машинасозлик ва тұқимачилик саноат корхоналарини барпо қилиш маълум вақтни ва модий ресурсларни талаб қиласиди. Бу борада Марказий Осиё ҳудудидаги барча давлатларнинг яқиндан ҳамкорлик қилиши, моддий ресурсларни тўла ишга солиши, пахтачилик мажмунини ривожлантиришининг узок муддатга мўлжалланган ҳамкорликда ишлаб чиқилган режасини амалиётда қўллаши самарали натижалар беради.

Дончилик мажмуи. Бу мажмуига дон (асосан бугдой) етиширишга ихтисослашган қишлоқ хўжалик корхоналари, дон маңсулотларини сақладиган ва қайта ишлайдиган (донхоналар, элеваторлар, ун тегирмонлари, нон заводлари, кондитер маңсулотлари тайёрлайдиган) саноат корхоналари, шунингдек, дон етишириш (ер ҳайдаш, экиш, ўғит сепиши, етиширилган ҳосилни ўриб-йигиб олиш, янчиш, тозалаш, элеваторларга ташиб каби жараёнлар) учун хизмат қиласидиган машина ва механизмлар киради.

Марказий Осиёда дончилик мажмуи яқин ўтмишда бир томонлама ривожланган әди. Унинг асосий жугоюрий райони Қозогистоннинг «Қўриқ ўлка» номини олган Шимолий Қозогистон иқтисодий райони әди. Бу районда 1954—1960 йилларда салкам 30 миллион гектар қўриқ ва бўз ерлар ўзлаштирилди, дехқончилик доирасига киритилди. «Қўриқ ўлка»да ве қисқа вақт ичидан юзлаб дончилик давлат хужаликлари, туман ва вилоятлар ташкил қилинди. Дончиликка хизмат киласидиган машинасозлик саноат корхоналари барпо қилинди. Бу регионда дончилик мажмуи дунёning бошқа регионлари

учун ўриак бўладиган даражада ривожлантирилган. Бироқ Марказий Осиёнинг бошқа регионларида субъектив сабабларга кўра дончилик мажмуюи яхши ривожланмаган. Бунинг асосий сабаби Марказий Осиёнинг аксарият давлатларида «пахта яккаҳокимчилиги»нинг узоқ ҳукм сурини эди.

Келажакда Марказий Осиёнинг барча давлатларида дончилик мажмуюи жадал ривожлантирилади. Чунки Марказий Осиёнинг ҳар бир мустақил давлати маҳаллий аҳолининг дон, унва ўзи маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тула қондириш учун узоқ муддатларга мўлжаланган режаларни тузиб чиқармоқдаларга турмушига тадбиқ қўймоқдалар. Бундай тадбир Қозогистоннинг йирик доңкор регион бўлиб қолишини асло инкор этмайди, балки Марказий Осиё ҳудудида мазкур дончилик мажмумининг кенг ривожланишига ва маълум миқдордаги доңни хорижий давлатларга чиқарини имкониятини беради.

Амалий ишлар: 1. Статистика маълумстларидан фойдаланиб МОД халқ хўжалигининг етакчи соҳаларини аниқланг, бир-бирига қиёсланг ва хулоса ёзинг.

2. МОД халқ хўжалиги мажмуиларини контур харитага туширган ва уларга қисқача таъриф ёзинг.

Талабанинг билим ва малака мезони:

Талаба:

- МОД халқ хўжалиги ривожланишининг яқин ўтмишини ва уни жойлаштириш ва режалаштиришда олиб борилган сиёсатнинг оқибатларини;

- МОД халқ хўжалиги ривожланишида табиий ресурс омилларини - МОД халқ хўжалигининг тармоқ тузилишини ва уларнинг мустақил давлатлараро фарқ қилиш сабабларини;

- регион саноат ишлаб чиқаришининг етакчи соҳаларини, уларнинг жойлашиши хусусиятларини;

- регион қишлоқ хўжалигининг етакчи тармокларини;

- региона таркиб тоғган саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш мажмуаларини;

- статистика маълумотлари асосида таҳлил қилиш йўли билан регион халқ хўжалиги ривожланишига хулоса чиқаришни;

- харитографик йўл билан (вақтли статистика маълумотлари асосида) МОДнинг ривожланган регионларини аниқлаб беришини билиши лозим.

4-бөб.

ТРАНСПОРТ ЖУҒРОФИЯСИ: ЭҢГ МУҲИМ ТРАНСПОРТ ТУРЛАРИ, ИҚТИСОДИЙ АЛОҚА УФҚЛАРИ

Яқин ўтмишда Марказий Осиёда ягона транспорт тизими вужудга келтирилмаган эди. Бу әса ҳудудлари яхлит бўлган, халқ хужалик тармоқлари бир-бири билан узвий боғланиб кетган регион учун ўта зарур эди. Ягона транспорт тизимига муҳтож бўлган бу ўлкада барча транспорт турлари ва унда транспорт воситаларининг қатнови ҳам Марказга бўйсунар эди. Масалан, Марказ (ва биринчи навбатда бошқариш ва идора қилиш ташкилотларини ўзида мужассамлаштирган Москва) лозим тоңса Марказий Осиёдаги у ёки бу республикада темир йўл ёки автомобиль йўли қурилар, ҳаво йўллари очилар, поезд ёки самолёт қатнар эди. Самолёт ёки поезд қатнови учун жадвални ҳам марказ тузарди ёки тузилган жадвални тасдикларди. Шунинг учун ҳам СССР парчаланганидан кейин МОД ҳудудида бир бутун транспорт тизими қолган эмас эди, балки бу ҳудуддаги барча давлатларда муҳим транспорт турлари ривожланмай қолган эди.

1-мисол. Темир йўл транспортини олайлик Унинг Марказий Осиёдаги хар 1000 кв.км,га тўғри келадиган ўртача зичлиги 6,4 км ни ташкил қиласди. Ҳолбуки бу зичлик Украинада 30,8 км, Еелорусда 26,7 км ни ташкил қиласди. Шунинг учун ҳам Марказий Осиёнинг айрим давлатлари-иқтисодий район-

Марказий Осиёнинг транспорт тарихига бир назар таш лайлик. Қадимда у Буюк ипак йўли (караван йўли)да булган. Ғарбий Европанинг Жанубий ва Шарқий Осиё билан иқтисодий алоқаси караван йўли орқали ўтган. Бу ҳудуддан ўтган караван йўлининг шохобчалари эса қадимий Туркистондаги хозирги мустақил давлатларни бир-бирлари билан боғла-

ганлиги шубҳасизdir. Бироқ яқин ўтмишгача бу йўл унут бўлган. Айниқса, эски империянинг тиканли ва токли чегараси ўтмишдаги алоқаларимизни узиб ташлаган эди. Марказий Осиё ўзининг чегарадош, қондош, жондош яқин қўшнилари Туркия, Эрон, Афғонистон, Покистон, Хитой билан ҳам фақат марказ орқали алоқа қиласди, холос.

Эндилика Марказий Осиёда ягона транспорт тизими ни вужудга келтириш тадбиги... амалга оширилмоқда. Буюк ипак йулига уюштирилётган илмий экспедицияларни тилга олайлик. Унинг жуғрофий томони ўтмишда Туркистон ўлкасининг гуллаб-яшинашига ҳисса қўшган бу иўлнинг аҳамиятини очиб бериш орқали Европа билан Осиё давлатлари алоқлари яхашам кучайтиришидир. Шунда ўлкамизнинг

ташки транспорт алоқалари кучаяди, янгича мазмун олади.

Буюк ипак йулини тиклаш гояси Ўзбекистон ҳукуматининг МОД транспорт коммуникациясини вужудга келтириш соҳасида амалга ошираётган қутлуғ ишидир. Ушбу туркий замин узра ўтган мазкур йўлнинг тикланиши МОДнинг транспорт тизимида буюк ўзгаришлар қиласиди.

ларида тэмир йўл транспорти яхши йўлга қўйилмаган, унинг зичлиги ниҳоят даражада паст. Жумладан, Қирғизистонда темир йўлларнинг зичл.ги-1,8 км, Туркманистонда-4,9 км, Ўзбекистонда 14,7 км.,ни ташкил қиласиди.

2-мисол. Ички районлараро катта аҳмиятга эга бўлган автомобиль транспорти хам талаблар даражасида ривожланган эмас. Марказий Осиё давлатлари ичидаги мустаҳкам заминга эга бўлган йирик автомагистраллар бармоқ билан санарли даражасидан. Автомобилъ йўлларининг ҳар 1000 кв.км га зичлиги Украина-412,3 км бўлган ҳолда Туркманистонда-43,2 км. Белорусла-294,2 км бўлгани ҳолда Тожикистонда-133,4 км ни ташкил қиласиди.

МОДнинг бир бутунлиги, давлатларининг муштарак манфаатлари бирлиги ягона транспорт тизимини барпо қилиш, қадимий бөгликлекни, алоқаларни янгича мазмун билан бойитиб ривожлантиришини тақозо қиласиди. Ҳозирги вақтда Марказий Осиё давлатлари темир йўл, автомобиль ва сув йўли, ҳаво транспорти ва қувур транспорти билан бир-бирлари билан боғланган. Бу нарса МОД ягона транспорт тизимини барпо қилиш учун муҳим асос. Ушбу омилий асосдан региондаги барча давлатлар кенг ва унумли фойдаланишмоқда. Шунингдек, Марказий Осиёнинг ҳар бир давлати хорижий мамлакатларга чиқишнинг ўзига хос имкониятларига эгаки, бу имкониятлардан ҳам эндилика ҳамкорликда фойдаланишга киришилмоқда. Масалан, Туркманистондан Эронга «Даджон-Сарахс-Машҳад» темир-

йўл магистрали ўтказилди. 1996 йилнинг 14 май куни ишга тушган ушбу темир йўлнинг узунлиги 305 км булиб, бу йўл орқали Марказий Осиёнинг барча давлатлари Эрон, Туркия (ва улар орқали Европа давлатлари) билан боғланадиган бўлди. «Тошкент-Ош-Урумчи» маршрутида қурилаётган автомобиль ва кейинчалик темир йўл эса Узбекистоннинг пойтахтини Қирғизистон орқали энг яқин йўл билан Хитой Халқ Республикасига боғлади. 1995 йилда режалаштирилган Термиз-Хирот-Қобул-Ҳарачи автомобиль йўлининг қурилиши, шунингдек, МОДда Қаспий денгизидан транспортда хамкорликда фойдаланиш, Қозогистон орқали Хитойга ва сўнгра Тинч океани дengizlariiga чиқиш режаларининг тузилиши Марказий Осиё давлатлари ташқи алоқасида буюк бурилиш уфқларини очиб бермоқда.

Асосан қуруқлик региони бўлган МОДда юк ва пассажир ташибида темир йўл транспорти катта аҳамиятга эга. Ушбу йирик регионда дастлабки темир йўллар чор Россиясининг ҳукмронлиги даврида қурилган. Унинг энг муҳимлари: Туркманбоши-Ашгабад-Чоржуй-Когон-Самарқанд-Тошкент; Тошкент-Бишкек-Олмата; Тошкент-Термиз-Душанба; Термиз-Қўргонтепа-Яван; Чоржўй-Қунград-Мари-Кушка; Фарғона-Қизил-қия-Учқўргон-Тошкент; Семипалатинск-Олмата, Луговая-Чимкент-Арис.

1960-1990 йилларда ўлканинг айrim давлатлари ҳудудидан маҳаллий аҳамиятга эга бўлган кўпгина темир йўллар қурилган. Шулар жумласига Тожикистонда ва Узбекистоннинг жанубида Термиз-Қўргонтепа-Яван, Қозогистонда Макат-Бейнау-Шевченко йўлларини кўрсатиш мумкин.

Регионда Автомобиль транспортининг аҳамияти ўзгача хусусиятга эга. Унинг ривожланishiiga икки хил ҳолат таъсир кўрсатиб туради. Биринчиси ўлкада темир йўл қурилишининг суст ривожланганилиги, зичлигининг пастлиги, иккинчиси эса ўлка орографик хусусиятларининг ниҳоят даражада мураккаблиги.

Мисол. Кирғизистон давлатини тилга олайлик. Унинг аксарият ҳудуди тоғ ва баланд тоғ системасидан иборат. Шунинг учун ҳам бу ерда ҳар минг кв. км.га автомобиль йўлнинг зичлиги 297,4 км га тўғри келади Бу кўрсаткич Узбекистонда 207,4, Туркистонда эса 43,2 км ни ташкил қиласи холос. Уз навбатида мазкур давлатларда ҳар минг кв. км га темир йўлнинг зичлиги 1,8:4, 3:8 км га тенг.

Құзур транспорті. Уннің мінтақа давлатлараро ақамияти бор. Айниңса, Үзбекистон, Туркманистан, Қозғостан ҳудудларидан ўнларча районлараро ва давлатлараро нефть, табиий газ вұвурлари утказилган.

Сув транспорты. У дарё ва деңгиз транспортиның ўз ичига олади. Мінтақаның іирик дарёларида кема қатнови йүлга құййилған ва уларнинг давлатлараро (халқаро) ақамияти бор. Масалан, Амударә транспортидан Тожикистан, Афғонистон, Үзбекистон, Туркманистан ҳамкорликда фойдаланади. Иртиш дарёсі транспортидан Қозғостан, Россия, Хитой давлатлари фойдаланади ва бошқалар. Марказий Осиё давлатларининг янгыдан яратылаётған ягона транспорт тизиміда Каспий ва Орол деңгизининг, шунингдек, Иссық күлнінг ҳам салмоқли улуши бор. Масалан, Каспий деңгизидан ҳозирча транспорт воситаси сиғатида Туркманистан, Қозғостан, Орол деңгизидан Үзбекистон, Қозғостан, кенг фойдаланыб келмоқда. Марказий Осиё давлатларидаги қон-қардошлиқка таянған бирлік, амалга оширилаётған иқтисодий, маданий, техникавий ҳамкорлик кеңейткіштік деңгиз транспортидан барча давлатларнинг биргаликда фойдаланыш уғұларини очмоқда. Каспий бүйіда янги прерлар қуриш, деңгизда кема қатновини яхшилаш туркій халқтар үчүн погзарб мавзуга айланды.

МОДда ягона ҳаво транспорт тизими яратылған дейиши мумкин. Ҳудуддаги барча давлатлар ҳаво транспортига әга. Ҳаво транспорти йүллари туркій халқларни бир-бирлари билан бөлгөнде турибди. Масалан, Ашгабад Баку билан, Олматы Бишкек билан, Тошкент Душанбе билан, шунингдек, барча Марказий Осиё давлатларининг іирик шаҳарлари бир-бирлари билан ҳаво транспорти орқали чамбарчас босланғандыр. Ъз навбатида региондаги давлатлар ҳаво транспорти билан АҚШ, Англия, Франция, Турция, Россия, Украина, Эрон, Афғонистон, Пакистон, Хитой, Ҳиндистон, Корея ва бошқа бир неча ўнлаб хорижий давлатлар билан бевосита алоқа қиласы.

Марказий Осиё давлатлари ўз транспортини такомиллаштириш ва ривожлантиришда, ички ва ташқи алоқаларни күчайтиришида яратувчанлық ишларини амалға ошироқ да. Яқин келажакда Марказий Осиё ягона темир йүл, автомобил йүли, құуру, сув йўли ва ҳаво транспортиның бир бутун тизими вұжудда келади. Бу нараса ўз-ўзидан Марказий Осиё давлатларининг ташки иқтисодий ва маданий алоқасини күчайтириб ре-

гиснда ишлаб чиқариш кучларини жадал ривожлантиришга хизмат қилади.

1-мисол. Кашка-Машҳад темир йўл қурилишини олайлик. Бу йулнинг ҳамкорликда қурилиши бир жиҳатдан туркий забон халқларининг қадимий дўстлигини қайта тиклайди ва энг муҳими Каспий денгизидан шарқдаги барча Марказий Осиё давлатларининг Эрон, Туркия давлатларига ва Ғарбий Европа мамлакатларига чиқиш имкониятини яратади. Бу йулнинг қурилиши айниқса МОДни 60 миллион аҳолиси бўлган Туркия билан боғлашда қимматлидир.

2-мисол. Вақтида Марказий Осиё учун ҳаво транспортидан фойдаланиш ҳам чекланган эди. Бирон-бир мамлакатта чиқиши масаласини фақат Марказ ёки Москва ҳал қиласр эди. Эндиликда бундай тўсиқ йўқ килинди ва МОД исталган мамлакат билан ҳаво транспорти алоқаларини ўрнатмоқда. Марказий Осиё давлатлари транспортида юз берадиган туб узгаришлар шубҳасиз туркий халқлар манфаатини кузлаб, туркий забон давлатларининг кўп қиррали алоқаларини мустаҳкамлашга, уларнинг ташқи иқтисодий ва савдо-сотик, техникавий ва маданий алоқаларини ривожлантиришга қаратилгандир.

Амалий иш. 1. МОДда муҳим транспорт турларини контур харитага тушириш. 2. МОД транспорт тармоқлари ривожланишида амалга оширилаётган муҳим ўзгаришларнинг тавсифини ёзиш.

Талаба:

-жузрофий харита (атлас) ёрдамида траспорт йўлларини аниқлашни;

-жузрофий харита (атлас) ёрдамида Марказий Осиё давлатлари, яъни темир йўл ва муҳим автомагистралларни аниқлашни ва шу асосда МОДда ягона транспорт тизимини вужудга келтириш ҳақида хулоса чиқаришни;

-жузур транспорти орқали МОДнинг хорижий давлатлардаги мавқеини харитографик материаллар асосида тушунтириб беришни;

-МОДнинг ташқи иқтисодий алоқасида муҳим ўрин тутадиган яқин ва узоқ хорижий давлатларни ажратиб беришни билиши лозим.

II-қисм.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ 5-боб. ТОЖИКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ.

Ҳудуди 143 минг кв.км.
Аҳолиси 5,8 миллион киши
Пойтахти Душанбе шаҳри.

1. Ҳудуди, чегаралари, иқтисодий жуғрофий ўрни. У ҳудудининг катталиги жиҳатидан Марказий Осиё давлатлари ичидан охирги ўринда туради. Унинг ҳудуди гарбдан шарқقا 715 ва шимолдан жанубга 509 км масофага чўзилган. Бироқ Тоҷикистоннинг шимолий қисми унинг жанубидан узилиб қолган. Орадаги осмонӯпар тоғлар табиий тузиқ тарзида қад кўтарган. Шунинг учун «Шимолий Тоҷикистон» ва «Жанубий Тоҷикистон» деган объектив асосга таянган жуғрофий тушунчалар мавжуд. «Шимолий Тоҷикистон» Фарғона водийсининг бигр қисмини, «Жанубий Тоҷикистон» эса Ҳисор, Вахши, Ёвон ва бошқа ўнлаб вадийларни ўз ичига олади.

Тоҷикистон гарбдан Ўзбекистон, шимолдан Қирғизистон, жануб ва шарқий томонлардан Афғонистон ва Хитой давлатлари билан чегараланади. Республиканинг ҳудуди баланд, паст, ясси тоғлар, қир-адирлар, дарё водийлари, сой бўйлари, текистлик ва паст текистликлардан иборат. «Дунё осмони» деб номланган, серқирра баланд чўққиларга бой бўлган Помир тоғи ва унинг Туркистоннинг бошқа давлатлари билан туташиб кетган Ҳисор, Зарабшон, Олой тог тизмлари ҳам шу заминнадир.

Мамлакатнинг иқтисодий жуғрофий ўрни (ИЖУ) унинг халқ ҳўжлигини ривожлантиришга таъсир кўрсатиб туради. Биринчидан унинг бирмунча ривожланган Ўзбекистон ва Қирғизистон давлатлари билан катта масофада чегаралангандиги ташки иқтисодий алоқасида муҳим ўрин тутади. Бу нарса айниқса Марказий Осиё давлатларининг ҳамкорликда олиб бораётган ҳозирги иқтисодий сиёсатига мос тушади. Иккинчидан Тоҷикистоннинг нисбатан жанубда жойлашганлиги, иқлимий ресурсининг агросаноат мажмуини ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатиб туриши, кон-қазиб олиш саноатини ривожлантириш учун табиий-ресурс омили сифатида кўпгина рангли металл руда конларига эга эканлиги, сув ресурсининг

2-МИСОЛ. Шимолий ва Жанубий Тожикистоннинг баланд тоғлар билан бир-биридан узилиб қолганлиги мамлакатнинг темир йўл ва автомобиль йўлидаги ички алоқаларини ўзга давлатлар орқали амалга оширишини тақозо қилган. Масалан, мамлакатнинг пойтахти Душанбедан Шимолий Тожикистондаги энг ийрик шаҳар Хўжандгача бўлган масофа 320 км ка тенг бўлгани ҳолда, бу масофадан уч марта кўп босиб ўзга давлат (Ўзбекистон) орқали

3-жадвал

Тожикистон аҳолиси ва унинг бандлик даражаси, минг киши

	1990	1991	1992	1993	1994	1995
Жами аҳоли	5.232	5.342	5.555	5.556	5.688	5.757
шундан әркаклар	2.600	2.652	2.764	2.766	2.834
аёллар	2.632	2.690	2.791	2.790	2.854
шаҳар аҳолиси	1.676	1.668	1.689	1.636	1.625	1.611
қишлоқ аҳолиси	3.556	3.674	3.866	3.920	4.063	4.146
ўсмирлар	2.364	2.425	2.525	2.543	2.619
мәҳнат ёшдагилар	2.470	2.509	2.610	2.601	2.655
кексалар	398	408	420	412	414
жами меҳнат ресурслари	2.469	2.526	2.669	2.688	2.746
Аҳолининг бандлик даражаси үндан: 1986	1986	1961	1908	1814	1838
қишлоқ ва ўрмон хўжалигига	883	881	892	949	005
саноат ва қурилишда	422	404	382	335	310
шундан саноатда бошқа тармоқларда	261	257	250	219	205
номоддий ишлаб чиқаришда	219	215	185	168	148
	462	469	449	402	375

х/Статистический сборник, 1996 год. Государства бывшего Советского Союза, 21. Всемирный банк. Вашингтон, Округ Колумбия, с. 413.

Марказий Осиё давлатлари ичидә энг кўплиги ва бошқа ички омиллар унинг иқтисодиётига ижобий таъсир кўрсатниб туради. Ўз навбатида Тоҷикистон ИҶУ нинг салбий томонлари ҳам мавжуд. Ҳудудининг материкнинг анча ичкарисида-баланд тоғли зонада жойлашганлиги учун у сайёрамиздаги ривожланган мамлакатлардан узилиб қолган. Шунингдек, мамлакат ҳудудининг куп қисмини тоғлар әгаллаганлиги учун у шарқий, жануби-шарқий қисмидаги жойлашган давлатлар билан иқтисодий ҳамкорлик қилишда табиий равишда кийинчиликларга дуч келган. Ҳаттоқи Республика ҳудудининг ўзи ҳам баланд тоғлар билан ўнларча марта булиниб қолганлиги давлатнинг умумий тараққиётida табиий тўсиқдир.

1-МИСОЛ. Тоҷикистон Помир тоги ва унинг баланд тизмалари орқали Хитой ва Афғонистон давлатлари билан чегараланди. Ҳаттоқи Покистон ва Ҳиндистон давлатлари ҳам Тоҷикистонга яқин қўşнидир. Бироқ баланд тоғлар эса ушбу давлатлар билан бевосита иқтисодий алоқа қилишга афсуски табиий тўсиқдир.

2. Аҳоли жуғрофияси: сони, зичлиги, уни тақорор ишлаб чиқариш, миллий таркиби, жойлашиши. Аҳолининг сони жиҳатидан мамлакат Марказий Осиёда (Ўзбекистон ва Қозогистондан кейин) учинчи ўринда, аҳолининг табиий ўсиши жиҳатидан ҳам (Туркманистон ва Ўзбекистондан кейин) учинчи ўринда туради. Республика аҳолисига хос хусусиятлар: кўп болалик, киндик қони тўкилган жойни муқадас билиш, жойдан-жойга кучиб юришга одатланмаслик, меҳмондуғтлик, меҳнатсеварлик, қишлоқсеварлик, Аҳолидағи бу хусусиятлар бўйича тоҷик ҳалқи бошқа туркий ҳалқлардан ажралмасдир. Аслида эса тоҷиклар туркий ҳалқлар эмас, балки форсий тилда гаплашувчи ҳалқлардандир. Ўз асносида тоҷик ҳалқининг этник келиб чиқиши ҳам туркий ҳалқлар билан анча яқиндир, бир хилдир.

Яқин ўтмишда Марказий Осиёда аҳолининг табиий ўсиши бўйича Тоҷикистон биринчи ўринда турар эди. Бирок, сўнгги (1990-1999) йилларда мамлакат ичкарисида юз берган носоғлом вазият аҳоли табиий ўсишига салбий таъсир кўрсатди. Аҳолининг йиллик ўртача ўсиши 1990-1995 йилларда Туркманистонда 4,1 ва Ўзбекистонда 2,1 фоизни ташкил қилгани ҳолатда бу кўрсаткич Тоҷикистонда 1,9 фоизга тенг бўлди. Аниқ маълумотларга қараганда 1990-1995 йилларда Тоҷикистон

тон аҳолисига атиги 525 минг кишига кўпайган. Холбуки, шу даврда Туркманистон аҳолиси 821 минг ва Ўзбекистонники 2240 минг кишига кўпайган.

Мамлакат аҳолиси унинг регионлари аро жуда нотекис жойлашган. Аҳолининг аксарият қисми дарё водийлари ва сой бўйларида истиқомат қилишади. Аҳоли зичлиги ҳам регионлар бўйича кескин фарқ қиласди ва сўнгги йилларда 4 марта кўпайди М., 1939 йилда ҳар бир кв. км.га 10,3 киши тўғри келган бўлса, у 1959 йилда 13,8, 1970 йилда-20,3, 1979 йилда-27, 1989 йилда-33, 1990 йилда-36,6 ва 1995 йилда 40,2 кишини ташкил қиласди,

Аҳоли зичлиги унинг жуғрофий ўрни орографик хусусиятларига кўра шимолий ва жанубий Тоҷикистонда, Кўхистон ва Ҳисор, Вахш водийларида, сугориб зироатчилик килинадиган зоналарда бир-бирига қарама-қарши қутблар даражасида фарқ қиласди. Масалан, водийларда аҳоли зичлиги 400-450 кишига тўғри келгани ҳолатда бунинг аksi ўлароқ тоғли Бадаҳшон (Помир)фа аҳоли зичлиги 1-2 кишига тенг.

Тожик ҳалки қишлоқсевар ҳалқ. Бу ерда аҳолининг аксарият қисми ҳамиша қишлоқларда яшаб келган. Тоҷикистонда 1979-89 йилларда шаҳар аҳолиси 2 фоизга камайган бўлса, у 1990-1995 йилларда бирмунча кўпайди, яъни 1995 йилга келиб умумий аҳолининг 38,8 фоизини ташкил этди. Бироқ МДҲга аъзо бўлган давлатларда эса умумий аҳолининг 60 фоизидан ортиги шаҳарларда яшамоқда. Шунингдек, Марказий Осиёнинг бошқа барча давлатларида ҳам шаҳар аҳолисининг миқдори Тоҷикистонникидан анча баланд. Масалан, Қирғизистонда аҳолининг 38, Ўзбекистонда-40, Туркманистонда-45, Қозоғистонда-57 фоизи шаҳарларда яшайди.

Аҳолининг табиий ўсиши юқорилиги учун мамлакат меҳнат ресурсларига бой. Республика аҳолисининг кўпчилигини меҳнатга қобилиятли ёшлар ташкил қиласди. Бироқ мамлакатда меҳнат ресурсидан фойдаланиш яхши йўлга қўйилган эмас. Айниқса, унинг тоғли зonasидаги юзлаб аҳоли манзилгоҳларида фойдали меҳнатга тортилмаган бир неча юз минг ишсиз бор. Уларнинг кўпчилиги аёллар ва меҳнатга лаёқатли ёшлилардир.

Тоҷикистонда шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг нисбати ҳам урбанизация даражасининг пастлигини кўрсатиб турибди. Мамлакатда шаҳарлар сони нисбатан кам ва борлари ҳам унча

катта әмас. Мамлакатнинг йирик шаҳарлари Душанбе, -Хўжанд, Турсунзода, Қўргонтепа.

Тожикистон кўп миллатли давлат. Унинг босим халқи тоҷик ва ўзбеклар. Тоҷиклар умумий аҳолининг 60 фоиздан ортигини, узбеклар эса 27,3 фоизини ташкил қилади. Бу ерда яна сон жиҳатдан энг кўп яшайдиган миллат вакиллари рус, киргиз, татар, мордва, украин, осетин ва бошқалардир.

Аҳоли ниҳоят дараҷада нотекис жойлашган.

1-мисол. Аҳолининг аксарият қисми паст текисликлар, дарё, водийлари ва сой бўйларида жойлашган. Чунки дехқончилик асосан унинг денгиз сатҳидан унча баланд булмаган ҳудудларида амалга оширилади.

2-мисол. Аҳолининг нотекс жойлашишига таъсир кўрсатувчи омил унинг орографик хусусиятлариdir. Биринчидан, тоғли зонада дехқончилик қилиш доираси чегараланган. Бу зонада маданийлашган тупроқ (ерлар)нинг камлиги, салқин иқлимий шароит дехқончилик қилишга қийинчиликлар туғдиради. Иккинчидан бу зонада шундай аҳоли манзилгоҳлари борки, улар бир-бирлари билан табиий тўсиқ тарзида баланд тоғлар билан ажralиб туради. Тоғ ва баланд тоғ табиати зонасида хўжалик юритиш мураккаб кўчади ва ўз навбатида аҳоли манзилгоҳларининг ҳам мамлакатнинг маданий марказлари билан алоқа қилиши табиий равишда чегараланган.

3. Хўжалитига умумий таъриф: унинг тармоқ ва ҳудудий тузилиши. Тожикистон аграр мамлакат. Унинг иқтисодиёти яқин ўтмиш (1917-1991 йиллар)да бир томонлама ривожланди. Тоҷикистон собиқ СССР учун жанубдаги йирик хомашё райони эди. У қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиради ва уни саноатда кайта ишлаш учун марказга жўнатарди; у тоғ-кон қазиб олиш саноатини ривожлантирган эди ва қазиб олинган рудани қайта ишлаш учун марказий районларга жўнатарди. Оқибатда Тоҷикистон маҳаллий саноатни ривожлантиришни ички әҳтиёжига яраша олиб боралмас эди.

Мамлакат 1991 йилда ўз мустақиллигини қўлга киритиши билан иқтисодиётининг асосини ташкил қилган саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ички әҳтиёжлари асосида ривожлантиришга киришди.

Агросаноат мажмуи. Тоҷикистон халқи хўжалигида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши етакчилик қилади. Бу борада суғориладиган дехқончилик, тоғ-яйлов чорвачилиги, мева ва узум-

чилик қадим-қадимдан ривожлантирилган. Ҳозирги вақтда мамлакат қишлоқ хўжалиги турли-туман қишлоқ хўжалик техникаси билан яхши таъминланган жамоа ва давлат хўжаликлари, чорвачилик комплекслари, фермер хўжаликларига эга. Мамлакатда етиштириладиган пахта, дон, хўл мева, узум, сут, гушт, ёг, пилла ва бошқа маҳсулотларнинг аксарият қисми зикр қилинган қишлоқ хўжалик корхоналарида етиштирилади.

Қишлоқ хўжалигининг етакчи соҳаси пахтачиликдир. Мамлакат пахтачилиги ҳар жиҳатдан ривожланган. Бу ерда оқ пахта ва ипак пахта навлари экилади. Оқ пахта Шимолий Тожикистоннинг Фаргона водийсида, ипак пахта Жанубий Тожикистоннинг Ҳисор ва Вахш водийларида етиштирилади. Пахта ҳосилдорлиги Марказий Осиё давлатлари ичидаги юқоридир. Мамлакатда йилига 900-1000 минг тонна ялпи пахта ҳосили етиштирилади.

Тожикистон агросаноат мажмууда чорвачилик ҳам муҳим ўрин тутади. Бу ерда яйлов чорвачилигининг ўзига хос томонлари бор. Масалан, баланд тоғли табиаттага ҳар қандаи қуй зотлари ёки қорамоллар мослашавермайди. Бундай тоғли зона ҳисори қўйлар, ангор зотли эчкилар боқиши учун қулайдир. Шунинг учун мураккаб рељеф формаларидан келиб чиқиб, Тожикистоннинг тоғли зонасида ҳисори қўйчилик яхши ривожлантирилган. Бу қўйларни гавдаси йирик, думбаси катта бўлади. Ҳисори қўйларни қўлда думбасини кўтаролмай қолгунча боқиши мумкин. Бундай ҳолатларда қўйнинг думбасини суюб туриш учун тиргагич ўнатади. Қўлда боқилган ҳисори қўйларнинг 20-30 кг чиқадиган думбаси ва 60-70 кило атрофига гўшти бўлади, ангор зотли эчкилар тоғда тошдан-тошга, дарадан-дарага сакраб ўтишга мослашган. Унинг майин толали тибети (жуни)дан сифатли жунли мато тўқилади.

Мустақиллик йўлидан катта қийинчиликларни енгиб дадил бораётган Тожикистон давлати қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоқлари базасида мамлакат агросаноат мажмууни ривожлантиримоқла. Мамлакатнинг ҳомашё районларида пахтачилик мажмууга хизмат қиласидиган янги-янги замонавий саноат корхоналари (завод, фабрика, комбинатлар) қурилмоқда ва ўзида етиштириладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тақорр-тақор қайта ишлашга ўтмоқда. Бундай иш тутиш биринчидан мамлакатни якин ўтмишда бўлганидек ҳомашё раёнидан бевосита истеъмол учун тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган

районга айлантиради, иккинчидан эса мамлакат аҳолисининг саноат усулида қайта ишланган қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондиришга хизмат қиласи.

Тожикистон халқ хўжалигида САНОАТнинг салмоқли улуси бор. У асосан тог-кон саноати базасида ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашга таяниб ривожлантирилган. Унинг етакчи тармоқлари: энергетика саноати, рангли металлургия, машинасозлик, енгил ва озиқ-овқат саноатидир.

4. САНОАТ ЖУГРОФИЯСИ: РИВОЖЛANIШНИНГ ТАБИЙ РЕСУРС ОМИЛИ, МУҲИМ ТАРМОҚЛАРАРО КОМПЛЕКСЛАРИ. Тожикистон сансат ишлаб чиқаришини ривожлантириш учун табиий ресурсларга бой регион. Айниқса у энергетика ва минерал ресурсларга бой.

МИСОЛ. Сув ресурсини олайлик. У сув ресурсининг кўплиги жиҳатидан Марказий Осиёда биринчи уринда туради. Мамлакат дарёларининг энергетика қуввати 32,6 млн.квт бўлиб, у Марказий Осиёдаги бошқа барча давлатлар дарёлари энергетика қувватининг ярмига тенг. Тожикистон дарёлари шўх, тезоқар ва қисқа масофада (кatta тезлиқда оқиб ўтиши натижасида) кўп энергия бериш имкониятига эга. Йирик дарёларнинг қор ва музликлардан тўйингани учун сув режими бирмунча мўътадил бўлиб, бу нарса гидравлик электростанцияларнинг бир меъёрда ишлашини таъминлайди.

Тожикистон иқтисодиётида ЭЛЕКТРОЭНЕРГЕТИКА саноати муҳим ўрин тутади. Унда ГЭСларнинг хиссаси катта. Биргина Вахш дарёсида икки миллионер, Норак (қуввати 2,7 млн. квт) ва Рогун (қуввати 3,6 млн квт) ГЭСлари қурилган. Натижада мамлакатнинг жанубий қисмида Жанубий Тожикистон худудий ишлаб-чиқариш комплекси (ХИЧК) ишга тушган. У бир томондан мамлакатда электроэнергияни кўп талаб қиласиган саноат тармокларини (ва жумладан рангли металлургия ва кимё саноатини) ривожлантиришни таъминлаган, иккинчидан эса МОДда ягона энергосистемани барпо килишга замин ҳозирламоқда. Мамлакатда йилига 14-15 млрд квт соат электроэнергия ишлаб чиқарилмоқла. Бу Кирғизистоннидан 2,5, Туркманистоннидан 4-5 млрд квт соат кўпdir.

Мамлакат саноатини ривожлантиришга бевосита таъсир кўрсатувчи яна бир муҳим табиий ресурс омили - фойдали қазил-

ма (биринчи навбатда минерал ресурс)лардир. Унинг ҳудуди айниқса рангли металл хомашёларига жуда бой. Бу ерда рух, қўргошиц, мис, суръма, қалайи, вольфрам, кобальт, олтин, кумушнинг катта конлари топилган. Мазкур конлар базасида Тожикистон РАНГЛИ МЕТАЛЛУРГИЯ САНОАТИ таркиб топилган.

МИСОЛ. Баланд тоғли Кўхистонда топилган суръма конлари базасида ийрик төғ металлургия (суръма) комбинати ишга тушган. Хомашё районларида бир неча руда саралаш фабрикалари, заводлар ва комбинатлар ишлаб турибди. Тожикистон ўз рангли металлургия саноатининг маҳсулотларини Марказий Осиёнинг барча давлатларига ва хорижга экспорт қиласди. Жумладан у хорижий мамлакатларга кўп миқдорда алюмин, рух, суръма, қўргошин, вольфрам ва бошқа нодир металлар экспорт қиласди.

Мамлакат саноат тармоқлари орасида МАШИНАСОЗЛИКНИНГ алоҳида аҳамияти бор. У аввало мамлакат агросаноат мажмуига хизмат қиласди. Машинасозликнинг гигантлари: «Трактородеталь», «Тожиктӯқмаш», «Торгбыйтмаш», «Тожиккабель» ва бошқалар қишлоқ хўжалик корхоналари, ҳамда ахолининг турмуш эҳтиёжлари учун машина, асбоб-ускуналар, тўқув дастгоҳлари, уй-рўзгор буюмлари ишлаб чиқаради.

Шу нарсани алоҳида таъкидлаш жоизки, сўнгги (1990-1999) йилларда бу ерда юз берган носоғлом вазият (тахт учун кураш мақсадида узоқ давом этган қон тўқишилар) мамлакат иқтиодиётига, унинг ўсиш даражасига кучли салбий таъсир етказди. Оқибатда саноатнинг мухим кўрсаткичлари бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми камайиб кетди (4,5-жадваллар).

Тожикистонда енгил ва озиқ-овқат саноати кенг ривожланган. Унинг саноат корхоналари мамлакат вилоятлари бўйлаб тарқалган. Ип-газлама, илак-газлама ишлаб чиқариш, гилам тўқиши, пойабзал тикиш, вино, вино маҳсулотлари, мева консервалар, мэйиз, пахта ва ўсимлик (зигир, кунжут) ёғи тайёрлаш, ун, кондитер, сут ва гўшт маҳсулотлари ётишириш мазкур саноат тармоқларининг ихтисослашган соҳалариридир. Бироқ сансатнинг бу тармоқларида ҳам ялпи маҳсулот ҳажми кескин камайди. Жумладан, енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми (1990-1995 йилларда 22,7 млн миллий валютадан 14,6 млн миллий валютага, озиқ

овқат саноатиники эса 8,6 дан 5,8 млн миллий валютага тушио қолди. Айниқса тұқимачилік ва тикувчилик саноати, гүшт ва сут маңсулотлари ишлаб чиқарыш орқага кетди (4,5 жадваллар),

5. Қишлоқ хұжалик жуғрофияси: ривожланнининг табиий ресурс омиллари, мұхым тармоқлари. Тоғижистон давлати қишлоқ хұжалигини ривожлантириш учун қулай жуғрофий хусусият ва имкониятларга әга. Унинг жуғрофий ўрни, яъни МОД-нинг нисбатан жанубий қисміда жойлашғанлиги, серқүёшлигі, ёғин-сочиннинг эса бирмунча күп тушиши, унумдор тупроғи, мамлакат қишлоқ хұжалигини комплекс ривожлантиришга хизмат қиласы.

Мамлакат ер усти тузилишининг муракаб күриниши айрим тур деҳқончилік тармоқларини табақалаб жойлаштириш ва чеклаб ривожлантиришни тақозо қылган. Жумладан унинг текислик қисмлари ва дарё водийларидан бир далада деҳқончилікнинг айрим турлардан Ылиға 2 марта ҳосил олишни таъминлакса, унинг тоғли зоналаридан эса вегетация муддати киска бұлған экинларпигина бир марта әкіб олиш мүмкін.

Мамлакатнинг қулай иқлимий шароити деҳқончилікни ривожлантиришда кучли табиий-ресурс омилдир. Бу ерда булаттысиз күнларнинг күплигі, ҳаво ҳарорати ижобий күрсаткичининг юқориғи (5 даражадан юқори ҳаво ҳароратнинг умумий йигиндиси Шаартузда 5885, Душанбеда 5238, Қулобда 5812,10 даражадан юқори ҳаво ҳарорати йигиндиси мазкур шахарларда 5489:4835:5418 даражага тенг), вегетация муддатининг узоқлигі (мазкур шаҳарларда 249:236:248 кунга тенг) Тоғижистонда иссиқсевар деҳқончилік тармоқларини кенг ривожлантиришни таъминланған. Пахта (ва шу жумладан қимматбаҳо ингичка толали пахта), шоли, бугдой, субтропик ва цитрус мевалари етиштириш иқлимий шароитнинг ўта сахийлигидандыр.

Республиканинг кенг тарқалған бұз ва аллювиал тупроқлары серунум ва донадор бұлғынанча маданийлашғандыр. Тупроқ таркиби, ундағы чиринді миқдори баландлық минтақаси бұйылаб ўзгарады ва бу нараса ҳам деҳқончилікнинг тармоқ тузилиши ҳамда ҳосилдерлигига таъсир күрсатыб турады. Масалан, деңгиз сатқыдан 1000 метр ва ундан баланд зоналарда түк тусли бұз тупроқ кенг тарқалған. Уларнинг унумдорлиги мамлакатнинг водийлари ҳамда текислик қисміда учрайдиган

4-жадвал

Тожикистон саноат тармоқлари маҳсулот ишлаб чиқариш
(млн миллий валюта билан)*

	1990	1991	1992	1993	1994	1995
Жами саноат	55,0	123,0	940,0	7,816	20,022	86,308
оғир саноат	20,0		40,0	478,0	3,472	10,369
ёқилғи әнергетика сан.	3,2		5,4	60,0	703	1,066
электроәнергетика	3,0		5,1	56,3	657	936
ёқилғи саноати	0,2		0,3	3,5	46	130
металлургия	5,0		13,0	265,0	1,710	6,084
химия ва нефтехимия	2,4		4,7	40,0	238	691
машинасозлик ва метални қайта ишлаш	5,2		8,8	70,2	461	1,161
ўрмон ёғочни қ/и	0,8		1,9	8,0	68	110
құрғылыш материал сан.	2,5		4,7	25,2	292	0,80
енгил саноат	22,7		58,2	300,0	2,604	5,603
тұқымачилик	18,5		48,3	271,0	2,353	5,197
тикувчилік	3,2		7,7	18,7	166	333
пойабзал	0,9		2,0	9,4	80	62
озиқ-овқат саноати	8,6		18,5	110,9	895	2,082
гүшт ва сут балиқ	2,7		5,5	16,3	156	440
	0,1		0,2	0,4	9	15
						18

* / Статистический сборник, 1996 год. Государства бывшего Советского Союза, 21. Всемирный банк. Вашингтон, Округ Колумбия, с. 429.

Б-жадвал

**Тожикистон саноат тармоқларида маҳсулот ишлаб чиқариш
(амалдаги баҳо билан)***

	1990	1991	1992	1993	1994	1995
Жами саноат	181194	174571132226	121912 90946		86308	
оғир саноат	137550	131223 391200	75514 61091		59727	
ёқилғи эн-ка с.	22139	20985 18348	18893 18231		17886	
эл. эн-ка.	18440	18163 17146	18192 17797		17506	
ёқилғи саноати	3699	9822 1202	701 494		380	
металлургия	67976	57100 46080	33961 31855		32588	
нефт ва нефткимё	22259	22793 10462	6026 4110		4287	
машина-лик. ва						
метални қ/ишилаш	7070	7054 4599		3587 2525		2341
ўрмон ва ёғоч-						
ни қ/и.	1101	1244 781		618 175		74
қурилиш мат. сан.	13821	13047 4736		3850 2672		1165
13821 енгил саноат	—	— 18548		20941 15643		14611
түқимачилик	19031	18841 16976		19387 15025		14033
тикувчилик	712	800 569		637 465		432
пойабзал	1472	1420 923		645 151		146
озиқ-овқат	—	— —		9576 6914		5615
гўшт ва сут	10133	6485 3528		2180 1378		642
балиқ	138	145 94		120 128		18
Саноатда жами усиш, билан						
Жами саноат	1,2	3,6 -24,3		-7,8 -25,4		-5,1
оғир саноат	2,5	-4,6 -30,5		-17,2 -19,1		-2,2
ёқилғи-енерге-						
тика	11,4	-5,2 -12,6		3 -3,5		-1,9
металлургия	-0,9	-16 -19,3		-26,3 -6,2		2,3
кимё ва нефт-						
кимё	6,9	2,4 54,1		42,4 31,8		4,3
машинасозлик						
ва метални қ/и	1	0,3 34,8		-22 -29,6		-73
енгил саноат	-0,8	0,4 -11,8		12,9 -25,3		-6,6
озик-овқат сан.	2,5	-15,1 -33		-14,2 -27,8		-15,9

*/ Статистический сборник, 1996 год. Государства бывшего Советского Союза, 21. Всемирный банк. Вашингтон, Округ Колумбия, с. 430.

6-жадвал

Тожикистон қишлоқ хўжалиги: қишлоқ хўжалиги маҳсулоти-
ишлаб чиқариш (минг тонна ҳисобида)*

	1990	1991	1992	1993	1994
буғдой соф					
оғирликда	303	286	257	253	212
кузги буғдой	134	141	156	159	104
баҳори буғдой	127	130	133	105	37
жавдар	136	112	76	67	1
маккажӯхори	2	2	2	1	18
кузги арпа	85	60	32	33	11
баҳори арла	35	35	27	15	14
шоли	27	24	19	21	23
пахта	842	826	513	524	529
тола (волокно)	256	255	165	180	170
картошка	207	181	167	147	134
сабзавот	528	628	543	485	483
мева	410	298	283	237	225
узум	190	121	100	87	80
бошқа	220	177	183	150	145
м-ри. (мас.у-н)	1,222	1,150	727	599	498
Хосилдорлик гектар кг					
дон	1,310	1,230	970	910	870
кузги буғдой	930	980	860	850	880
баҳори буғ.	1,090	1,040	800	710	620
жавдар	810	990	940	670	608
шоли	2,750	2,530	1,820	1,710	1,740
пахта	2,770	2,770	1,800	1,910	1,870
картошка	14,300	14,100	12,800	11,900	10,800
сабзавот	19,500	19,300	16,840	17,860	15,560
узум	7,160	4,450	3,500	3,010	1,800
мак.и мас.у.	22,500	21,600	16,250	15,410	13,150

х/ Статический сборник, 1996 год. Государства бывшего Советского Союза, 21. Всемирный банк. Вашингтон, Округ Колумбия, с. 427.

7-жадвал

Тожикистанда асосий чорвачилик маҳсулотлари етиштириши

	1990	1991	1992	1993	1994	1995
а/ чорва моли туёқ сони						
Иирик шохли моллар	1,352	1,391	1,245	1,250	1,168	1,199
шу жумладан согин сигирлар	557	586	544	560	535	549
чӯчқа	183	128	56	47	33	33
қўй ва эчки	2,462	2,484	2,237	2,081	1,893	2,707
жумладан эчки	830	871	846	825	731	742
йилки	52	53	49	55	55	58
б/ Чорва маҳсулотлари етиштириш, минг т.						
гўшт	185	151	126	113	112	
мол гўшти	94	83	71	65	65	
чўчқа гўшти	15	9	5	2	1	
қўй гўшти	52	43	42	42	42	
парранда гўшти	21	13	7	4	4	
бошқа гўшт маҳс. 2		2	1	0	0	
сут минг т.	575	587	510	475	467	
тухум млн. дона	592	454	296	160	79	
жуп, минг т.	5	4	4	3	3	

*/ Статистический сборник, 1996 год. Государства бывшего Советского Союза, 21. Всемирный банк. Вашингтон, Округ Колумбия, с. 428.

тиник бўз тупроқдан 1,5-2 марта паст.

Тоҷикистонда қишлоқ хўжалигининг тақдирига кучли таъсир кўрсатувчи яна бир табиий ресурс омил—сувдир. Жанубда жойлашған Тоҷикистон мамлакати қишлоқ хўжалигидан фақат суғориш ишларини яхши йулга қўйгани учун мул-кўл ҳосил олиб келмоқда.

Тоғли мамлакат булган Тоҷикистонда суғориб амалга ошириладиган дәҳқончилик унинг бир-биридан табиий тусиқ-тоғ билан ажралиб қолган 5 та (Фарғона, Зарафшон, Ҳисор, Вахш, Қизилсув-Яхсув) водийсида олиб борилади. Ҳар бир водийда ҳам дарё сувларидан фойдаланишининг узига хос замонавий усувлари қулланилади. Масалан, Фарғона водийсида Сирдарёдаги МОД гиганти—Ҷайроқум сув омборидан унларча гидротехника иншоотлари: магистрал, каналлар, насос станциялари, сув тақсимловчи тугунлар, хўжаликрабо ва тармоқлараро каналлар қазилган. Суғоришнинг бир-бутун гидротехника комплекси мамлакатнинг бошқа водийларида ҳам вужудга келтирилган. 1990-1999 йиллардаги мамлакат ичкарисидаги юз берган қалтис вазият (тахт учун кураш) қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига катта зарар етказди. Айниқса, 1990-1995 йилларда асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш кескин камайди. М., пахта етиштириш 842 минг тоннадан 529 минг тоннага, буғдой етиштириш 303 минг тоннадан 212 минг тоннага тушиб қолди (б-жадвал).

Республика чорвачилиги ҳам яйловзорлар характеристи (ва ҳосилдорлиги), чорва молларини боқиши имкониятларига кўра ўз тармоқ тузилишига эга. Унинг етакчи соҳалари: қорамолчилик, қўй ва эчкичилик, йилқичилик, паррандачилик, ипак қурти боқиши. Ҳисори қўйчилик ва эчкичиликнинг ривожланиши учун тог яйловзорлари муҳим табиий омиллар. Яйловзорларни суғориш, ҳосилдорлигини ошириш, ундан табақалаб фойдаланишин йўлга қўйиш мамлакат чорвачилигига маҳсулдорликни оширишга хизмат қиласди. 1990-1999 йиллардаги мамлакат ичкарисида юз берган носоғлом сиёсий вазият асосий тур чорва моллари туёқ сонининг камайишига ва чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг пасайиб кетишига олиб келди. Чорвачиликда асосий тур маҳсулот ишлаб чиқаришнинг камайиши айниқса 1990-1995 йилларда юз берди. М., қайд қўйминган йиллари гўшт ишлаб чиқариш 185 минг т-дан 112 минг т-га, сут ишлаб чиқариш 575 минг т-дан 467

минг т-га, тухум етиштириш 592 млн донадон 79 млн донага тушиб қолди. (7-жадвал). Натижада аҳолининг чорвачилик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш масаласи мамлакат озиқ-овқат дастурида кескин муаммога айланиб қолди.

6.1 Транспорт жуғрофияси, муҳим магистраллари, ташқи иқтисодий алоқалари. Мамлакатда барча тур транспорт тармоқлари: темир йўл ва автомобил йўли, қувур, сув ва ҳаво транспорти мавжуд.

Тожикистоннинг иқтисодий тараққиётида темир йўл ва автомобиль транспортининг аҳамияти белгиловчи роль ўйнайди. Темир йўл транспорти Тожикистоннинг ички районлараро, Шимолий ва Жанубий Тожикистон ўртасида ҳамда унинг ташқи алоқасида муҳим роль ўйнайди. Мамлакат ҳудудидан кент ғилдиракли темир йўлларнинг узунлиги 255 км, унинг районлараро ўтган тор ғилдирак изли темир йўл узунлиги эса 470 км-га teng. 1970 йилларда мамлакатнинг жанубий-шарқий қисмида 265 км. масофадаги тор ғилдиракли Термиз-Қўргонтепа-Ёвон ҳамда Вахш билан Кулоб водийларини бирлаштирувчи янги темир йўл ўтказилган.

Тожикистон тоғли регион бўлгани ҳамда вилоятларининг бир-бирларидан баланд тоғлараро ажralиб тургани учун автомобиль транспортининг мамлакатда аҳамияти бирламчидир. Асосий автомобиль йўллари Душанбе шаҳридан бошланади. Дастребки (1925-1927 йилларда) қурилган: Душанбе—Термиз, Душанбе—Қўргонтепа автомагистраллари мамлакат пойтахтини Ўзбекистоннинг жанубий порт шаҳарлари Термиз ҳамда Қўргонтепа вилоятининг маркази билан боғлайди. Бу йўллар эндиликда қайта қурилган, кенгайтирилган, 1931-1932 йилларда Қирғизистоннинг Ош шаҳрига «Дунё осмони» деб ном олган Помир тоғида жойлашган Тоғли Бадаҳшон мұхтор республикасининг маркази Хородан 732 км, масофада автомагистрал қурилган. 1940 йилда Душанбе—Хорог (556 км) йўли очилган. Бу йўллар, шунингдек Душанбе—Ўратепа—Ҳўжанд каби автомагистраллар мамлакат пойтахтини унинг ички иқтисодий районлари ва қўшни давлатлар билан боғлайди.

Ҳаво транспорти орқали мамлакат пойтахти унинг барча йирик шаҳарлари билан боғланган. Тожикистон ўз мустақиллигини қўлга киритган дунёнинг кўпгина давлатлари билан ҳаво транспорти орқали бевосита алоқа ўрнатган. Мамлакатда

сув транспорти ҳам мавжуд. У Панж ва Амударё орқали Марказий Осиёнинг айрим давлатлари, ҳамда Афғонистон билан иқтисодий алоқа қиласди.

Тожикистон қадимдан Туркистон ўлкасидаги энг жаҳонгашта давлатлардан бири булган. У айниқса ўз мустақиллиги ии қўлга киритгандан кейин кўпгина ҳорижий мамлакатлар билан қадимий алоқаларини бошлаб юбсрди. Айниқса унинг Марказий Осиё давлатлари билан алоқалар купл қиррали булиб, эндиликда бу алоқалар янгича иуналиш, янгича мазмун олмоқда. Бу алоқалар мазмунидаги МОД бир бутунлиги, мазкур давлатларнинг ҳамда халқларнинг тарихен бирлиги, равнақи, ҳамдустлиги, яхлитлиги гавдалади.

Тожикистон—Ўзбекистон иқтисодий, техникавий ва маданий алоқаси ҳар жиҳатдан ривожланиб бормоқда. Марказий Осиё ҳудудидаги бу икки халқ бамисоли қўлни-қўлга бериб яшамоқда, бирга нафас олмоқда, халқ хўжалигини, фани ва маданиятини ҳамкорликда ривожлантироқда. Замини бир-бири билан тулаш бўлган тоҷик ва узбек халқи табият манбалари (дарё суви, қир-адир яйловлари, ер ости бойликлари)дан фойдаланишда бирга иш юритишади. Улар деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланишда бир-бирига устозлик қилишади, иш ўргатишади, тажриба алмашишади. Икки қўшини қишлоқ хўжалик машиналари ишлаб чиқаришда, уларнинг маҳсулотларидан фойдаланишда, электроэнергия ишлаб чиқаришда га уни истеъмол қилишда ҳамкорлик қилишади. Марказий Осиёнинг бу икки мустақил давлати халқ хўжалигининг турли соҳалари учун юқори малакали мутахассис кадрлар тайёрлаб беришда бир-бирига бегараз ёрдам беришади. Тожикистонда ўзбек, Ўзбекистонда тоҷик тилида қатор ўқув юртлари ишлаб турибди.

Тожикистон ўз мустақиллигини қўлга киритиш билан дунёнинг кўпгина давлатлари билан дипломатик муносабатлар ўрнатди ва улар билан кенг доирада савдо-сотиқ алоқаларини амалга ошироқда. Айниқса, у Марказий Осиё, давлатлари Россия, Украина, Туркия, Хитой, Покистон, Саудия Арабистони, Япония, АҚШ давлатлари билан ҳар томонлама алоқалар олиб бормоқда. Тожикистон юқерида зикр қилинган давлатларга агросаноат мажмуми маҳсулотлари: пахта толаси, пахта ёғи, тўқумчилик саноати маҳсулотлари, ипак, қуритилган ва ҳўл мева, мева консервалари, узум ва узум маҳсулотлари, ви-

но ва виномаҳсулотлари, майиз, машинасозлик ва электротехника саноати маҳсулотлари: түқиши станоклари, трансформаторлар, совуттичлар, енгил саноат маҳсулотлари: кузни қамаштирадиган ноёб гиламлар, полослар, беқасам атласлар чиқаради.

Тожикистон ташқаридан машинасозлик саноати маҳсулотлари, ёқилғи, ўрмон саноати маҳсулотлари, дон ва бошқа товарларни ҳарид қиласади.

Ички районлари. Тожикистон давлатининг ҳудуди ғоят муреккаб орографик хусусиятига эга. Унинг баланд тоғлар ўлкаси бўлганлиги иқтисодий тараққиётига ўз таъсирини кўрсатган. Шу боисдан ҳам Тожикистон иқтисодиёти бир-биридан фарқ қиласидиган тўртта регионда қарор топган:

- 1 Шимолий Тожикистон
- 2 Кухистон (Марказий Тожикистон)
- 3 Жанубий Тожикистон
- 4 Помир.

Шимолий Тожикистон. Унинг ҳудуди кичик—13 минг кв км, аҳолиси 1559 минг киши. Тожикистон давлатининг бу қисми Туркистон тоғларидан шимолда, Фаргона, водийсининг жанубий-гарбий қисмida жойлашган. У гарбда Мирзачўл билан туаштан. Маъмурий жиҳатдан Ҳўжанд вилояти, хўжаликларини ўз ичига олади. Ҳудудининг катта қисми текисликдан иборат. У фақат жанубий ва шимолий томондан тог ён бағлари ва тоғларга бориб тақалади.

Шимолий Тожикистоннинг табиати ўзгача хусусиятга эга. Районнинг ёзи иссиқ (июль ойининг ўртacha ҳаво ҳарорати +28°) даражага тенг) қиши бир мунча салқин (январники-2 даражага тенг). Тупроғи бўз, минерал модаларига бой, серунум. Районда яна бир муҳим табиат манбаси унинг серсувлигидир. Марказий Осиёнинг йирик дарёси—Сирдарё ва энг йирик сув омбори—Қайраққум шу ерда. Регионнинг табиатидаги бу имкониятлар кишлоқ хўжлигини интенсив ривожлантиришига таъсир кўрсатган.

Шимолий Тожикистон бугун Фаргона водийсига хос сераҳоли. Аҳоли ниҳоят даражада зич жойлашган. Аҳолининг ўртacha зичлиги ҳар кв. км га 120 кишига тўғри келади. Бу кўрсаткич Кўхистон ёки Помирнидан 100 баравар кўп.

Шимолий Тожикистон нефть, кўмир, ҳамда полиметалл ру-

далари қазиб олиш бўйича мамлакатнинг ички районлари орасида биринчи ўринда туради. У мамлакатда енгил саноат корхоналари маҳсулотлари (айнича шойи, атлас) ишлаб чиқариш бўйича етакчилик қиласди. Тоҷикистонда етишириладиган узум ва меванинг тенг ярми, ипакнинг 2/3 қисми мазкур районда ишлаб чиқарилади. У Тоҷикистондаги иккинчи пахтакор райондир.

Қўҳистон. Ҳудуди 30,4 минг кв. км. У жуғрофий ўрни жиҳатидан Марказий Тоҷикистон тоғларини ишғол қиласди. Қўҳистон сўзи тоҷик тилида, «тоғлар мамлакати» демакдир. У шимолий ва жанубий Тоҷикистоннинг ўрталигидаги Олој тоғ системасига мансуб бўлган Туркистон, Зарабшон, Ҳисор тоғларининг баланд-баланд тизма қатор тоғларини ўз ичига олади. Қўҳистон Марказий Осиёдаги энг баландликлар жойлашган район. Унинг энг паст жойлари денгиз юзасидан 900 метр баланд. Бу тоғли районда кўпгина тоғ тизмаларининг баландлиги 5000 метрдан ҳам баланд.

Районнинг рельефи алъп текtonик даврининг иши. Унинг ҳозирги кўриниши музлик, оқар сув ва сейсмик ҳодисаллар натижасидир.

Қўҳистоннинг рельефи тоғли, қоя тошли, дара ва сойлар, баланд тоғ тизмалари ва кўз илгамас чуқурликлардан иборат. Иқлими юмшоқ, 400 мм дан 1200 мм гача ёғин-сочин тушади. Ҳаво ҳарорати бир фаслнинг ўзида турли кўрсаткичли бўлади. Масалан, июль ойида унинг дарё водийларида ҳаво ҳарорати 30 даражага борса, баланд тоғларда «0» даражага тенг бўлади.

Қўҳистонда дехқончиликка яроқли ерлар ниҳоят даражада чегаралантаq.

Жами аҳолиси 100 минг кишидан ортиқ, зичлиги 3,2 киши. Асосан тоҷиклар яшайди. Унинг йирик аҳоли манзилгоҳлари Зарабшон водийсида жойлашган.

Қўҳистоннинг аҳолиси тоғ-кон саноати, дехқончилик ва чорвачилик билан шуғулланади. Бу ерда суръма, вольфрам, қўрғонин конлари топилган ва ишга туширилган. Қўмирнинг катта заҳираси топилган. У Тоҷикистоннинг тоғкон саноати ривожланадиган истиқболли райони ҳисобланади.

Жанубий Тоҷикистон. У шимолдан Ҳисор, шарқдан Ҳазратишаҳ, гарбдан Боботог тизмалари, жанубдан эса Панж ва

Амударёлар билан туташган. Майдони 36 минг кв км. аҳолиси 2 млн. киши.

Жанубий Тожикистоннинг табиати унинг жуғрофий урни билан боғланган ҳолатда ранг-барангдир. У Ҳисор-Олой ва Хиндиқўш тоғлари ўртасидаги қатор тоф тизмалари ва дарё водийларидан иборат. Иқлими нисбатан илиқ, шимолдақ келадиган совуқ ҳаво массаларини энг баланд тоғлар түсади. Ёғин-сочин турлича миқдорда: Туркистон тоғларида 400-450 мм, Ҳисор ва Дарвоз тоғларида 400-700 мм атрофида тушади.

Район дарёларга ва сув ресурсига жуда бой. Йирик дарёлари: Панж, Кафирниган ва Вахшнинг энергетик қуввати 17,2 млн квт. Районнинг тоғ-кон саноатини ривожлантириш имкониятлари ҳам катта. Металлик руда конлари, табиий газ, доломит, ҳар хил қурилиш материаллари, ош тузи кӯп. Жанубий Тожикистонда шифобахш иссиқ сувлар кӯп топилган ва аҳоли саломатлиги йўлида кенг фойдаланилмоқда. Район шифобахш ўсимликларга ҳам бой. Писта ва бодомзорлар, ёнғоқ, шиповник ва бояришник, арчазорлар доим яшил ўрмон ўтлоқзорлар кўзни қамаштиради.

Жанубий Тожикистоннинг халқ хўжалиги анча ривожланган. Унинг агросаноат мажмуида пахтачилик (ва айниқса ингичка толали пахта етиштириш), ипакчилик, мевачилик ва узумчилик, қўйчилик ва эчкичилик яхши ривожланган. Регионнинг тоғли табиати зироатчилик қилишни ва чорва молларни асрарни табақалаштириб ташкил қилишни тақозо этган Бу нарса айниқса чорва молларини боқишига даҳлдор. М., регионнинг текислик қисмida қорак ўйлари, тоғли зонасида ҳисори қўйлар, тоғли ва баланд тоғли зонада майнин толашиб берадиган ангор зотли эчкилар боқилади.

Жанубий Тожикистон тоғ-кон саноати ва қишлоқ хўжалиги мажсулотларини қайта ишлайдиган саноат тармоқлари кенг ривожлантирилган. Шунингдек пойтахт Душанбе ва бошқа йирик шаҳарларда машинасозлик, тўқимачилик, озиқ-овқат ва бошқа саноат корхоналари бор.

Помир. У Тожикистоннинг жанубий-шарқий қисмida жойлашган. Ҳудуди 63,7 минг кв км. Бу майдон Тожикистоннинг teng ярмига тенг. Тожикистондаги осмон упар тоғлар, тоғ чўққилари, энг кўп тоғ музлуклари, энг йирик тоғ системалари Помир жуғрофий районидадир. У Марказий Осиё давлатлари учун шарқ ва жанубий—шарқдаги буюк табиий чегара. Унинг

бир томонда нам ва қуруқ иқлимий шароитига эга бўлган Олд Осиё, ккинчи томонидан эса Марказий Осиё саҳроси жойлашган. Регион ўз табиатининг ранг-барамглиги ва хўжалик юритишига кўра Ғарбий ва Шарқий Помирга ажралади.

Ғарбий Помир қудратли тоғли улка бўлиб, у чуқур даралар, баланд тоғ тизмаларидан иборат. Бу ўлкада яшовчи ерли халқ дехқончилик ва қорамолчилик билан машгул. Ўлканинг иқлими кескин континентал, ҳаво ҳарорати нисбатан жуда паст. Унинг денгиз сатҳидан 1600-2200 м баландликда бўлган водий қисми билан 6000-7000 м баландликдаги тоғли қисмида ҳаво ҳароратида кескин фарқ кечирилади. Баландлик ошган сари абадий қор ва муз қатлами куп учрайди. Ғарбий Помир табиат ресурсларига бой.

Тоғли Бадахшон муҳтор Республикаси ҳудудидаги абадий қор ва музликлардан МОДнинг 170 та дарёси ҳосил бўлади. Уларнинг умумий узунлиги 5 минг км. дан ортиқ, энергетик қуввати эса 13 млн. квт. Биттагина Сарез кўлининг ўзи йилига 250 минг квт. электроэнергия бериши мумкин. Фойдали қазилмалардан олтин, кўмир, слюда, тоғ хрустали кўп учрайди.

Помирнинг табиати жуғрофион ва сайёх олимлар томонидан чуқур ўрганилган. Профессор Ҳ. Ҳ. Ҳасановнинг ёзишига қараганда, Помирдаги Федченко номи билан юритиладиган энг катта музлик дастлаб ватандошимиз Абу Райҳон Беруний томонидан илмий тадқиқ қилинган. Ўтган асрда Россиянинг марказий қисмидан келган зоолог Н. А. Северцов, геолог И. В. Мушкетов, жуғрофион В. Ф. Ошанин бу ўлкада комплекс тадқиқотлар қилишди. В. Ф. Ошанин энг катта тоғ-водий музлигига Федченко номини берди. XX асрнинг боши ва 1930 йилларга келиб, Помир Ўрта Осиё университетининг олимлари Н. Л. Корженевский, П. А. Барапов ва И. А. Райковалар томонидан чуқур тадқиқ қилинди, Н. Л. Корженевский Помирда Петр I тизмасини очди, И. А. Райкова бошқарган экспедиция иштирокчилари Помир биологик станциясини ва Хорог шаҳрида ботаника боғини барпо қилдилар.

Ғарбий Помирнинг қишлоқ хўжалиги ўзгача ривожланиш ва йўналишда. Унинг баланд водийларида тезпишар (вегетация муддати қисқа бўлган) бугдой, арпа, мош, картошка навлари экиласди. Помирда дехқончилик қилинадиган зонанинг баландликдаги чегараси 3500 метргача боради. Ғарбий Помир

АШГАБАД - Туркманистоннинг пойтахти. Унга 1881 йилда асос солинган. У 1881-1917 йилларда Осхобод, 1917-1992 йилларда Ашхобод, 1992 йилдан бошлаб эса Ашгабад номи билан юрттилади. 1948 йилнинг октябрیدа шаҳарда 9 баллик зилзила бўлган ва шаҳарнинг аксарият бинолари зил зила натижасида вайронага айланган. Бугунги пойтахт янгидан қайта тикланган шаҳардир. Ашгабад МОДда энг жанубий пойтахт.

Ашгабад Африка, Сеул, Сан-Франциско билан бир параллелда 38 градус шимолий кенглика жойлашган. Унда 401 минг киши яшайди. Ашгабад Туркманистоннинг энг индустрлашган шаҳ

Туркманбоши - Туркманистон давлатининг йирик порт шаҳри. У ўз номидаги вилоятнинг маъмурий маркази. Шаҳар ўтган асрнинг охири (1896 йил)да Каспий орти темир йўл пункти тарзида таркиб топган. Унинг номи шаҳарнинг ёнидаги қизил сояли тසилардан олинган. Туркманлар «Қизилсу» - «Красная вода» деб қоя ёнилаги дengiz сувини ғташган ва шу тарзда хариталарда Краснаяводск (хозирги Туркманбоши) шаҳри пайдо бўлган. Шаҳар ахолиси тез ўсмоқда. Унда 1926

ри. Мамлакат саноат корхоналарида ишлаб чиқариладиган ялпи маҳсулотнинг 17 фоизи Ашгабадда ишлаб чиқарилади. У машиносозлик (айниқса электротехника, нефть саноати учун машина, асбоб-ускуналари ишлаб чиқариш), тукимачилик ва қурилиш материаллари саноати (айниқса ойна ишлаб чиқариш) маркази.

Ашгабад мамлакатнинг жуғрофий маркази ҳам ҳисобланади. Унда гарбдаги йирик шаҳар - Туркманбонигача 550 км, шарқдаги Чоржуйгача 587 км, жанубдаги Кушкагача 500 км, шимолдаги Дошавузгача 530 км. Ашгабад Туркманистоннинг йирик маданият маркази.

Йилда 10 минг киши яшаган бўлса, 1992 йилта келиб 70 минг киши яшамоқда. Туркманбоши юкчи шаҳар. У бутун Марказий Осиёни Каспий денгизи орқали хорижий давлатлар билан боғлайди. Шаҳар давлатлараро аҳамиятга эга бўлган йирик порт, Унда нефтни қайта ишлаш, нефтохимия, балиқчилик заводлари бор.

Чоржуй шаҳри. У ўз номидаги вилоятнинг маркази. Амударё буйндаги йирик порт. Шаҳар кўхна тарихга эга. Дастлаб у XVI асрда «Чаҳаржуй» («тўрт оқ») но-

мирда боғдорчилик: ўрик, олма, шафтоли, нок, гилос мевалари етиштириш йўлга қуйилган.

Помирликлар яйлов чорвачилиги билан машгул. Ғарбий Помирда ҳисори ва дарвоз зотли, шарқий Помирда қирғиз зотли думбали қўйлар куп боқилади. Соғин сигирлар фақат тоғ водийларида боқилади.

Шарқий Помир ҳам баланд тоғлар ўлкаси. Унинг баланд тоғли водийларида яшовчи қирғизлар асосан чорва моллари боқиши билан шуғулланади ва чорвачилик билан кун кечиради. Унинг тоғ ва ясси тоғлари уртacha 3500-4500 метр баландликка эга. Иқлими совуқ, қуёз ва кескин континентал. Ез қисқа ва салқин, қиши узоқ давом қиласиди ва ўта совуқ. Унинг водийларида ҳам ҳаво ҳароратининг йиллик ўртacha курсаткичи—1,5-5,5 даражага тенг, ёзда + 11 даражага.

Шарқий Помирниң Тожикистон иқтисодиётидаги ҳозирги мавжени кўзга чалинмас даражададир. Унда асосан қирғизлар яшайди Регион халқ хўжалигига чорвачилик тузук ривожланган холос. Чорва молларидан як (қўтос), архар, думбали қизғиз қўйи ва эчки кўп боқилади. Бу регионда айниқса, Марказий Осиёнинг энг гўзал ҳайвони архар кўп боқилади. У йилқидан кичикроқ шохли ҳайвон. Як ҳам регион учун типик ҳайвон. У йирик бўлади. Баланд тоғ ҳавосига мослашган бу ҳайвоннинг ўзи узоқ-узоқларда ўтлайди, кечга яқин эса боласини эмизиш учун ўзи келади. Шарқий Помирда маҳсус якчилик давлат хўжалиги бор. Як гўшт, сут, жун, тери ишлаб чиқариш учун боқилади.

Амалий иш: 1 Жуғрофий манбалардан фойдаланиб контур харитага ички районлар саноат корхоналарининг етакчи тармоқларини тушириш.

Талабанинг билим ва малака мезони:

Талаба:

— мамлакат аҳолисининг табиий ўсишини 1913, 1939, 1959, 1979, 1989 ва 1998 йилги аҳоли рўйхатига кўра киёсий таърифлашни;

— табиий ресурсларининг етакчи соҳаларини ажратишни ва уларниң Республика халқ хўжалигига тутган ўрнини ажратишни;

— Норак, Рогун ГЭСларининг МОД ягона энергетика системасини барпо қилиш учун аҳамиятини кўрсата билишни;

— мамлакат, халқ хўжалигининг етакчи тармоқларини, уларниң муҳимларига таъриф тузишни;

- мамлакат тармоқларапо комплексларини. Уни Марказий Осиё давлатлари хўжалиги билан қиёслашни;
- мамлакат халқ хўжалигининг бошқа МОД халқ хўжалиги билан боғланиш сабабларини таҳлил қилишни;
- Республиkaning ички жуғрофий (иктисодий) районлари-ни, уларни бир-бири билан қиёслашни;
- мамлакатдаги экологик вазиятни ва атроф-мухитни му-ҳофаза қилиш масалаларини;
- мамлакатнинг ташқи иктиносидий алоқасида муҳим ўрин тутган давлатларни;
- Тожикистон-Ўзбекистон алоқаларининг беш йўналишларини айтиб беришни ва тахлил қилишни билиши керак.

6-боб.

Туркманистон давлати.

Аҳолиси—4500 минг киши.
Ҳудуди—488,1 минг кв км.
Пойтахти — Ашгабад шаҳри.

1. Ҳудуди, чегаралари, иқтисодий жуғрофий ўрни, давлат тузуми.

Туркманистон ҳудуди катталиги жиҳатидан Марказий Осиё да иккинчи ўринда туради. Марказий Осиё ҳудудининг 12,5 фоизи Туркманистон давлатига тўғри келади. Унинг ҳудуди Россия, Қозогистон ёки Украина давлатлариникидан кичик бўлиб, ўз навбатида Австрия, Бельгия, Голландия, Греция, Дания, Португалия ва Швецария давлатларининг ҳудудларини бирга қўшиб хисоблаганда хам улардан каттадир.

Туркманистоннинг ер устки тузилиши (орографик хусусиятлари) ва табиати ғоят ранг-баранг; баландлиги 3 км. га бора-диган тоғлар, чуқурлиги денгиз сатҳидан 100 метр келадиган чўқмалар, поёнсиз Қорақум барҳанлари, қадимий дарёлар-нинг қолдиқ ўзанлари, шўр кўллар, дарё водийлари, қуруқ субтропик миintaқали зоналар кўзга ташланади. Туркманистон Марказий Осиёнинг гарбидаги энг катта текисликни ишғол қилган давлат. Ҳудудининг 4/5 қисми Турон пасттекислигига жойлашган.

Туркманистон шимолдан Қозогистон, шимол ва шимоли-шарқдан Ўзбекистон, жанубдан Эрон ва Афғонистон билан че-

гараланади. Мамлакатнинг катта масофа ,800 км. атрофи)даги чегараси ғарбда Каспий дengизи орқали ўтади. Унинг мазкур жуғрофий ўрни халқ хўжалигини ривожлантириш учун бир қатор қулайликлар туғдиради. Каспий дengиз орқали утган чегараси Туркманистоннинг ўнлаб хоржий мамлакатларга бе-восита чиқиши имкониятини беради. Қуруқлик орқали эса Туркманистон темир йўл, автомобиль йўли ва қувур транспорти билан Марказий Осиё давлатлари ҳамда Эрон, Афғонистон ва бошқа хорижий давлатларга чиқиши имкониятига эга.

Туркманистон дунёning қадимий давлатларидан бири ҳи-собланади. Ўтган асрнинг 70-йилларида у чор Россияси томонидан ишғол қилинди, 1917-1991 йилларда эса СССР таркибида бўлди. Туркманистон ўз мустақиллигини 1991 йилда қулга киритди. Давлатнинг номи «Туркманистон» деб қабул қилинди. 1991 йил 27 октябрь куни Туркманистоннинг мустақиллик куни деб эълон қилинди. Давлатни Президент бошқаради. Президент умумхалқ томонидан 5 йил муддатга сайлаб қўйила-ди. Мамлакатнинг биринчи сайланган Президенти Сапармурод Ниёзов. Туркманистон Республикаси Ашгабад, Красноводск, Мари, Чоржўй, Дошавуз вилоятларини ўз ичига олади. Туркманистон МОДга киради. Ўз навбатида у Марказий Осиё давлатлари билан яхши қўшничилик алоқаларини олиб боради.

2. Аҳолиси, аҳолининг этник келиб чиқиши, миллий таркиби, жойлашиши. Туркманистон аҳолисининг сони жиҳатидан Марказий Осиё давлатлари ичida тўртингчи ўринда туради. Бу ерда аҳоли анча сийрак жойлашган. Марказий Осиё давлатларида ҳар бир кв. км га 13,8 киши тўғри келтани ҳолда Туркманистонда аҳоли зичлиги 9,2 кишига тенг. Аҳолининг этник келиб чиқиши узоқ тарихга бориб тақалади. «Туркман» сўзи биринчи марта араб адабиётида X асрда тилга олинади. «Туркманистон» яъни «Туркманлар мамлакати» сўзи эса ўрта асрлардаёқ мавжуд бўлган.

Туркманлар текин, салир, номут, эрсар, керадошли, човдур ва бошқа қабила уруглардан тарқалган. Улар азал-азалдан тоб ён бағрлари, дарё бўйларида яшашган. Ҳануз Туркманистоннинг асосий аҳолиси водийларда, сув ва темир йўл бўйла-рида яшайди.

Туркманистон кўп миллатли давлат. Аҳолининг 70 фоизидан ортиғини туркманлар, 12 фоизини руслар, 8 фоизини ўзбеклар, 3 фоизини қозоқлар ташкил қиласади. Шунингдек, бу

ерда татар, украин, арман, озарбайжон ва бошқа миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг табиий ўсиши ва уни тақорор ишлаб чиқариш анча юқори. Аҳолининг купайиши 1990-1999 йилларда 122,4 фойзни ташкил қилди. Шу йиллар ичida аҳолининг йиллик ўртача ўсиши Қозогистонда салбий, Қирғизистонда-0,5, Тожикистанда-1,9, Ўзбекистонда-2,1 фойзни ташкил этган бўлса, у Туркманистанда энг юқори 4,1 фойзга тенг бўлди.

Мисол. 1940 йилда мамлакатда 1.302 минг киши яшаган эди. 1959 йилда-1.516, 1970 йилда-2.159, 1979 йилда-2.759, 1989 йилда-3.534, 1995 йилнинг бошида эса 4.478 минг кишига етди. Аҳолининг табиий ўсиши шу даражада давом этса, 2001 йилнинг бошида Туркманистаннинг аҳолиси 6,0 миллионга яқинлашади.

Мамлакатда аҳоли табиий ўсишининг юқорилиги биринчидан-аҳоли зичлигининг тез ортиб боришини таъминлаётган бўлса, иккинчидан меҳнат ресурсининг тез кўпайишига унинг бандлик даражасига ўз таъсирини кўрсатмоқда (8-жадвал). Бу ерда 1940 йилда ҳар бир кв. км га аҳолининг ўртача зичлиги 2,66 кишини ташкил қилган бўлса, у 1959 йилда-3,10, 1970 йилда-4,42, 1979 йилда-5,65, 1989 йилда-7,24 ва 1995 йилда эса 9,17 кишига тенг бўлди. Бироқ, мамлакатнинг зироатчилик билан шуғулланадиган ҳудудларида аҳоли зичлиги 200-250 кишига тенг.

Маълумки, Туркманистон СССРнинг парчаланиши билан биринчилар қаторида мустақил тараққиёт йўлига тушиб олган эди. У эндиликда ахолини моддий ва маънавий ҳимоя қилиш йўлида дадил бормоқда. Жумладан, Президент Фармони билан мамлакат аҳолиси 1992 йилдан бошлиб ичимлик суви, табиий газ ва электроэнергия билан бепул таъминланмоқда. Аҳоли истеъмоли учун ишлатиладиган озиқ-овқат маҳсулотларининг ҳам харид нархларини пасайтириш, ахолини ижтимоий ҳимоя қилиш мамлакат Президенти дастуридан алоҳида ўрин олган.

Туркманистон аҳолисининг катта кисми (55 фойзи) қишлоқларда яшайди. Шунга қарамасдан Туркманистаннинг МОДда урбанизация даражаси анча юқори. Унинг энг йирик шахарлари: пойтахти-Ашгабад, вилоят марказлари-Чоржуй, Туркменбасы, Мари, Дошавузда шаҳар аҳолисининг тенг ярми яшайди.

8-жадвал
Туркманистон аҳолиси ва унинг бандлик даражаси,
минг киши

	1990	1991	1992	1993	1994	1995	1995 нис нис	1990 й. %б
Жами аҳ.си	3,657	3,750	3,846	3,947	4,045	4,478	122,45	
шундан эр.	1,803	1,850	1,899	1,950	1,999	2,219	123,0	
аёллар	1,854	1,900	1,947	1,997	2,046	2,259	121,8	
ш. аҳолиси	1,650	1,690	1,718	1,758	1,707	1,993	120,8	
қ. аҳолиси	2,007	2,060	2,128	2,189	2,248	2,485	123,8	
мек ёши.р	1,823	1,827	1,923	1,978	2,027	2,248	123,3	
бандл д.си	1,542	1,571	1,573	1,642	1,665	1,673	108,5	
д. сек.	926	920	886	883	863	798	86,2	
аренда корхона					61	75	77	
колхозларда	355	357	373	376	374	448	126,2	
коо.да	33	49	59	48	47	45	136,4	
ИТД	2	2	2	2	2	3	150,0	
ш.и хў.к.	229	243	253	266	278	293	12,9	
моддий и.чиқа-								
ришда	1,146	1,174	1,186	1,254	1,270	1,267	110,5	
қиши ва ўр.х.	647	666	695	719	730	739	114,2	
сан.ва.қ.	321	327	318	341	335	322	100,3	
шун. сан.да	166	159	154	171	166	166	100,0	
б. тар.лар	178	180	173	194	205	206	115	
номоддий ишлаб								
чиқища	397	397	387	388	395	406	102,2	

х/ Статический сборник, 1996 год. Государства бывшего Советского Союза, 21. Всемирный банк. Вашингтон, Округ Колумбия, с. 440.

9-жадвал

**Туркменистан саноат тармоқларида маҳсулот ишлаб чиқарып
млн. миллий валюта билан х**

	1990	1991	1992	1993	1994	1995
Жами саноат	9,6	29,4 373,6	5,923 31,313	243,047		
оғир саноат	4,2	13,1 253,2	4,474 19,294	189,088		
ёқилғи-энергетика	2,5	9,9 215,9	3,917 15,429	134,508		
электроэнергетика	0,5	1,1 17,5	328 2,385	19,136		
ёқилғи саноати	2,0	8,7 198,4	3,589 13,044	115,307		
металлургия	0,0	0,0 0,4	2 6	154		
химия ва нефтехимиya	0,4	0,8 11,4	99 489	7,094		
мания машинасозлик						
ва метални қайта	0,5	1,3 8,5	129 886	3,531		
ишлаш ўрмон-ёғоч-						
ни қайта ишлаш	0,1	0,2 11	19 177	717		
қурилиш матер.						
саноати	0,6	1,2 14,3	266 1,960	8,927		
енгил саноати	4,0	10,1 73,0	733 8,148	39,406		
түзимачилик	3,7	11,0 67,2	606 7,325	34,908		
тикувчилик	0,5	0,9 4,4	60 579	2,862		
пойабзал	0,1	0,2 17,4	11 137	1,019		
Озиқ-овқат	1,4	4,2 47,2	716 3,853	14,553		
гүшт ва сут	0,4	1,8 14,8	216 697	3,026		
балиқ	0,1	0,1 0,8	12 87	510		

х'Статистический сборник, 1996 год. Государства бывшего Советского Союза, 21. Всемирный банк. Вашингтон, Округ Колумбия, с. 461.

ми билан тилга олинади. Ша-
ҳарда 140 минг киши яшай-
ди. Чоржуй анча саноатлаш-
ган. Бу ерда пахта тозалаш,
қоракул, суперфосфат за-
водлари, гүшт комбинати,

түкимачилик корхоналари,
кемани таъмирлаш заводи
ишлаб турибди. Мазкур ша-
ҳарлар вилсят маданий мар-
казлари ҳам.

3. Ҳўжалигининг умумий таърифи: Бош тармоқлари. Мам-
лакат халқ ҳўжалиги кўп тармоқлидир. Саноатда газ, нефть
қазиб олиш ва уларни қайта ишлаш, химия ва енгил саноат
етакчилик қиласиди. Машинасозликнинг кўпгина турлари, ме-
таллни қайта ишлаш ва қурилиш материаллари саноати ҳам
таркиб топган.


Туркманистон ўз мустақиллигини қўлга киритиши билан
мамлакат иқтисодиётини тубдан қайта қурмоқда. Мамлакат-
нинг табиат ресурслари (ва биринчи навбатда ёқилғи хавзала-
ри)дан фойдаланишда, қайта ишлаш саноатини ривожланти-
ришда, ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштиришда
хорижий давлатлар билан бевосита алоқалар ўрнатилмоқда,
сармоялар олинмоқда, ишбилармон мутахассис кадрлар мод-
дий ишлаб чиқаришининг турли соҳаларига жалб қилинмоқда.

Мамлакат иқтисодиётида қишлоқ ҳўжалигининг улуши кат-
та. Барча әкин майдонларининг 54 фоизига пахта әкилади.
Бу ерда йилига 530-540 минг гектар ерга пахта әкилади ва
1250-1275 минг тонна атрофида ялпи пахта ҳосили йигишти-
риб олинади. Туркманистон пахта толаси ишлаб чиқариш бў-
йича жаҳонда илғор пахтакор мамлакатлар қаторида, МОДда
эса иккинчи (Ўзбекистондан кейин) ўринда туради. Пахтачи-
ликни изчиллик билан ривожлантириш (унинг иссиқ иқлимга
мослашган «Аш» ва «Йолотан» навларини яратиш ва район-
лаштириш) мамлакат иқтисодиётини кўтармоқда ва валюта
фондини бойитмоқда.

Қишлоқ Ҳўжалигига мамлакат ўз мустақиллигини қўлга
киритиши билан донли әкинлар, хашаки әкинлар, сабзавот,
мева ва узум етиширишга катта эътибор бермоқда. Мамла-
катда йилига 1109 минг тонна дон, 370-380 минг т. сабзавот,
390-400 минг тонна мева, 150-160 минг тонна узум етиширил-
моқда (1995).

Туркманистон чорвадор мамлакат. Бу ерда асосан яйлов
чорвачилиги етакчилик қиласиди. Негаки, мамлакатда қишлоқ

Кирғизистон. Қишлоқ хұжалигининг ихтисослашувы



Түркменистан патшасы Гарпак пештән



Қирғизларнинг миллий кийимлари

1, 2, 3, 4, 6. -
Тянь-Шань,
Иссиққұл
чүкмаси ва Чу
водийси
халқларининг
кийими



5. Олой водийси
халқлари кийими

8. Помирликлар
кийими


9. Иссиққұл
чүкмаси халқлари
кийими


10. Фарғона
водийсида
яшовчи қирғизлар
кийими

Қозоқларнинг миллий кийимлари



Туркманистан қишлоқ хўжалигининг ихтисослашуви





ТУРКМАНЛАРНИНГ МИЛЛИЙ КИЙИМЛАРИ



Тожикларнинг миллий кийимлари



1. Ўрта яшар ишчининг кийими /Фарбий Помир/
2. Ёш аёлнинг кийими /Дарвоз/
3. Йигитнинг кийими /Шимолий Тожикистон/
4. Ёш аёлнинг кийими /Жанубий Тожикистон/
5. Келинчакнинг кийими /Фарбий Помир/
6. Ёш аёлнинг кийими /Кӯҳистон/

Туркманистон саноати




МК-ОЗКАТ
ТУРКМЕНИСТАН


МИДАС
термелдери

Узбекстан

САМБИЯ



Шевченко шаҳрида Қаспий денгизнинг шур сувини чучук сувга
айлантириб берадиган атом қурилма



Тожикистон саноати



Саноат тармоқлари

Машинасозлик ва
металлни қайта ишлак

● Курилип материаллари

● Пахта төзөлөш

● Ыпакчilik

● Ил-газлама

○ Ҳар хил саноат

① Озиқ-овқат

Газ қувури
Красиб оазис.

Нефть

Газ

Кумгир кумир

Полонозтадиrudnizi

Калакиrudnizi

Каримкували гора


Большерамруднizi

Шомутруднizi


Фазират

Ош түзү

Ош шаары







Помирға чиқыш нақадар оғир.
Буни фақат ҳаво транспорты енгил қилиши мүмкін.

хужалигига яроқли булган ерлар ,34,8 млн)нинг катта қисми (30,6 млн гектари) яйловзорлардан иборат. Туркманистанда 5,5 миллион баш құй өткізу 1995 йылдан бері. Шуларнинг ярмидан күпі қоракұл құйларидір. Мамлакатда жағон бозорида юқори баҳоланадиган ҳамда күзни қамаштирадиган қоракұл терила-ри күп етиштириләди өткізу заводларда қайта ишланады. Айниңса қора, күл ранг, мөвий, сур териләре Қарақумнинг жануби-шарқий қисми (айниңса Бадхиз күриқхонаси региони)-күп етиштириләди.

Қорамол ва паррандачилик мамлакатнинг суғориладиган зонасида районлаштирилған. Туркманистан чорвачилигіда туячилык ва йилқичиликнинг ҳам улуси бор.

4. Саноат жуғрофиясы: унинг жойлашишидаги муҳим иккі омил, ҳудудий тузилиш хусусиятлари.

Биринчи омил—мамлакатнинг иқтисодий жуғрофий ўрни (ИЖУ). Үтган асрда ёк Туркманистаннинг деңгиз транспорты ривожланишига асос солинди. Каспий деңгизининг бүйіда қад күтарған Красноводск порт шахри шундай асос әди. Бу порттегі қад күтариши Туркманистанга «капитал» йўлининг очи-лишига ва ундан мамлакат ичкарисига темир йўл ўтказишга имконият туғдиради. 1880—1886 йилларда мамлакатнинг гарбий қисми (Красноводск)дан унинг әншарқи (Чоржўй)га темир йўл қуриб ўтказилди. Натижада мазкур темир йўл бўйида қатор саноат корхоналари қад күтарди.

МИСОЛ. Мамлакатнинг гарбий ва шарқий қутбидаги порт ша-ҳарларнинг қад күтариши унинг ташқи иқтисодий алоқаларини ривожлантириб юборди. Туркманбошидан Каспий деңгизи орқали Кавказерти давлатлари, Эрон билан шунингдек, Гарбий Қозогистон ва Россиянинг қатор иқтисодий районлари билан алоқа қилиш имконияти туғилди. Эндиликда бу хил алоқа самарали натижалар бермоқда.

Туркманистанда халқ хўжалигини мустақиллик асосида қайта қуриш катта қийинчиликлар билан кечмоқда. Айниңса саноат ишлаб чиқаришда технологияни қайта таъмирлаш ва янгилаш, янги-янги ишлаб чиқариш қувватларини, ишга тушириш соҳасида ривожлантиришнинг турли босқичларida булган давлатлар билан техникавий ва иқтисодий ҳамкорлик ўрнатиш ҳамиша ҳам силлиқ кечмайди. Шу боисдан ҳам Туркманистан иқтисодий тараққиётіда жиддий камчиликлар, маҳсулот иш-

лаб чиқариш соҳасида орқага чекинишлар юз бермоқда. Ушбу хуносамизни хорижда чоп қилинган айрим статистика кўрсаткичлари асосида таҳлил қиласидиган бўлсак, бир жиҳатдан мамлакат саноат тармоқларида миллий валюта ҳисобида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиб борганигини кўрамиз (9-жадвал), Агар масалага чуқурроқ ёндашадиган бўлсак (мамлакат пул бирлиги-монатнинг қадсизланиб боришини инобатга олсан) саноатнинг аксарият соҳаларида ишлаб чиқаришнинг ўсиши эмас, балки орқага чекинишини кўрамиз.

Мамлакат саноатининг етакчи тармоқлари: ёқилғи-энергетика ва электроэнергетикада регионаларнинг мавжуд хомашё техникавий имкониятлари даражасига ишга солинмаяпти. Натижада ишлаб чиқариш кўрсаткичлари пасайиб бормоқда. М., 1990 йилда мамлакатда 5,4 млн. т., нефть қазиб олинган бўлса, у 1995 йилда 4,1 млн т.га тушиб қолди. Шу йиллар ичida табиий газ қазиб олиш 84,3 млрд, куб.м.дан 55,6 млрд.куб.м.га, электроэнергия ишлаб чиқариш 15 млрд, квт/соатдан 10,5 млрд. квт/соатга тушиб қолди.

Иккинчи омил—Табиий ресурс. Мамлакат тараққиётида табиий ресурс—айниҳса нефть ва табиий газ муҳим омил бўлиб майдонга чиқади. Бу ерда нефть ва газ захираси ниҳоят даражада кўп. Ғарбий Туркманистон айниҳса нефтга бой. Каспий бўйидаги ката нефть ҳавзаси мамлакатнинг жанубий қисмидан шарққа токи Амударёгача (Копетдогнинг шимолий ёнбагри бўйлаб) чўзилган. Ҳозирча «қора олтин» мамлакатнинг ғарбий ва жануби-ғарбий қисмида жойлашган 7 та кондан қазиб олинади. Уларнинг энг муҳимлари: Қотиртепа, Борса-Келмас, Окарем, Челекен ярим ороли, Туркманистон табиий газ захирасига ҳам бой. Унинг Қорақумдаги Дарвазе-Зеаглин. Очагли, Байрамали, Күгуртли ва яна йигирмага яқин конларидан газ қазиб олинмоқда. Мамлакатда йилига 4-5 миллион тонна нефть ва 55-84 млрд кубометр табиий газ қазиб олинади.

Туркманистон саноатида бевосита ишлатиладиган яна бир табиий ресурс омил бу Қора-Бузоз-Гол туз хазинаси. Унинг захираси жуда катта. Мамлакат тоғ-химия саноати мазкур минерал тузини қазиб олиш ва қайта ишлашга мослаштирилган. Челекенда йод, бром, озокерит қазиб олинади ва қайта ишланади.

Мамлакат саноати асосан табиий ресурсларга таяниб ривожланган дейиш мумкин. Жумладан энергетика саноатини

олайлик. У ҳам ўз ёқилғи ресурси (асосан табиий газ)га таяниб ривожлантирилган. Бу ерда иилига 10-14 млрд квт/соат электроенергия ишлаб чықарилади. Безмеин, Туркманбоши, Чоржүй иссиқлик электростанциялари базасыда мамлакатда ягона электросистема барпо қилинмоқда.

Туркманистан саноати ҳудудий жойлашиши ва ривожланиши Марказий Осиёning бошқа давлатларидан фарқ қиласынан ўз хусусиятларига әга. Саноат корхоналари, түгунлари ва марказлари ҳудуди жуда нотекс жойлашган. Унинг аксарият қисми темир йўл атрофида ҳамда энг йирик шаҳарларидага жойлашган. Мамлакатнинг поятьхти Ашгабад шаҳрининг саноат ялни маҳсулоти ишлаб чықарышда ҳиссаси анча юқори бўлишига қарамасдан у ягона саноат маркази әмас. Бундай марказ ролини поятьхтдан кейин Туркманбоши (нефтни қайта ишилаш заводи, нефтихимия, балиқ заводи ва б.), Чоржўй (нефтни қайта ишилаш заводи, химия саноати корхоналари), Мари (ГРЭС, тўқимачилик саноати), Дошавуз (электрод заводи) ва бошқа шаҳарлар ўйнайди. Шунингдек, туман марказларидага қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган кўпгина озиқ-овқат ва енгил саноат корхоналари ишлаб турибди.

5. Қишлоқ хўжалик жуғрофияси: табиий шароит омили ва дехқончилик регионлари. Туркманистаннинг табиий шароити унинг катта қисмидаги дехқончилик қилиши учун жиҳдий қийинчиликлар туғдиради. Ер фондининг 80 фоиздан кўпроқ қисмини қум барханлари-яйловзорлар ишғол қиласы. Бу ерлар қўйчилик ва туячилик учун қулай яйловзорлардир. Бу ўринда мамлакат ҳудудининг аксарият қисмини ишғол қиласы Марказий Қорақум, Жануби-шарқий Қорақум, Заунгуз Қорақум массивларини тилга олиш ўринли. Мамлакат ҳудудининг атиги 2,5-3 фоизи дехқончилик қилинадиган зонада жойлашган. Шунга қарамасдан қишлоқ хўжалигига ишлаб чықариладиган ялни маҳсулотнинг 3/5 қисми дехқончиликдан. Иқлим ва термик кўрсаткичлари дехқончиликни ривожлантиришда муҳим омил ҳисобланади. Қуруқлик (асосан қуруқ субтропик) иқлимга әга бўлган Туркманистаннинг дехқончилик регионларида ҳаво ҳарорати ўта баланд. Ҳар бир кв. см. юзага ўртача 160 катта калория қуёш нури тушади. Бу кўрсаткич Қозогистоннинг шимолий районлариникадан икки марта кўпдир. Эз иссиқ, қуруқ ва узок давом киласи, қиши қиса ва нисбатан совуқ. Ҳаво ҳароратининг йиллик ўртача кўрсаткичи 14-16 да-

ража, июль ойники 35 даражадан баланд. Қораумда ҳарорат соңда 50, очиқ ҳавода 80 даражага боради. Илига 220-270 кун ичида бирон марта совуқ бўлмайди. Ҳаво ҳароратининг ижобий ва фойдали йигиндиси ҳам Марказий Осиё давлатлари ичида энг баланд. + 10 даражака ва ундан ортиқ бўлган кунлардаги ҳаво ҳароратининг йиллик ижобий йигиндиси Дошавуда 4500, Туркманбошида—5000-5250, Чоржўйда—5000-5250, Маридиа—52-5550, Ҷиззах Артек ва Тахта-Бозорда 5500 даражадан юқори. Шунинг учун ҳам Туркманистон дехқончилигида жанубий мамлакатлар иқлимига хос қимматбаҳо қишлоқ хўжалиғи экинлари етиштирилади. Жумладан бу ерда иссиқсөргиҳ экинлар (жумладан ингичка толали пахта) кўп экилади. Ёғри; яқин ўтмишда дехқончилик қилишда намгарчиликнинг кам бўлиши, ёғин-сочининг кам тушиши, дарёларнинг камлиги ҳалақит бериб келарди. Туркманистон ҳалқ хўжалигини юритища кундаланг турган—сув муаммосини ижобий ҳал қилли. У Амударёдан (мамлакатнинг энг шарқий қисмидан (1200 км узунликдаги Қорақум каналини қазди. Бу канал Туркманистоннинг аҳолиси зич жойлашган, тупроғи дехқончиликка яроқли бўлган районлардан кесиб ўтиб Каспий денгизи (мамлакатнинг гарбий нуқтаси) билан туташтирилди. Қорақум магистрал каналининг қазилиши мамлакат ҳаётида, айниқса унинг агросаноат мажмууда кескин бурилиш ясади.

Туркманистоннинг иқлими дехқончилик нуқтаси назаридан ўзига хос хусусиятли. Унинг иссиқ иқлими ва ёзикли узоқ (6 ойгача) давом қилиши ингичка толали пахта етиштиришга катта имконият яратган.

Иқлимий шароити билан боғлиқ ҳолатда мамлакат агросаноат мажмуи унинг ҳудудининг турли қисмida фарқли ривожлантирилган. Шу жиҳатдан мамлакат АСМда муҳим ўрин тутадиган иккита районни қайд қиласиз.

Биринчиси Мурғобтеджон райони. Бу район Туркманистоннинг жануби-шарқий қисмida жойлашган бўлиб, у ҳаво ҳароратининг жуда баландлиги, 10 даражадан юқори бўлган кунлар—вегетация муддатининг кўп (240-250 кун)лиги ва шу муддатидан сабабли кунларнинг сардлиги турли.

Қишиш фасли (декабрь-январь) қисқа ва қуруқ келади. Ёғин-сочининг кам тушиши туфайли қишида ҳам экинлар сугоришни тақозо қилади. Сув Туркманистонда хаёт-мамот масаласидир.

10-жадвал Туркменистан қишлоқ хұжалиғи: қишлоқ хұжалиги да махсулот ишлаб чықариш (млн. миллий валюта ҳисобида)

	1990	1991	1992	1993	1994	1995
қ/х ялпи маҳсулоти	2,833	2,714	2,482	2,872	2,367	1,952
шундан ўсим.махс.	2,000	1,865	1,612	1,860	1,405	1,107
дон	61	68	98	165	152	139
картошка	7	6	8	6	4	5
сабзавот	122	116	94	24506		132
мева	28	32	27	28	26	20
узум	79	78	59	52	62	76
пахта	1,519	1,331	1,126	1,244	889	687
чорвачилик маҳс.	833	849	870	1,012	962	845

**Қишлоқ хұжалиги маҳсулотларини етиштириш ва ҳосил
(минг тонна)**

тоза дон	449	517	737	974	1,106	1,109
кузги бүгдой	130	195	370	508	709	879
баҳори бүгдой		11	7	1	2	1
жавдар		5				
маккажүхори	135	126	157	177	149	66
кузги арпа	139	127	124	198	127	74
баҳори арпа		11		11		
шоли	42	54	64	88	114	89
пахта	1,457	1,433	1,300	1,341	1,283	1,292
тола	437	430	404	409		
картошка	35	30	35	31	20	21
сабзавот	411	388	320	286	386	376
мева	531	517	386	328	291	398
узум	169	167	125	114	133	163
маккажүхори	1,027	846	914	916	745	583

ҲОСИЛДОРЛИГИ ГЕКТАРИДАН КГ.

дон	2,360	2,150	2,170	2,200	1,830	1,680
кузги бүгдой	2,360	1,900	940	1,930	1,650	1,590
баҳори бүгдой	2,160	850	130	940	1,020	730
шоли	2,930	2,830	2,330	2,270	2,380	2,290
пахта	2,340	2,380	2,300	2,270	2,300	2,300
картошка	7,800	9,970	9,370	7,740	3,150	3,420
сабзавот	11,500	13,700	11,500	13,510	14,750	15,870
узум	8,180	8,310	5,970	5,570	6,550	7,650
макка (масса у-н)				18,960	15,500	14,500

ТУРКМАНИСТОН ЧОРВАЧИЛИГИДА ЎСИШ.

	1990	1991	1992	1993	1994	1995	Ўсиш 1995 й. 1990 й. нис. %
А) ТҮЁҚ СОНИ, МИНГ БОШ							
йирик шохли моллар	829 399		1,004 1,105		1,181 1,200		144,7
шу жумладан:							
сөғин сигр.	331 360		416 178		534 567		171,3
чүчқа	267 260		212 159		128 82		30,7
қўй ва эчки	5,481 5,599		6,265 6,313		6,503 6,574		119,9
жум.н эчки	337 350		440 463		522 522		154,8
йилқи.	19 19		21 22		25 26		136,8
бошқа моллар	87 93		98 101		111 108		124,1
Б) ЧОРВА МАХСУЛОТЛАРИ, МИНГ ТОННА							
гўшт	104 100		98 110		107 110		105,7
мол гўшти	47 44		46 50		51 51		108,5
чўчқа гўшти	10 9		8 6		4 3		30,0
қўй гўшти	35 36		35 45		45 49		140,0
пар. гўшти	9 7		7 5		5 4		44,4
б. гушт мах.	3 4		2 4		2 3		100,0
сут минг т.	436 458		471 712		716 727		166,7
тухум млн д.	328 300		292 267		- 270 270		82,3
жун минг т.	16 16		17 18		19 19		118,7

х/ Статистический сборник, 1996 год. Государства бывшего Советского Союза, 21. Всемирный банк. Вашингтон, Колумбия, с. 460.

датда ҳаво ҳарорати йигиндиси (5250-5500 даражада)нинг баланд бўлиши билан кўзга ташланади. Бундай иқлимий шароит-термик имконият мазкур районда қимматбаҳо дехқончилик—ингичка толали пахта етиштириш учун қулай. Иккинчи район мамлакатнинг жануби-тарбий қисмида жойлашган Копетдогнинг ортидаги Субтропик районидир. Туркманистон субтропиги бир томондан Копетдог билан шимолдан эсадиган совуқ томондан ҳимоя қилинган, иккинчи томондан эса Каспий бўйи юмшоқ ҳаво оқимига туташ. Жуғрофий ўрни билан боғланган бу хусусиятига кўра уни Жанубий Кримга қиёс қилишади. Бу районда субтропик ва цитрус мевалари етиштирилади. Бироқ Туркманистонда субтропик ва цитрус мевалари етиштиришдаги муаммоли масала мазкур регионда оқар сувларнинг етиш маслиги, серсув дарёларнинг камлигига бориб тақалади.

Марказий Осиёнинг бошқа барча давлатларига нисбатан Туркманистонда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши яхши ривожланиб бормоқда. Зироатчиликнинг кўп тармоқларида ҳамда мамлакат чорвачилигига сезиларли даражада ўсиш кузатилмоқда (10 ва 11 жадваллар).

Туркманистон ҳукумати ва унинг Президенти мустақилликнинг дастлабки йилидан бошлаб мамлакат қишлоқ хўжалигини қайта қуришга киришди. Бунда бош масала қилиб мамлакатни қишлоқ хўжалик хомашёси етказувчи регион эмас, балки маҳаллий аҳоли ва маҳаллий саноатнинг эҳтиёжини қондириш маҳсадида қайта қуриш кун тартибига қўйилган эди. Жумладан мамлакатда дон етиштириш миқдорини аҳоли эҳтиёжини ривожлантириш тўла қондиришга мувофиқлаштириш, мамлакатнинг валюта фондини таъминлаб турадиган пахта толаси ишлаб чиқариш ҳажмини сақлаб туриш ва аҳолининг чорвачилик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжидан келиб чиқиб маҳсулдор чорва моллари туёқ сонини кўпайтириб бориш кўзда тутилган эди.

МОД да пахта етиштиришда Туркманистон Ўзбекистондан кейинги муҳим регион. Унинг термик имкониятлари қимматбаҳо ингичка толали гўза нвларини етиштириш учун ўта қулай. Мамлакат валюта тушимишининг катта қисми пахта толасини экспорт қилишдан тушади. Шунинг учун ҳам мамлакатда пахтачиликни ривожлантириш қишлоқ хўжалиги олдидаги бош масалалардан бири бўлиб турибди. Мустақиллик йилларида

пахта ялпи ҳосили етиштириш ҳажми бирмунча тушган бўлса ҳам, бироқ унинг ҳосилдорлиги анча юқори (10-жадвал).

Мамлакат қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш натижасида мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб самарали на-тижалар қўлга киритилди. М., 1990-1995 йилларда мамлакатда тоза дон етиштириш 449 минг т.дан 1109 минг т.га, шу жумладан кузги буғдой етиштириш 130 минг т.дан 879 минг т.га, шоли етиштириш 42 минг т.дан 89 минг т.га етказилди. Маҳсулот чорва моллари туёқ сони ҳам шу йиллар ичида тез ўси. М., қорамоллар сони 144,7 фоизга ва шу жумладан соғин сигирлар сони 171,3, фсизга, қўй ва эчкилар сони 119,9 фоизга, йилқилар сони 136,8 фоизга ўси.

6. ТРАНСПОРТИ. Мамлакат транспортида темир йулнинг аҳамияти салмоқли ўрин тутади. Унинг умумий узунлиги 2423 км бўлиб, ҳар 1000 кв. км. га зичлиги 5,0 км.ни ташкил қилади. Бу зичлиги Қирғизистонницидан 2,2 км, Тоҷикистонницидан 2,1 км.га кўп. Асосий йўллар. Туркмандобоши-Ашгабад-Чоржӯй, Ургенч-Чоржӯй, Амударё-Чоршонг; Тоджон, Сарахс (ва кейин Эрон ҳудудида Машҳад). Темир йўл транспортида саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан нефть ва нефть маҳсулотлари, дон ва дон маҳсулотлари, ёғоч, тошкўмир, қора металл, минерал ўғит, пахта толаси ташилади. Мамлакат темир йўл транспортининг Марказий Осиё давлатлари учун транзитлик аҳамияти ҳам катта. Туркманистон ҳудудида темир йўлда ташиладиган юкнинг 35 фоизи хорижий давлатларга чиқарилади.

Туркманистон транспортида автотранспортнинг улуши катта. Мазкур транспорт тури сўнгги йилларда тез ривожланиб кетди. Унинг умумий узунлиги 15 минг км.дан ошади. Автомобиль транспортида вилоятлараро аҳамиятга эга бўлган юклар ташилади. Туркманистоннинг энг муҳим автомагистралари: Ашгабад-Қизил-Арбат; Ашгабад-Теджон-Мари-Байрамали, Мари-Күшкя, Дошавуз-Чоржӯй; Чоржӯй-Керки, Кизил-Арбат-Қизил-Артек. Туркманистонда сув ва қувур транспорти ҳам яхши ривожланган.

Туркманистон МОДдаги нефть ва нефть маҳсулотларини, газ ва бошқа табиий ресурсларини кўп экспорт қиласидиган давлат. Шунингдек, унинг экспортида ипак пахта толаси, жун ва жунли материаллар, қуёшда минг хил товланадиган қоракўл териси муҳим ўрин тутади. Туркманистоннинг ташки (асосан

темир йўл ва автомобил йўли) алоқасида Ўзбекистон алоҳида ўрин тутади. Жумладан, Ўзбекистон Туркманистонга паҳта комплексига хизмат қиласидиган машина, асбоб-ускуналар, Туркманистон эса Ўзбекистонга нефтокомплекс билан боғлиқ маҳсулотлар экспорт қиласиди.

7. АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ. ЭКОЛОГИК МУАММОЛАР.

Туркманистоннинг табиати муҳофазага жуда-жуда муҳтоҷ. Унинг материк ичкарисида жойлашганлиги, аксарият ҳудуди-ни қум барханларидан иборат бўлган Қорақум массиви ишгол қиласиги, ёғин-сочин келтирадиган океан оқимларидан жуда узоқда жойлашганлиги ва бутун мамлакат осмонида намгарчиликнинг, булатли кунларнинг камлиги, ҳаво ҳарорати барча кўрсатчилариининг МОДнинг бешқа регионларига нисбатан баландлиги мамлакат табиий ландшафтида ўсимликлар олами ривожланишига салбий таъсири кўрсатиб туради. Бу ерда катта-катта қум массив (бархан)лари билан бир қаторда ялангоч тоғлар, ўсимликсиз, сувсиз тоғ тепаликлари, қир ва адирлар беҳисобдир. Бу жуғрофий шароит мамлакатда табиатга узгача муносабат қилишни, унинг ҳар бир элементини онгли равишда муҳофаза остига олишни тақозо қиласиди. Бунинг акси ўлароқ мамлакатда ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш бобида табиатга антикаъсири ҳам кўрсатилмоқда.

1-мисол. Қорақум каналини қазиш мамлакат ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришга қаратилган эди. Бу борада ибратли натижалар қўлга киритилди. Бироқ, мазкур канал-гигантнинг ўтиклиши билан унинг атрофида юзлаб шурӯр кўллар пайдо бўлди. Бу кўллар дехқончилик доирасига тортилган ўн минг гектарлаб ерларнинг унумдорлигини пасайтириб иборди.

2-мисол. Нефтга бой районларда нефть ва табиий газ қазиб олиш ва уларни қайта ишлаш технологиясининг такомиллашмаганини натижасида атроф-теварак ландшафтига путур етказилди.

Мустакил Туркманистон давлати ўз парламентида табиатни муҳофаза қилишнинг комплекс тадбирларини (1992 йилда) ишлаб чиқди. Унда қум барханлари ҳаракатини тұхтатиши, Қорақум массивида ўсимликлар оламини ҳимоя қилиш, тупроқнинг шурӯланишига қарши курашиб, Қорақум каналининг сув ўтиказиш даражасини юқори савиядада сақлаш, қурғоқчил район

онларда ихотазорлар барпо қилиш, Амударё сувидан комплекс фойдаланиш муаммоларини Марказий Осиёнинг бошқа давлатлари билан ҳамкорликда ишлаб чиқиш масалалари кун тартибига қўйилган.

Амалий иш: 1. Жуғрофий маълумотлардан, хабарномалардан, дарслик материалларидан фойдаланиб Туркманистоннинг иқтисодий жуғрофий таърифининг режасини тузиш ва маъруза тайёрлаш.

ТАЛАБАНИНГ БИЛИМИ ВА МАЛАКА МЕЗОНИ: ТАЛАБА:

- табиат ресурсларининг етакчи соҳаларини ва уларнинг мамлакат ҳалқ ҳужалигига тутган ўрнини;
- регион меҳнат ресурсини, унинг иш билан бандлик даражасини, меҳнат ресурси билан боғлиқ муаммоларни;
- регионнинг экологик ҳолатини, табиатни муҳофаза қилиш билан боғлиқ масалаларни;
- мамлакатнинг етакчи саноат тармоқларини, нефть саноатининг ҳалқ ҳўжалигига тутган ўрнини;
- мамлакат агросаноат комплекси билан боғлиқ соҳаларни. Ингичка толали пахта етиштириш жуғрофиясини ва даражасини;
- мамлакатда қоракўл тери ишлаб чиқариш омилларини, даражасини;
- Туркманистоннинг ташқи иқтисодий алоқасини. Ташқи иқтисодий алоқада муҳим ўрин тутган давлатларни, Тоджон-Машҳад темир йўли қурилишининг МОД учун аҳамиятини;
- Туркманистоннинг Марказий Осиё давлатлари билан иқтисодий жиҳатдан боғланган томонларини. Туркманистон-Ўзбекистон ҳамкорлигининг турларини, аҳамиятини,
- Туркманистон-Ўзбекистон ўртасида транспорт коммуникациясини ривожлантириш масалаларини;
- «Орол инқизози»нинг олдини олишда ва темир йўл транспортидан биргаликда фойдаланишда вужудга келган қийинчиликларни билиши керак.

7-боб.

ҚИРГИЗИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

Худуди 198,5 минг кв. км.
Аҳолиси 4,5 миллион киши
Пойтахти Бишкек шаҳри.

1. Ҳудуди, чегаралари, жуғрофий ўрни, давлат тузуми.

Қирғизистон Республикаси мустақил давлат бўлиб, ҳудудининг катталиги ва аҳолисининг сони жиҳатидан. Марказий Осиё давлатлари ичидаги тўргинчи уринда туради. Унинг ҳудуди гарбдан шарққа 900 км, шимолдан жанубга 410 км.га чўзилган.

Қирғизистон тоғли мамлакат. Ҳудудида жойлашган Тян-Шан тоги ва унинг ўнларча тизмалари, жумладан Талас-Алатау, Қирғиз тоги, Кунгей, Алатау, Терский Алатау, Олой ва Қаргона тоги, Отбоши тоги, Норинтог ва бошқа тоғларда 5-7 минг метрга тенг келадиган баландлик, чўққилар бор. Мазкур тоғлар ва улардаги абадий музликлар, қорлар, улардән бошланадиган шўх ва тезоқар дарёлар, тоғ водийлари ва даралар, тоғ усти ва тоғ ён бағрларини ишғол қилган ямияшил арчазорлар, баланд тоғлар ўртасида савлат тўкиб турган мўжизасимон Иссиккўл Қирғизистон табиатининг бетакорор гўзаллигидан гувоҳлик беради.

Қирғизистон шимолдан Қозоғистон давлати билан, жануби-шарқ ва шарқдан Хитой, жануби-гарбдан Тян-Шанга бориб тақалган Помир-Олой тоғ системаси орқали Тоҷикистон, гарбдан эса Ўзбекистон давлатлари билан чегараланади.

Мамлакатнинг жуғрофий ўрни, табиати ва табиат манбалари унинг ҳалқ ҳўжалик йўналишига, ҳамда хорижий давлатлар билан алоқасига бевосита таъсир кўрсатиб туради. Қирғизистон асосан тоғлар ўлкаси булганлиги ва айниқса унинг марказида жойлашган баланд тоғ системалари уни Шимолий ва Жанубий регионларга бўлиб ташланган. Бу нарса мамлакатнинг ички ва ташқи алоқаларига кескин таъсир кўрсатган.

Мисол. Жанубий Қирғизистон Марказий ва Шимолий Қирғизистондан баланд тоғлар шу қадар ажратилганки, орадаги иктисадий алоқа ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Негаки, Шимолий ва Жанубий Қирғизистон ўртасида тўғридан-тўғри (төмір йул транспорти) алоқаси йўқ. Балки Жанубий Қирғизис-

12-жадвал

Кыргызистоннинг аҳолиси ва унинг бандлик дарежаси
(минг киши)

	1990	1991	1992	1993	1994	1995	1995 жыл ни. бийдан 1990 ни. бийдан % уа
Жами аҳоли	4,335	4,390	4,452	4,469	4,430	4,451	102,67
шун. эр.лар.	2,118	2,149	2,183	2,197	2,185	2,194	103,58
аёллар	2,217	2,241	2,269	2,272	2,245	2,257	101,80
ш. аҳолиси	1,648	1,668	1,681	1,662	1,572	1,558	94,54
қиши. аҳо.си	2,687	2,722	2,771	2,807	2,858	2,893	107,66
ўсмирлар	1,714	1,740	1,767	1,777	1,771	1,774	103,50
мех. ёш.лар	2,185	2,21	2,239	2,243	2,219	2,239	102,47
кексалар	435	439	445	450	440	438	100,69
ж. меҳ.рес.	2,184	2,215	2,264	2,256	2,261	2,290	104,85
аҳоли бандлик							
лар.	1,748	1,754	1,836	1,681	1,645	1,641	93,88
дав. сектори	1,350	1,202	1,150	885	686	656	48,59
колхозларда	178	194	169	173	166	37	20,78
кооп. ларда	33	21	52	36	25	30	90,90
ИТД	3	3	10	27	141	240	4666,6
шахси хўжаликлар	208		224	210	201	200	108,69
кор.да фер. х.	16		80	77	140	305	
ўқувчилар	204	205	201	182	170	165	80,88
мод. И/ч	1,261	1,281	1,319	1,214	1,213	1,207	91,72
қиши.ва.ўр. х.	572	623	701	655	691	689	120,45
сан. ва қур.	487	466	414	359	318	317	65,09
шун. сан.да бош.	319		300	270	241	240	71,85
тар.да	202	192	205	200	200	201	99,50
номоддий и/ч	487	474	517	467	432	434	89,12

х/ Статистический сборник, 1996 год. Государства бывшего Советского Союза, 21. Всемирный банк. Вашингтон, Округ Колумбия, С. 230.

тон Фаргона водийсининг таркибий қисми бўлиб, айни пайтда Ўзбекистон ва Тожикистоннинг энг ривожланган вилоятлари билан чамбарчас иқтисадий алоқададир. Мамлакатнинг жанубий қисми - Ош вилояти унинг шимолий районлари билан ўзга давлатлар (Тожикистон, Узбекистон ва Қозогистон) орқали (төмир йул билан) иқтисадий алоқа урнатган.

Мамлакатнинг жуғрофий ўрни, унинг рельеф хусусиятлари билан боғлаиган томонлар чегарадош давлатлар билан иқтисаудо-сотиқ алоқаларини олиб боришида турлича имкониятлар туғдиради.

Мисол. Қирғизистон катта масофада Хитой давлати билан чегараланади. Бирок икки давлат уртасидаги баланд тоғлар иқтисадий алоқада табиий тўсиқ бўлиб майдонга чиқади. Ёки жанубий-тарбий Қирғизистоннинг Фаргона водийсида жойлашганлиги Узбекистон-Қирғизистон иқтисадий ва маданий алоқаларини жуда ривожлантиришга олиб келган.

Қирғизистон мустақил давлат. У ўз мустақиллигини 1991 йилнинг августида қўлга киритди. Қирғизистон давлати демократик асосларга таянган ҳолатда жаҳонда тинчликсевар (ва уз навбатида ҳеч қандай ҳарбий блокларга қўшилмаслик) сиёсатини олиб бормоқда. Ҳокимиятни умумхалқ томонидан 5 йил муҳлатга сайлаб қўйилган Президентни бошқаради. Унинг ҳозирги Президенти таниқли олим, академик Аскар Акаевdir.

2. Аҳолиси: сони, зичлиги, этник келиб чиқиши, миллий таркиби, жойлашиши. Қирғизистонда 4,5 миллион киши ящайди. Мамлакат аҳолиси сон жиҳатидан дастлаб тез, мустақиллик йилларида эса секин ўсмоқда. Масалан, бу ерда 1940 йилда 1528 минг киши яшаган бўлса, 1959 йилда-2066 минг, 1970 йилда-2934 минг, 1979 йилда 3529 минг ва 1989 йилда эса 4291 минг кишига етди. 1990-1995 йилларда эса мамлакат аҳолиси 435 минг кишидан 4451 минг кишига етди, яъни атиги 2,7 фоизга кўпайди. (12-жадвал). Мамлакатда аҳоли табиий ўсишидаги бу хил тебраниш унинг турмуш шароити билан боғлиқ жараёндир. Мамлакат аҳолисининг динамик узиши билан унинг зичлиги ортиб бормоқда. Аҳоли зичлиги хар бир кв.кмга 1913 йилда 4 киши, 1968 йилда 14,3, 1989 йилда 21,5 киши, 1995 йилда эса 22,7 кишини ташкил қилди.

Кирғиз миллатишинг этник келиб чиқиши узоқ тарихга бориб тақалади. Чунки қирғиз халқи Марказий Осиёдаги энг

қадимий халқлардан биридир. Қирғизистон ҳудудида бундан таҳминан 300 минг йыл бурун палеолит (ибтидоий тузум) даврида одамларнинг яшаганлиги археологик қидирув натижаларида аниқланган. Дәхқончилик ва ҳунармандчиллик маданиятига эга бўлған қирғиз халқи Буюк Кушан подшологи ҳукмронлиги даврида шоли, тариқ, арпа, буғдой экиш билан ҳамда боғдорчиллик, узумчиллик, сабзавотчиллик, зотдор йилқичилик билан шуғулланган. Ўрта асрда бу ерда турк кўчманчи қабилалари ҳукмронлик қилган. X асрнинг ўрталарида Шарқий Туркистон ва Семиречъяда (жумладан Қирғизистон ҳудудида) туркларнинг қудратли давлати Қорахонидлар ҳукмронлик қиласди. Қорахонидлар X асрнинг охирига келиб Шош (Тошкент воҳаси), Фарғона водийси ва Моварооннаҳри ишғол қиласди. Уларнинг Қирғизистон ҳудудидаги ҳукмронлиги 200 йил давом қиласди. Шу даврда қирғиз халқи кўчманчилликдан ўтроқ халққа айланса бошлайди, феодал муносабатлар шаклланади, ўтроқ-дәхқончилика таянган турмуш тарзи қарор топади, шаҳарлар сони кўпаяди. Қорахонидлар даврида Иссиккўл буйидан етишиб чиққан таниқли филолог ва тарихчи Махмуд Қошғарий «Дивонлугот ат-турк» номли уч томлик турк луғотини ёзди. Унда Туркистон халқларининг қадим маданияти, тили, урф-одати, тарихи талқин қилинган.

XII-XIII асрда мўғулларнинг Туркистонга бостириб кириши билан бир томондан тарихий ёдгорликлар, қадимий шаҳарлар вайрон қилинди, иккинчи томондан бу ҳудудга шарқий, жанубий-шарқий давлатлардан турли қабила, эл, элатлардан кўчиб келиш бошланди. Жумладан, мўғулларнинг Қирғизистонга бостириб кириши билан Енисей бўйидаги қабилалар Тян-Шанга келиб урнашли.

Қирғиз халқи—миллатининг шаклланиши жуда муракаб кечган. Унинг таркиб топиш тарихи (тақдиди) Марказий Осиё ва Туркистон халқлари тарихи билан узвийдир.

XVII асрнинг ўртасида Қирғизистонга ойрат (жунғор) хонлиги тажовуз қиласди. Улар Марказий Осиё, Туркистон яйловзорларини эгаллаш мақсадида қирғиз халқининг қанчадан қанча қонини тўқади. Бироқ Туркистон халқлари, қирғиз, ўзбек, қозоқ бир бўлиб ойрат хонлиги босқинчиларига қарши курашади ва ўрнатилган Ойрат давлатини қулатади. XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб қирғиз ҳалқининг бошига яна кулфат тушади. Энди у Россиятазиёнига дуч келади. 1855

йилда унинг Иссиккүл ҳудуди, 1864 йилда Чу водийси, 1876 йилда Құқон қоңлиги қулида булган Жанубий Қирғизистон Чор Россияси томонидан босиб олинади. Натижада Қирғизистон ҳудудининг хушманзара ерларига руслар дарёдек оқиб кела бошлайды, утрок ақолига айланади. Шунингдек ўтган асрнинг 70 ва 80-йилларда Қирғизистонга Хитойдан манжур-цинк феодаллари зулмита бардош беролмаган дунга ва уйгурлар кучиб келишади. Қирғизистон 1917-1991 йилларда собиқ Совет Иттифоқи таркибида эди.

Қирғизистон күп миллатли давлат. Қирғизлар мамлакат ақолисининг катта қисми-төнг ярмини ташкил қиласы. Бу ерда руслар (24 фоиз), ўзбеклар (10,6), украинлар (6,6), татар, қозоқ, тојик, уйгур ва бошқа миллат вакиллари ҳам яшайды. Мамлакат ақолиси жуда нотекис жойлашган. Тог ёнбағирлари, дарё бўйлари ва водийларида ақоли жуда зич, тоғлик зона Тян-Шан вилояти ҳудудида эса ўта сийрак жойлашган. Ақолининг тоғлик ва тог олди зоналарида фарқли жойлашиши Марказий Осиё давлатларига хос қонуният. Бу қонуниятнинг негизида тоғлик ва тог олди (водий, текислик ва пасттекислик) зоналарининг хўжалик нуқтаи назаридан ўзлаштирилиш даражаси ётади. Тоғли зонада асосан яйлов чорвачилиги, тог олди зоналарида интенсив деҳқончиликнинг амал қилиши ақолининг зичлигини белгилаб берувчи омилdir.

Қирғизистонда ақолининг катта қисми қишлоқларда яшайди. Қишлоқ ва шаҳар ақолисининг нисбати 62:38. Шунинг учун ҳам мамлакатда урбанизация муаммоси кескин эмас. Ақолининг қишлоқдан шаҳарга бўладиган ички миграцияси салбий кўрстакиличи. Масалан, шаҳар ақолиси 1979 йилда 39 фоизга тент әди, у 1989 йилга бориб 38 фоизга тушиб қолди.

3. Хўжалигига умумий таъриф: Унинг тармоқ ва ҳудудий тузилиши. Қирғизистон иқтисодиётida яқин ўтмишда қишлоқ хўжалиги етакчилик қилган. Ақолининг машғулоти яйловдан-яйловга кўчманчилик килиб чорва моллари боқини ва қисман деҳқончилик қилиш бўлган. Саноатнинг кам тури (биринчи навбатда тоғ-кон саноати) ривожланган әди. Бугунги Қирғизистон ўз халқ хўжалигини ва ўзу жумладан саноат ишлаб чиқаришини кенг доирада ривожлантираётган мустақил давлатdir. У ўз мустақиллигини қўлга киритиш билан мамлакат халқ хўжалигини тезкорлик билан ривожлантириш йўлларини изламоқда, илғор хорижий мамлакатлар билан ҳам-

корлик ишларини олиб бормоқда. Бу нарса айниқса саноатда яхши кузга ташланмоқда.

Қирғизистон саноатининг тармоқ ва ҳудудий тузилиши унинг ички имкониятлари (хомашё ресурслари ва мамлакат эҳтиёжи), ҳамда давлатнинг жуғрофий ўрныга кўп жиҳатдан боғлиқ. Қирғизистон ҳудудидан топилган кўмир, нефть, табии газ, сурма, симоб, қўргошин, қалайи, рух, олтин, уран конлари, мавжуд серсув ва тезоқар дарёларининг электроэнергия бериш қуввати, қишлоқ хўжалигида етиштирилаётган пахта, қанд лавлаги, табиий илак; майнин ва ярим майнин толали жун, тери маҳсулотлари мамлакат саноати учун муҳим хомашёдир. Шу боисдан ҳам бу ерда ёқиличи-энергетика, рангли металлургия, машинасозлик, қурилиш материаллари, енгил ва озиқ-овқат саноати тармоқлари шаклланган.

1-мисол. Электроэнергетика саноати Қирғизистон саноат ишлаб чиқаришининг етакчи тармоқларидан биридир. У асосан кўмирга ва қисман нефть ҳамда ташқаридан келтириладиган газга таянади. Қирғизистонда уттан асрниңг 60 йилларидан кумир қазиб олиш бошланган ва 1913 йилга бориб кумир қазиб олиш ҳажми 103 минг тоннага етган. Ҳозирги вақтда мамлакатда 0,5 млн т. кўмир қазиб олинмоқда, бироқ 1990 йилда бу ерда 3,5 млн. тонна кўмир қазиб олинган эди. Жанубий-Гарбий Қирғизистон (асосан Қара-Су ҳавзаси)да мамлакат кўмирининг 97 фоизи қазиб олиниади. Шунингдек, мамлакатнинг бу районида нефть ва газ конлари ҳам учрайди. Йилига 100 минг тонна атрофида нефть қазиб олинмоқда. Сш, Мойлисой иссиқлик электромарказ (ИЭМ)лари Оси ғидсиятида топилган газга ишламоқда. Шунингдек, Қирғизистон Узбекистондан йилига 1,2 млрд. куб.м. газ олмоқда ва унинг айрим ИЭСлари Узбекистон газига ишламоқда.

2-мисол. Қирғизистон тоғ-кон саноатининг фахри унинг сурма ишлаб чиқарадиган жанубий металлругия комбинатидир. Бу комбинат 1936 йилда ишга тушган ва машинасозлик саноати учун қимматли сурма маҳсулоти ишлаб чиқаради. Эндиликда Қирғизистон мазкур заводда тайёрланаётган сурмани кўпгина хорижий мамлакатларга эксперт қилмоқда. Шунингдек, мамлакатнинг яна жануби-гарбий кисмида 1942 йилда рангли металлургиянинг ноёб соҳаси - Хайдаркен симоб заводи ишга тушган. Бу завод тўлиқ циклда ишлайди. Унда руда қазиб олиш, уни саралаш ва тайёр симоб ишлаб чиқаришгача

бўлган жараён амалга сширилади. Мамлакат рангли металлургия саноат мажмууда сурма ва симоб ишлаб чиқариш, олтин ва уран қазиб олишнинг ривожланиши билан Қирғизистоннинг халқаро миқёсида иқтисодий мавқеи ошиб бормоқда.

3-мисол. Қирғизистонда қишлоқ хўжалиги машинасозлиги яхши ривожлантирилган. У бугун саноат ялпи маҳсулотининг 23 фоизини ишлаб чиқаради. Мамлакат машинасозлик саноат корхоналари қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ташиб учун автосамосвальлар юк автомобиллари ҳамда станок электротехника асбоб-ускуналари, электролампа, кабел, металл кесадиган инструментлар ишлаб чиқаради.

4-мисол. Бишкекда Марказий Осиёда ягона камвол-могут фабрикаси ишлаб турибди. Токмоқ шаҳрида жунни бирламчи қайта ишлайдиган фабрика бор. Бу саноат корхоналари маҳаллий хомашёга таяниб сифатли жун газламалар, кийим-кечаклар ишлаб чиқаради.

5-мисол. Қирғизистон Марказий Осиёда қанд лавлагидан қанд-шакар ишлаб чиқаришда каттагина тажрибага эга бўлган давлат. Чу водийсида кўп миқдорда қанд лавлаги етиштирилади. ва ундан қанд-шакар ишлаб чиқарилади.

4. Саноат жуғрофияси: ривожланишининг табиий ресурс омили, тармоқлараро муҳим комплекслари. Қирғизистон саноатни ривожлантириш учун кўпгина табиий ресурс омилларига эга. Унинг худудида жойланган ёқилғи ва минерал хомашёлар: қумир, нефть, табиий газ, сурма, симоб, рух, қўрошин, қалайи, олтин, уран конлари ва рудалари, серсув дарёларининг жуда катта энергетика ресурслари, қурилиш материалилари сифатида табиий тошлар, мармар, оҳактош ва қумтошлар на шундай омиллардир. Табиий ресурс омилнинг мавжудлиги мамлакат иқтисодиётини кўтаришга, саноат тармоклари комплексининг ҳар жиҳатдан ривожланишига хизмат қиласи. Айниқса, сурма ва симоб заҳирасининг кўплиги ва уни саноат корхоналарида қайта ишлаш мустақил мамлакатнинг хорижга товар аҳамиятли маҳсулотлар экспорт қилиш ҳажмини кескин оширади ва валюта фондини бойитади. Шу жиҳатдан Қирғизистон Марказий Осиё давлатлари ичida етакчи мавкега эга.

Мамлакат саноати бир неча йўналишларда ривожлантирилган. Бу ерда маҳаллий хомашё (табиий ресурс)га таянган ёқилғи-энергетика ҳамда рангли металлургия саноати, қишлоқ хўжалик маҳсулотларига таянган тўқимачилик ва озиқ-овқат

саноати ривожлантирилган. Бироқ мустақилликнинг дастлабки (1991-1995) йилларида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми анча камалшиб кетди (13-жадвал). Бундай салбий ҳолатнинг асосий сабаби, бизнинг назаримизда Қирғизистондаги асосий саноат корхоналарининг ўз вақтида «Марказ» деб аталаған Россия саноат тармоқларига боғлаб ташлангандырып. Бу иқтисодий ва техникавий қарамчиликдан қутилиш учун қирғиз халқи ва Қирғизистон иқтисодиётига йиллар талаб қилинмоқда. Нуфузли нашрларда таъкидланишича, 1990 йилга нисбатан 1995 йилда Ўзбекистонда ички ялпи маҳсулоти ишлаб чиқариш 81,8 фоизни, саноат ялпи маҳсулоти ишлаб чиқариш 99,9 фоизни, кишлоқ хўжалигида ялпи маҳсулоти ишлаб чиқариш 89 фоизни ташкил этгани ҳолатда бу кўрсаткичлар Қирғизистонда атиги 50,3:35:57,0 фоизга тенг бўлган.

Еқилғи-энергетика комплекси. Саноатнинг бу тури бирмунча ривожланган. У асосан мамлакатда мавжуд бўлган кўмир, нефть ҳамда заҳираси учун катта бўлмаган табиий газ замидида ривожлантирилган. Мамлакат гидроресурсларга бой ва унинг электроэнергетика саноатида гидравлик электростанцияларнинг улуши йил сайин ортиб бормоқда. Мамлакатда йилига 12-13 млрд. квт. (соат электроэнергия ишлаб чиқарилади. Шунинг 3,5-4 млрд.квт.) соати гидравлик электростанциялар ҳисобига тўғри келади. Кирғизистоннинг дарёлари МОДда ягона энергосистемани барпо қилишда муносаб роль ўйнаши шубҳасизdir. Шунинг учун ҳам Марказий Осиёнинг олий даражадаги ҳукумат раҳбарлари 1993 йил 4 январ куни Тошкент шахрида имзолаган ҳужжатларида Қирғизистонда МОД учун «Энергетика» кўмитасини тузишга қарор қилдилар. Бу қўимида яқин келажакда МОДда ягона энергосистемани барпо қилишда муҳим роль ўйнайди. Қирғизистон электроэнергетика саноатининг истиқболи биринчи навбатда унинг дарё сувлари ресурсысидадир.

Мисол. Қирғизистонда Норин (узунлиги 616 км), Талас (294), Чу (221), Қорадарё (189), Сарижаз (165), Чотқол (144) ва бошқа ўнларча тог дарёлари катта энергетика қувватига эга. Бу дарёлар гидроресурси (электроэнергия)-заҳираси 15 млн.квт.га тенг. Биргина Норин дарёсини тилга олайлик. Унда мамлакатнинг миллионери-Тўхтагул ГЭС ишга тушган. Унинг қуввати 1,2 млн. квт. Мазкур ГЭСнинг ишга тушиши билан 19,3 млрд.

13-жадвал
Киргизистон саноат тармоқларида маҳсулот ишлаб чиқариш.
(млн. миллий валюта билан)

	1990	1991	1992	1993	1994	1995
Жами саноат	33,80	33,70	24,90	25,50	24,40	19,40
оғир саноат	14,90	15,20	10,90	10,30	11,50	10,10
ёқилғи ән-ка сан.	1,70	1,80	1,40	1,50	1,70	1,66
электроенергетика	1,40	1,50	1,20	1,30	1,50	1,50
ёқилғи саноати	0,33	0,31	0,20	0,25	0,23	0,17
металлургия	1,50	1,50	1,40	1,20	1,50	1,20
кимё ва нефтекимё	0,23	0,24	0,16	0,07	0,40	0,03
машинасозлик ва						
металлургияни қ/н. 8,30		8,50	5,40	5,00	3,80	3,20
үрмөн ва ёточни қ/						
ишлаш	0,50	0,60	0,50	0,40	0,20	0,14
қурилиш мат.сан.	1,50	1,50	1,00	0,70	0,90	0,70
енгил саноат	9,30	9,70	8,20	8,20	5,90	3,80
түқимачилик	6,90	7,00	6,20	6,10	4,60	3,00
тикуєчилік	1,70	2,10	1,50	1,50	0,70	0,40
пойафзал	0,70	0,70	0,50	0,49	0,36	0,27
озик-овқат	9,70	8,80	5,50	6,90	6,60	5,40
гүшт ва сут	2,20	0,02	1,40	1,30	1,30	1,10
балиқ	0,03	0,02	0,02	0,01	0,01	0,01
сан.да жами ўсиш						
жами саноатда	-1,3	-0,3	-26,1	2,4	-4,3	-20,5
оғир саноат	-3,7	2,0	18,3	-5,5	11,7	1,2
ёқилғи энергетика	-6,9	5,9	22,2	7,1	13,3	-2,4
электроенергетика	-7,2	7,1	-20,0	8,3	15,4	0,0
ёқилғи саноати	-5,1	-6,1	35,5	25,0	-8,0	-26,1
металлургия	7,0	0,0	6,7	-14,3	25,0	-20,0
кимё на нефтекимё	3,2	4,3	33,3	-56,3	-42,9	-20,0
машинасозлик ва						
металлургияни қ/н. -1,6		2,4	36,5	-2,4	-21,0	-15,8
озик-овқат сан.	4,1	-9,3	37,5	25,5	-4,3	-18,2

х/Статистический сборник, 1996 год. Государства бывшего Советского Союза, 21. Всемирный банк. Вашингтон, округ Колумбия, с. 259.

кубометр сув сиғдирадиган Норин сув омбори ҳам барпо қи-линди. Бу нарса мамлакат агросаноат комплексининг ривож-ланишига ижобий таъсир кўрсатди.

Металлургия комплекси. Бу комплекс ҳам маҳаллий хом-ашё базасида ривожлантирилган. Комплекс сурма ва симоб, олтин ва уран, қурғесшин ва рух ишлаб чиқаришга яхши ихти-сослашган. Қирғизстон рангли металлургия саноати, (айниқ-са төғ-сараплаш фабрика ва комбинатлари, сурма ишлаб чиқа-риш, төғ-металлургия комбинати, тўлиқ циклда ишлайдиган Ҳайдаркен сурма заводи) комплексининг ҳал қилувчи соҳала-ридир. Қирғизистон рангли металлургия саноатининг айрим тур маҳсулотларини МОД ва бошқа давлатлар машинасозлик корхоналарига, хомашё тарзида экспорт қиласди.

Машинасозлик комплекси. Қирғизистон машинасозлик ком-плекси 1930 йилларда трактор ва бошқа қишлоқ хўжалик ма-шиналарини ремонт қиладиган корхоналар базасида таркиб топди. Аста-секин мамлакат машинасозлик саноати қудратли саноат корхоналарига эга бўлди. Станоксозлик, қишлоқ хўжа-лиги машинасозлиги, приборсозлик, электротехника машина-созлиги вуҷудга келди. Бишкек шаҳрида Марказий Осиё дав-латлари учун аҳамиятли бўлган юк автомобил (йигиш) заводи бор.

Тўқимачилик комплекси-мамлакат енгил саноатининг етак-чи соҳаси ҳисобланади. Унда мамлакат саноат корхоналарида ишлайдиган жами ишчининг 25 фоизи банд. Енгил саноат корхоналари пахта толаси, ип-газлама, жун-газлама, кенаф-газлама, ипак-газлама, кийим-кечак, пўстин, пойабзал ишлаб чиқаради. Унинг корхоналари мамлакат ҳудуди бўйича бир текис жойлашган эмас, балки ута даражада марказлашгандир.

МИСОЛ. Бишкек шаҳрини мамлакат енгил саноатининг асо-сий маркази дейиш мумкин. Унда камвол-могут комбинати, кенаф йигирив-тикув фабрикаси, ип-газлама комбинати, йигирив ва тўқув фабрикаси, кун заводи, пойабзал, трикотаж фабрикала-ри жойлашган бўлиб, бу корхоналарда мазкур саноатининг ак-сарият маҳсулоти ишлаб чиқарилади.

5. Қишлоқ хўжалик жуғроғияси: Ривожланнишининг табиий омиллари, муҳим тармоқлари. Мамлакат қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун табиий-ресурс мухим омил бўлиб май-донга чиқади. Шунинг учун ҳам турли-туман табиат манба-ларига, ўзгача орографик хусусиятга, ўзгача ер фондига, туп-

роқ - иқлим шароити ва сув ресурсларига эга бўлган бу мамлакатда ва унинг турли хил жустрофий миңтақаларида қишлоқ хўжалиги ўзига хос соҳаларга ихтисослашгандир. Тоғли мамлакатда ер устининг ўнқир-чўнқирлар, сой ва даралар, қир ва адирлардан тузилганлиги, яйловзорлар иқлимий шароитининг ҳар хиллиги, дехқончилик қилинадиган ерларнинг чегараланганилиги малакат қишлоқ хўжалигини бир меъёрда ривожлантириш имкониятини беризайди. Аксинча уни ривожләнтириш бобида бир неча муаммо бор.

1-МУАММО. Дехқончилик қилинадиган ер фондининг чегараланганилиги. Бундай ҳолат жаҳондаги барча тоғли мамлакатларга хос жараёндир. Бу нарсани МОД мисолида ҳам кўриш мумкин. Жумладан тоғли мамлакатлар Қирғизистон ва Тожикистоннинг шу жиҳатдан имкониятлари ва муаммолари бир-бирига ўхшашдир.

1-МИСОЛ. Қирғизистон ва Тожикистон мамлакатларининг умумий ер фонди 19,8:14,3 миллион гектарни ташкил қиласди. МОДнинг бу мамлакатлари қишлоқ хўжалигига фойдаланилаётган ерлар 10,1:4,2 миллион гектарга тенг. Шундан шудгор қилинадиган ерлар 1,4:0,9 млн.га, яъни икки қўшни мамлакатда умумий ер фондининг атиги 7,1:6,3 фоизига шудгор қилиб дехқончилик қилинади.

2-МИСОЛ. МОДнинг юқорида тилга олинган ҳар икки мамлакатида шудгор қилинадиган майдоннинг аҳоли жон бошига нисбати жуда паст. Жумладан бу кўрсаткич Қирғизистонда 0,3 гектарни, Тожикистонда эса 0,17 гектарни ташкил қиласди, холос. Айни пайтда Марказий Осиёнинг бу давлатларидағи аҳоли табиий ўсишдаги юқори кўрсаткич инобатга олинса регионлар олдида турган мазкур муаммонинг яна ҳам долзарблиги аён бўлади.

Шунинг учун ҳам Қирғизистон агросаноат мажмуини ривожлантириш ҳар бир гектар ердан унумли ва тежкамли фойдаланишнинг тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқариш тақозо қиласди. Ўз навбатида мамлакат ҳудудининг мураккаб орографик хусусиятлари ўзгача агрономик тадбирларини ишлаб чиқиши талаб қиласди. Жумладан дехқончилик доирасини кенгайтириш маҳсадида тог ёнбағрларини ўзлаштириш бир томондан тог табиатига салбий таъсир кўрсатмасдан терраслаш ишларини олиб боришни, иккинчи томондан эса сув қувурлари ўтказишни кун тартибига қўяди.

2-МУАММО - мамлакат агроиқлим ресурсларидан маңсадаға мұвоғиқ фойдаланиш. Қирғизистоннинг иқлимий ресурслари унинг турли жүгрофий районларыда кескин фарқ қиласады.

Бу фарқ Шимолий ва Жанубий Қирғизистоннинг ўртасида күчлидір. Шимолий Қирғизистон үз жүгрофии ўрнига күра нисбатан юмшоқ иқлимли регион. У шимолдан ва шимолий-шарқдан әсадиган союз өзінде көптеген айналымдар көрсеткіштіктерінде орташа жағдайдағы жүгрофияның өзінен айырмашылығын сипаттайтын мөндердің біріншінде орналасады. Жанубий Қирғизистон эса Фарғона водийсі деб ном олған. турли жүгрофий томонлардан тоғлар билан уралған исек иқлимли үзіншіліктердің орталығындағы орташа жүгрофияның өзінен айырмашылығын сипаттайтын мөндердің біріншінде орналасады.

Мустақил Қирғизистон үз агросаноат мажмунин яқын келажакка режалаштирашынан, мазкур мұаммоларни ижобий ҳал қилиши шубхасиздір. Айниқса мамлакаттагы турли жүгрофий районларидагы агроиқлим хусусияттарынан инобаттаға олиш мамлакат деңгөнчилигі учун бириңчы даражали ишдір.

Қирғизистон иқтисодиетіда күп тармокли қишлоқ хұжалигидан үлүші катта. Мамлакат қишлоқ хұжалигидан чорвачи-лик етакчи роль үйнайды. Бунинг асосий сабаби қишлоқ хұжалигига яроқли ерларнинг 85 фоизини яйловзорлар ташкил қилишидір. Қишлоқ хұжалигидан етиштириладын ялпи маңсулоттагы 60 фоизи чорвачиликандар. Құйчилик, қорамолчилик, йылқычилик, чұқақчилик ва паррандачилик мамлакат чорвачи-литининг етакчи тармоклариданылған.

Мисол. Құйчилик чорвачиликта мухим тармоқ. Кеңг яйловзорларга ва юмшоқ табиаттаға мослашған майин ва ярим майин толали жун берадын құйчилик мамлакаттагы шимолий ва марказий районларында яхши ривожлантирилған. Бу районларда қар 100 гектар қишлоқ хұжалигига яроқли майденге 140 бош құй түғри келады. Үз навбатта унинг бошқа районларыда бұу күрсаткыч 40-80 бошга тенг. Мамлакатда ишлаб чыкарыладын сифатлы жун толаларидан йилига 30 миллион дона әркак в аёллар учун костюм тикиш мүмкін.

Қирғизистон қишлоқ хұжалик ишлаб чыкарышида ақамияти жиһатидан 2-үринде деңгөнчилик ва бөгдорчилик турады. 1996 үйінде мамлакатта жамы ақин майдони 1,4 миллион гектарни ташкил қиласады. Шунинг 49,6 фоизига дон-дуккакли әқинлар, 11,9 фоизига техника әқинлари, 3,4 фоизига картошқа ва сабзавот, 35,1 фоизига эса хашаки әқинлар әкілді. Мамлакатда ғұғдой, маккаждықори, шоли, пахта, күкнори, тамаки, қанд лавлаги, картошқа, сабзавот күп әкілады. Шунингдек, Қирғизистон мева ва узумни күп етиштирады. Техника әқинларидан

14-жадвал.
ҚИРГИЗИСТОН ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИ*.

И И Л Л А Р

	1990	1991	1992	1993	1994	1995
--	------	------	------	------	------	------

A. Қишлоқ хүжалик маҳсулот етиштириш, минг т.

қ/х ялпи маҳс.	20	43 363	2,991	6,933	9,571
шундан а/. ўсим-					
лик. маҳс.	8	17 206	1,186	3,651	4,764
дон	3	3 64	—	889	1,267
картошка	1	5 19	—	523	1042
сабзавот	1	3 11	—	497	677
мева	0	1 3	—	44	228
узум	0	0 1	—	37	45
пахта	0	1 14	—	214	387
б/. чорвачилик					
маҳс.	12	12 157	1,806	3,882	4,807

Б. Қишлоқ хүжалиги маҳсулотлари етиштириш (ўсимликишунослиқ), (млн. миллий валюта)

тоза дон	865	795 880	843 582	582
пахта	315	235 235	200 215	—
картошка	350	370 345	295 296	—
сабзавот	775	635 570	346 351	—
мева	405	330 325	125 200	—
узум	100	70 75	21 41	—

В. Ҳосилдорлик гектаридан кг.

дон	2,800	2,470 2,630	2,420 1,700	1,810
кузги буғдой	2,540	2,270 2,680	2,600 1,950	2,090
баҳори буғд.	1,710	2,010 1,890	1,940 1,360	1,460
жавдар	2,100	1,550 1,760	2,240 1,830	1,970
шоли	1,790	1,550 1,870	1,110 1,420	1,750
пахта	2,730	2,450 2,440	1,420 2,020	2,240
қанд лавлаги	16,850	15,670 11,330	18,820 11,620	12,310
картошка	13,600	13,600 12,380	10,760 8,970	9,900
сабзавот	19,600	17,970 15,340	13,970 11,520	10,300
мева	4,120	2,690 3,540	1,420 2,010	2,110
узум	6,320	4,530 5,060	1,590 2,560	2,960
макка/масс				
учун/	30,130	27,260 22,870	20,170 12,800	12,140

*Статистический сборник, 1996 год. Государства бывшего Советского Союза, 21. Осемирный банк. Вашингтон, Округ

15-жадвал

Қирғизистон чорвачилиги ва маҳсулот етиштириши

	И И Л Л А Р						ўсиш: 1995 й. 1990 й. фоиз
	1990	1991	1992	1993	1994	1995	

A. Чорва моллари: туёқ сони, минг бош

Йирик шохли							
моллар	1,205	1,190	1,112	1,062	920	869	138,7
шы жумладан: со-							
гин сигирлар	506	519	515	511	481	471	107,4
Чүчқа	393	358	247	169	118	114	29,0
Күй ва эчки	9,545	9,107	8,362	6,972	4,783	3,899	40,8
жумладан эч.	428	418	380	350	293	376	87,8
Йилқи	313	321	313	322	299	308	98,4
бошқа ч. мол	13,915	10,571	10,42	6,816	2,208	2,032	14,6

B. Чорва маҳсулотлари етиштириши, минг тонна.

Гүшт	254	229	228	214	197	176	69,3
Мол гүшти	91	88	88	88	82	74	81,3
Чүчқа гүшти	41	33	36	25	18	15	36,6
Күй гүшти	77	71	70	82	76	70	90,9
парранда гүшти	33	29	22	9	7	5	15,15
бошқа гүшт м.	12	9	12	10	14	12	100
сүт(минг т.)	1,185	1,131	961	946	872	864	72,9
тухум(млн.д.)	714	650	591	389	202	149	20,9
жун(минг т.)	99	37	34	31	21	15	38,5

х/ Статистический сборник, 1996 год. Государства бывшего Советского Союза, 21. Всемирный банк. Вашингтон, Округ Колумбия. с. 257.

күкнори етишириш Марказий Осиё учун ягона дәхқончилик тармогидир.

Мисол. Доривор күкнори асосан Қирғизистоннинг Иссиккүл чўкмасида кул буйида маҳсус ихтисослашган хўжаликларга экилади. Бу экин қўёшли кунларни, мўтадил иқлимий шароитни, шамолнинг тез-тез алмашиниб туришини ёқтиради. Бундай табиий шароит эса Иссиккул буйларида, Тянь-Шан тогларининг ички қисмидаги водийларда муҳайё. Доривор ўсимлик кўкнори новча (1,2-1,8 м) бўлади. Кўкнори етишириш ишлари асосан қўлда бажарилади. Унинг ҳосили-қорадори химия-фармацевтика саноатида ишлатилади.

Қирғизистоннинг саноатида бўлганидек, унинг қишлоқ хўжалиги хам қайта қуришинг катта қийинчилкларига дуч келди. Қишлоқ хўжалиги тармоқ тузилишидаги ўзгаришлар, уни техника ёситаларзи, моддий ресурс билан, ҳамда малакали кадрлар билан таъминлашдаги қийинчилклар ялини маҳсулот етишириш ҳажмига салбий таъсир кўрсатди. Мамлакат агросаноат мажмууда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини хорижий технология асосида қайта ишлашни йўлга қўйиш млн.млн., миллӣ валютани сарфлашни тақсозо этмоқда. Шунинг учун мамлакат АСМда мамлакат қишлоқ хўжалигининг кўрки бўлган чорвачиликда иқтисодий кўрсаткичлар аҳоли эҳтиёжий даражасида анча паст. Мамлакат қишлоқ хўжалигидаги орқага чекинишлар айниқса 1990—1995 йилларда яққол кўзга ташланди (14 ва 15 жадваллар).

6. ТРАНСПОРТ ЖУҒРОФИЯСИ: МУҲИМ МАГИСТРАЛЛАРИ. Тоғли мамлакат Қирғизистон транспортида (айниқса унинг ички алоқасида) автомобиль транспортининг аҳамияти бирламчи. Мамлакатнинг ичкарисида ташиладиган юкнинг 88 фоизи автомобиль транспортида ташилади. Автомагистралларнинг умумий узунлиги 39,2 минг км. Бу кўрсаткич Туркманистоннидан-20,1 минг км. кўп. Ёки бу кўрсаткич ҳар бир минг км. км.га тақсим қилинганда МДҲга атзо бўлган давлатлар ўртacha кўрсаткичидан 22 км.га кўп. Мамлакат ҳудудидан (унинг ички маъмурий районларини бирлаштирувчи) кўпдан-кўп автомагистраллар ўтказилган. Йирик автомагистраллари: Еишкек-Рибачье-Норин-Торугарт-Бишкек-Ош; Ош-Гулча-Саритою, - Жорғ, Бишкек-Рибачье-Қоракал, Бишкек-Тошкент, Бишкек-Олмато, Мазкур автомагистраллар Қирғизистон давлати ички юқ ва пассажир ташилпида муҳим аҳамият-

га әга бўлиб қолмасдан, балки унинг Марказий Осиё давлатлари ва Хитой билан иқтисодий ҳамда маданий алоқасида катта урин тутади.

1-МИСОЛ. Бишкек-Ош магистрални. Буюк Қирғиз тракти дебном олган мазкур автомобиль йўлнинг қурилиши мэмлакатнинг икки (Шимолий ва Жанубий) қутбини бирлаштирувчи муҳим йўл булди. Унгача автомобильда бутун Фаргона водийси ҳамда Тошкент воҳаси орқали Ошдан Бишкекгача 1200 км йўл босиларди. Бу масофа мазкур магистрал қурилиши билан икки марта қисқарди ва мамлакатнинг ички юқ ва пассажир ташишида бурилиш ясади.

2-МИСОЛ Ош-Хорог йўли. Мазкур магистралнинг қурилиши Тожикистоннинг тоғли районлари билан қирғизлрнинг азалазалдан мавжуд бўлган алоқаларини кучайтиради. Бишкек Торугарт йўлнинг қурилиши Хитойнинг Қошибор шаҳрига чиқиши имкониятини яратди.

Қирғизистон тоғли мамлакат бўлишига қарамасдан унинг транспортида темир йўлнинг ҳам аҳамияти катта. Мамлакат ҳудудида қурилган темир йўлларнинг умумий узунлиги 376 км. Бу кўрсаткич бўйича Қирғизистон МОДда охирги ўринда туради. Темир йўл транспортининг ҳам ички ҳам ташқи алоқада аҳамияти бор. Мамлакат темир йўл транспорти Бишкек-Рибачье (мамлакат ичкарисида) Ош-Андижон, Тошкент-Чимкент-Жамбул-Бишкек (ўзга мамлакатлар орқали унинг шимолий ва жанубий районлари) орқали ўтган. —Мамлакатда сув, қувур ва ҳаво транспортлари ҳам яхши ривожланган.

Қирғизистон ривожланган транспорт тармоқлари орқали хорижий давлатлар ва биринчи навбатда Марказий, Осиё давлатлари билан ҳар томонлама алоқалар қиласди. Бу алоқа айниқса Ўзбекистон, Қозогистон ва Тожикистон билан мустаҳкамдир. Ушбу давлатлар билан мавжуд бўлган темир йўл ва автомобиль транспортидаги алоқа яқин келажакда МОДда ягона транспорт системасининг барпо бўлишига асос яратади.

Мамлакат транспорт воситалари орқали ўзидан нефть, кўмир, рангли ва кодир металлар, машина ва асбоб ускуналар, жун толаси, ҳар хил газлама, пойабзал, озиқ-овқат ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини чиқаради. Ўз навбатида у хориждан кўмир, нефть маҳсулотлари, машина, қора металл, минерал ўғит, дон ва бошига маҳсулотлар олади.

7. ИЧКИ РАЙОНЛАРИ. У Шимолий ва Жануби-Ғарбий Қирғизистон иқтисодий районларига бўлинади.

ШИМОЛИЙ ҚИРГИЗИСТОНнинг ҳудуди 126,5 минг кв.км, аҳолиси 2350 минг киши. У Чу, Талас водийларини, Иссиқ-кўл чукмасини ва шартли равишда Марказий ҳамда Ички Тянь-Шанни ўз ичига олади. Районнинг ҳалқ хўжалиги яхши ривожланган. Район иқтисодиётида машинасозлик, металлни қайта ишлаш, тўқимачилик, озиқ-овқат саноатлари етакчилик қилади. Бишкек шаҳри шу районда жойлашган мамлакатнинг йирик саноат марказидир. Унда автомобилсозлик, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, электротехника саноати, енгил ва озиқ-овқат сансат тармоқлари жойлашган. У фан ва маданият маркази ҳам Шимолий Қирғизистонда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарилиши хам яхши ривожланган. Унинг дарё водийлари, чўкли ва пастқам ерларида деҳқончилик (донли әкинлар, тамаки, кўкнори, қанд лавлаги, мевачилик), тоғли зонасида эса яйлов чорвачилиги ривожланган.

ЖАНУБИ-ҒАРБИЙ ҚИРГИЗИСТОН асосан Ош вилояти ҳудудини ўз ичига слади. Унинг ҳудуди 72 минг кв. км, аҳолиси 2150 минг киши. Районда қишлоқ хўжалиги интенсив ривожлангац. Пахта ва пилла, дон ва шоли, мева ва узум, полиз ва сабзавот, сут ва гўшт етиштириш район қишлоқ хўжалигининг ихтисослашган тармоқлариdir. Районнинг нисбатан жанубда жойлашганлиги, тупроқ-иқлим шароитининг қулайлиги деҳқончиликнинг барча соҳаларидан юқори ҳосил олиш ва чорва моллари маҳсулдорлигини ошириш имкониятларини яратган.

МИСОЛ. Пахтани олайлик. Мамлакатда етиштириладиган жами пахта шу районда ишлаб чиқарилади. У йилига 70-75 минг тонна пахта ялпи ҳосили етиштиради. Пахта ҳосилдорлиги гектарига 23,5 центнерга тенг. Бу кўрсатич Марказий Осиёминг йирик пахтакор давлати Ўзбекистонники билан тенгдир.

Район саноатида кўмир (айниқса унинг Тошкўмир, Қизил-Қия ҳавзаларида), газ, нефть, симоб, сурма қазиб олиш ва қайта ишлаш, шунингдек енгил ва озиқ-овқат саноати етакчилик қилади.

8. АТРОФ МУҲИТИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВА ЭКОЛОГИК МУАММОЛАРИ.

Бу муаммо Марказий Осиёдаги баъча ҳалқлаъ ва лавлатлар учун бир хил аҳамиятли ва бир хил долзарб мавзудир. Қирғизистонда табиат манбаларига муносабатни олайлик. Унинг қайси қисмida кон-қазиб олиш ва қайта ишлаш саноати мав-

жуд бўлса, уша ерда ўйдим-чуқурлар, ташландиқ тог жинслининг уюмлари, кўпдан-кўп машина йўллари, пайхон қилингани ландшафт кўзга ташланади. Ёки Иссиккўлни слайлек. У аерлар мобайнида мамлакат табиатининг кўрки, мўжизаси «женева»си эди. Энди?! Унинг атроф-теварак табиатидан дам олиш, маданий ҳордиқ чиқариш мақсадида палапартишлик билан ўнларча дам олиш зоналари, шифохоналар қурилди. Натижада мовий кўл сувидан, унинг атроф-муҳитидан фойдаланиш салбий оқибатларга олиб келди. Вазият шударажага бордики, эски империянинг ҳарбий бошлиқлари маҳаллий раҳбариятнинг фикри билан ҳисоблашмасдан кўл бўйида ҳарбий полигон қурдилар. Натижада кўл сувининг ифлосланиши, атроф - муҳит ландшафтининг сёғ ости қилиниши кескинлаши.

Эндиликда мамлакатда табиатга муносабат ўзгармоқда. Мустақил Қирғизистон давлати табиат муҳофазасига, экологик муҳитни яхшилашта қаратилган ҳужжатлар қабул қилди. Мамлакат парламенти (1992-1996 йиллар)да табиат муҳофазасига оид маҳсус қарорлар қабул қилди. Жумладан, Қирғизистон табиатининг ҳар бир компоненти (ва биринчى наебатда Иссиккўл, табиати)ни муҳофаза қилишининг узоққа мўлжалланган дастури ишлаб чиқилган.

Бу дастурда Қирғизистон табиатини асл ҳолига келтириш, унинг ноёб ўсимлик ва ҳайвонот оламини сақлаб қолиш, тог табиатини оёқ ости қилишга йўл қўймаслик ва Иссуқкўл регионани табиатини муҳофаза қилиш билан боғланган комплекс тадбирлар ишлаб чиқилган.

Амалий иш: 1. Қирғизистоннинг ички районларини контур ҳаритага тушириш ҳамда улар хўжалигида фарқлар тавсифини ёзиш:

2. Ўзбекистон-Қирғизистон-Хитой автомагистралининг қурилишини ва Қирғизистон халк хўжалиги учун аҳамиятини баён қилиш.

ТАЛАБАНИНГ БИЛИМ ВА МАЛАКА МЕЗОНИ:

ТАЛАБА:

- муҳим фойдали қазилмаларнинг жуғрофий тарқалишини, мустакиллик йилларида улардан фойдаланиш кўламининг кўлайиши холатини;

- Қирғизистоннинг тогли ҳудудидан бошланадиган йирик дарёларни. уларнинг тўйиниши манбаларини, гидроэнергетика имкониятларини;

- Ўзбекистон-Қозогистон-Қирғизистон-Тожикистон давлатларо таркиб топган «ЯГОНА ИҚТИСОДИЙ МАКОН»нинг мөхиятини ва унинг кўп қиррали иқтисодий, савдо-сотиқ, техникивий алоқалари аҳамиятини:

- Иссиқкўл кулини, унинг пайдо бўлиши ҳақидаги тарихий маълумотларини, Иссиқкўлнинг курортологик аҳамиятини;
- регион ҳалқ ҳўжалигини, унинг етакчи соҳаларини;
- регион агросаноат мажмuinи. Қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган саноат тармоқларини;
- регион яйлов чорвачилигини, унинг «анъанавий» соҳа эканлигини;
- регионада юз берган кескин экологик вазиятни, бу борада ечимини қутаётган масалаларни;
- Иссиқкўл рэгионида юз берган экологик инқирозни, унинг олдини олиш соҳасида қилинаётган ишлар кўламини;
- Қирғизистоннинг ташқи иқтисодий алоқаларини; унинг Марказий Осиёда туттан ўрнини;
- Қирғизистон-Ўзбекистон муносабатларини, орада таркиб топган ва ривожланиб бораётган иқтисодий алоқалар кўламини билиши лозим.

**8-боб,
ҚОЗОГИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**

Худуди 2717,3 минг кв.км.
Аҳолисп 16900 минг киши
Пойтахти - Остана шаҳри.

**1. ҲУДУДИ, ЧЕГАРАЛАРИ, ЖУГРОФИЙ ЎРНИ.
ДАВЛАТ ТУЗУМИ.**

Қозогистон ҳудудининг катталигига кўра Сайёрамиздаги йирик давлатлардан биридир. Шу жиҳатдан у Марказий Осиёда биринчи, МДҲда иккинчи ўринда туради. Қозогистонниң ер майдони Тоҷикистон давлатиникидан 19 марта, Озарбайжонникидан 31 марта, Ўзбекистонникидан эса 6,07 марта катта. Қозогистон ҳудудига Афғонистондай давлатдан 4 тасини, Ироқдан 6 тасини, Камбоджадан 15 тасини ва Ливандай мамлакатдан эса 261 тасини жойлаштириш мумкин.

Қозогистон Республикасининг чегараси гарбда Волга дарёсининг Каспий денгизига қўйилиш жойидан, шарқда эса Олтой тоғларигача 2995 км., га, шимолда Ғарбий Сибирь текисликларидан, жанубда эса Тян-Шан тоғларигача 1600 км. масофага чўзилган. Қозогистон ҳудудининг жуғрофий томонлар бўйлаб бундай чўзилганлиги унинг табнати хилма-хиллигини ва табиий бойликларининг кўп хиллигини ва бинобарин шу асода иқтисодиётдаги кўп хил йўналишини белгилаб берган.

Қозогистонниң жуғрофий ўрни унинг ички тараққиётида ривожланишнинг муҳим жуғрофий омили бўлиб юзага чиқади. Унинг шимолий, шимоли-ғарбий, шимоли-шарқий томонидан бепоён Россия давлати билан чегараланганлиги Қозогистон-Россия давлатларининг куп қиррали алсқаларида муҳим ўрин тутади. Қозогистоннинг ғоят катта чегараси Марказий Осиё давлатлари орқали ўтади. Қозогистоннинг бошқа Марказий Осиё давлатлари (МОД) билан яқинлиги, яхлитлиги, ҳудуди бирлиги, халқларининг қондош, жондош эканлиги, янги ҳаёт қуришда қўлни-қўлга бериб ҳаракат қилишни, ҳар жиҳатдан алоқаларини ривожлантиришни такозо қиласди. Унинг жануби-шарқдаги Хитой билан ўтган чегараси эса Осиёнинг буюк икки давлати учун бир хил маънодаги ахамиятлидир.

Қозогистон ўз жуғрофий ўрнига ва ўз чегараларига кўра

16-жадвал
Қозғыстон ақолиси ва унинг бандлик даражаси (минг кипи)*

	И И Л Л А Р					Гусиши: 1995 й 1990 й ниш. %	
	1990	1991	1992	1993	1994		
Жами ақоли	16,618	16,761	16,892	16,913	16,870	16,607	99,9
шундан эркак-							
лар	8,057	8,116	8,204	8,218	8,199	8,068	100,13
аёллар	8,561	8,605	8,688	8,695	8,671	8,539	99,7
ш. ақолиси	9,523	9,606	9,713	9,655	9,491	9,270	96,9
қишлоқ ақо-							
лиси	7,095	7,115	7,179	7,258	7,379	7,337	103,4
ұсминалар	5,573	5,559	5,574	5,533	5,467	5,334	95,7
мек. ёшыда.	9,157	9,226	9,335	9,356	9,359	9,231	100,6
кеексалар	1,870	1,936	1,983	2,024	2,044	2,042	109,2
жами мек. рес.	9,262	9,331	9,368	9,380	9,240	9,153	98,8
ақолининг бандлик							
даражаси	7,563	7,494	7,356	6,926	6,579	6,548	86,6
кооперативлар-							
да	241	185	98	43	344	169	66,0
ИТД	12						
шахс. хуж.кор	275	16	24	12	541	1,069	890
фермер хұжал.	1 310		337	349	—
үқуучилар	759	5	39	49	69	102	1020
моддий и/ч	5,405	763	734	701	671	625	82,3
қишлоқ ва үрмон	5,307		5,187	4,752	4,673	4,682	86,6
хұжалиги	1,726	1,754	1,794	1,759	1,417	1,442	83,5
сан. ва қур.	2,447	2,304	2,230	1,925	1,683	1,453	59,3
шундан сано-							
атда	1,539	1,533	1,490	1,305	1,201	1,098	70,7
бошка тармоқ-							
ларда	908	771	740	620	482	364	40,1
номоддий и/ч	2,158	2,187	2,169	2,174	1,909	1,864	86,4

*/ Статистический сборник, 1996 год. Государства бывшего Советского Союза, 21. Всемирный банк. Вашингтон, Округ Колумбия, С. 190.

темир йўл, автомагистраллардан ташқари бевосита деңгизга, катта сув (даре) йулига чиқиши имкониятига эга. У ушбу имкониятлари орқали дуненинг кўлгина давлатлари билан алоқа қиласди. Республика жуғрофий ўрнидаги яна қулайлик мамлакат ҳудудининг транзитлик аҳамиятидир. У Туркманистон, Узбекистон, Тожикистон, Қирғизистон мустақил давлатларининг Россия билан иқтисодий алоқаси учун шундай аҳамиятлидир.

Қозогистон Республикаси тинчликеварлик сиёсатини олиб бораётган демократик мустақил давлат. У 1991 йилнинг августида ўз мустақиллигига эришди. Мамлакат ҳудуди маъмурий жиҳатдан 17 вилоятга ва иқтисодий жиҳатдан 5 та районга бўлинади. Қозогистоннинг ўз Конституцияси, қонун чиқарувчи, Парламенти, ижро этувчи Вазирлар маҳкамаси бор. Уни Президент бошқаради. Президентни Конституцияга мувофиқ беш йил муҳлатга умумхалқ сайлайди. Қозогистоннинг ҳозирги Президенти Нурсултон Назарбоев 1991 йилда умумхалқ томонидан сайланган.

2. АҲОЛИСИ: СОНИ, ТАКРОР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ, АҲОЛИ МИГРАЦИЯСИ, МИЛЛИЙ ТАРКИБИ, ЖОЙЛАШИШИ. Қозогистонда аҳолининг шаклланиши, куп миллатлилиги, ҳудудий жойлашиши ўзига хос хусусиятларга эга. Бу нарса мамлакат ҳудудининг ўзлаштирилиши ва мавжуд табиат ресурсларининг ишга туширилиш босқичлари билан боғлиқ кечган объектив жараёндир.

У аҳолининг сони буйича МДҲга аъзо бўлган давлатлар ўртасида тўртинчи Марказий Осиёда эса иккинчи ўринда туради. Еироқ Қозогистон аҳолининг зичлиги жиҳатидан МОДда энг охирги ўринда туради. Аҳоли зичлиги Қозогистонда ҳар бир км.км.га 6 киши тўғри келади. Бу кўрсаткич Туркманистонда 8,2 кишини, Қирғизистонда -21,5, Тожикистонда -33, Узбекистонда -50,5, Озарбайжонда эса 81 кишини ташкил киласди.

Қозогистонда аҳолининг табиий ўсиши Марказий Осиёнинг бошқа давлатларига нисбатан анча паст. Масалан, 1989 йилда аҳолининг табиий ўсиши 1979 йилга нисбатан Қирғизистонда -122, Туркманистонда -128, Узбекистонда -129, Тожикистонда -134 фоизни ташкил қиласми ҳолда, бу кўрсаткич Қозогистонда атиги 113 фоизга тенг бўлди. Аҳоли табиий ўсиши мустақилликнинг дастлабки (1990-1995) йилларида салбий кўрсаткичга эга бўлди. У 1990 йилда 16618 минг кишини

ашкил қылган бұлса, 1995 йилда 16607 минг күшінде тушиб қолди. (16-жадвал). Бу хил ҳолатнинг асосий сабаби, ақоли миллий таркибининг ниҳоят даражада күп хиллиги ва үз навбатида маҳаллий ақоли сонининг нисбатан камлигидандыр. Натижада мамлакатда ақолиниң тақрор ишлаб чиқариш МОД-нинг бошқа давлатларига нисбатан секинлик билан көчмөкдә.

Қозғистон ақоли миграциясининг уясидир. Лоақал у яқин үтмишда шундай бүлиб келди. Бир томондан «Қозоқ магниткаси» номини олган Марказий Қозғистондаги кон қазиб олиш саноати, рангдор ва қора металлургия, ёқылғи-энергетика саноати комплексларининг барпо қилиниши, иккінчи томондан

Қозғистоннинг шаҳарларында хос хусусият: уларнинг нисбатан ёшлиги, кичиклиги, аксарияттегі асеримизде барпо қилингандырылады. Уларга хос жиҳатдар: биноларининг 3-4 қаватлы экандылығы, темир-бетон блокларидан күтарилғанлығы, нақшга камбағаллығы, планировкаларининг бир-бирига үхшашлиғы, марказий күчаларында саноат корхоналары билан ёнма-ён магазин, машиның хизметтің күрсатыш биноларининг күп жойлашғанлығы.

Йирик шаҳарлари эса күп қаватлы биноларнинг күплигі, шаҳар биноларининг ички ва ташқи қысемиге мармар тошлардан сайқал берилгандылығы билан ажралиб турады. Йирик шаҳарларнинг марказий күчаларыда хиёбандар күп, дов-даражаттар ҳам. Шаҳар марказида бошқарув ташкилотлари, маданий мұассасалар, илмий-тәдқиқстар илмгохлары, ҳукуматтудың үйлары жойлашған бүләді. Қозғистоннинг пойтахты ва вилюят марказлари шундай шаҳарлардир.

Эса шимолий Қозғистонда «күрик ўлқа» номини олган 24 млн. гектар қуруқ ва бұз ерларнинг ўзлаштирилиши, 50, 60, 70-йилларда Россиянинг Марказий районларидан, Украина ва Белорусдан Қозғистонға ёшларнинг дарёсимон оқиб келишига сабабчи бўлди. «Қозоқ магнитка» сини яратишида ва «қүрик ўлқа»ни ўзлаштириш учун келган ёшлар аста-секин Қозғистоннинг ўтроқ ақолисига айланды. Шу алпозда ақоли миграцияси мамлакат ақолиси таркибига ҳаётий үзгаришларни олиб кирди.

Қозғистон күп миллатли давлат. Бу ерда юздан ортиқ миллат ва этнос вакиллари яшайды. Умумий ақолининг 43 фон-

зини қозоқлар, 37,7 фоизини руслар, 8,2 фоизини украин ва белоруслар; 5 фоизини немислар ташкил қиласиди. Мамлакатда ўзбек, татар, уйғур, корейс ва бошқа миллат вакиллари ҳам яшайди.

Қозогистоннинг туб аҳолиси қозоқлар. «Қозоқ» сўзининг ке-либ чиқиши ханузгача ўзининг илмий талқинини топган эмас. «Қозоқ» сузи турк тилида «эркин»дан олинган деб таҳмин қилинади. У этник келиб чиқишига кўра XV асрдаёқ ишлатилган. Қозоқлар жанубий Сибирдаги монголоидлар типига кирадиган турк тилида сўзлашувчи қабиладан келиб чиққан. Қозоқларнинг тана тузилиши: кора сочли, қора ва озгина қисиқ кузи, пащмоқ бурни, кенг ялпок, юзи, баланд бўлмаган ва иштабақай бўйи уларнинг монголонд қабиласига оидлигини тасдиқлади. Қозоқлар ташки кўринишидан, турмуш тарзи ва маданияти, жиҳатидан қирғизларга жуда яқин. Шунингдек, турк тилида гаплашадиган ўзбек, татар, туркман, турк, озарбайжон миллатлари ҳам қозоқ тилини яхши тушунади.

Мамлакат аҳолиси ҳудудий ва миллий жиҳатдан нотекис жойлашган. Қозоқлар мамлакатнинг ҳамма қисмида яшайди. Улар айниқса жанубий ва гарбий Қозогистонда кўп тарқалган. Маҳаллий ҳалқ қишлоқ ишлаб чиқариши (ва биринчи навбатда чорвачилик) билан шугулланади. Шимолий Қозогистонда эса аҳолининг атиги 20 фоизини қозоқлар ташкил қиласиди. Руслар шаҳарларда яшайди. Шунингдек, рус ва украинлар шимолий ва шарқий Қозогистонда зич жойлашган.

Қозогистоннинг мустақиллигига эришиши билан аҳолининг жуғрофий тарқалишидаги зикр килинган тафовутлар барҳам тонмоқда. Маҳаллий миллат вакиллари мамлакатнинг ҳамма қисмида ҳал қилувчи кучга айланиб бормоқда ва уларнинг табиий ўсиш сони жиҳатдан улуши ошмоқда. Ишлаб чиқаришнинг барча жабҳаларида қозоқ мутахассисининг ҳиссаси ортиб боряпти. Уз навбатида қозоқ тили давлат тили деб тан олинди. Қозогистонда янгидан бунёд қилинаётган хўжалик обьектларида ишлаш учун ташқаридан мутахассис жалб қилиш янгича тус, янгича мазмун олди. Қозогистон ўз мустақиллигини кўлга киритгач, хорижий мамлакатлар мутахассислари билан йирик саноат обьектларини қуриш, кон-қидирив ишларини олиб бериш ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик қилиш йўлига ўтди. Шу кечакундузда Қозогистон ҳудудида қўлниш қўлга бериб ишлаётган америкаликлар, араблар, японлар, хи-

тойликлар еа бошқа бу юрт учун янги бўлган миллат вакилларини курасиз. Эндиликда улар Қозогистон Республикасида янги жамият қуришга салмоқли ҳисса қўшмоқдалар.

Қозогистонда шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг иисбати шаҳар фойдасига узгариб бормоқда. Мамлакатда шаҳарлар сони ҳам тез ўсмоқда. 1969 йилда Қозогистонда 75 шаҳар, 168 шаҳар тилидаги аҳоли манзилгоҳлари бўлган бўлса, 1989 йилга кешиб уларнинг сони 84:209 га етди.

Мисол. Олмата Қозогистоннинг йирик ва энг гўзал шаҳри. Унда 1 миллион 300 минг киши яшайди (1998 йил). Шаҳар мамлакатнинг чекка қисми - чўққиси 4973 метр баландликка өга бўлган Қунгай Алатауининг шимолий ён бағрида жойлашган. Шаҳарнинг ҳудуди ампитеатр кўрининчли, юмшоқ табиатли, ўсимликлар оламига бурканган, хушманзара. Олмата тарихий шаҳар. У 1921 йилгача Вэрний (Ишонч) деб юритилган. Академик В. В. Бартольднинг таъкидлашича шаҳар қадимда караван йўлида қад кўтарган. Биринчи қозқ олимни жуғрофияон Чокан Валихонов «Олма-Ота катта йўл (караван йўли демоқчи - А. Р.) бўйида ўзининг савдоси ва манзилгоҳ тарзидаги хизмати билан маълум эди» деб ёзади. Бугунги Олмата ўз планировкаси, биноларининг нағши, архитектураси, кўчаларининг равонлити, сердарахтлиги, бекат ва шоҳбекатларининг мафтункорлиги, хиёбонларининг кўплиги билан ажralиб туради. Олмата шахрига келиб, унинг кучва шоҳкўчаларини кезиб ўрмонзорга кирдим, гулзорга кирдим дейсиз. Унинг йўлбўйларига дараҳт: арча, чинор, туя, терак, мажнунтол шу қадар куп экилтанки, сиз турист бўлиб истаган уйни суратга олишда қийналасиз, сизга дараҳтлар йўл бўрмайди.

Бугунги Олмата Қозогистоннинг энг йирик, миллислер, саҳнотлашган, маданият ўчиқларига бурканган, мамлакатнинг маъмурий ва бошқарув муассасалари жойлашган шаҳар. Унда оғир индустряянинг электротехника, металл кесадиган станоклар, металл қуядиган завод ва комбинатлари, енгил саноатнинг ин-газлама комбинати, йигиув, тўқув фабрикалари, гилам тўқиши, мебель тайёрлаш, консерв ва вино тайёрлаш саноат корхоналари ишлаб турибди. Олмата мамлакатнинг энг йирик маданият, илм-маърифат маркази. Унда Республика Фанлар Академиясининг ўнлаб илмий-тадқиқот институтлари, муаммоли лабораториялар, олий ва ўрта маҳсус ўқув юртлари ишлаб турибди.

Қозогистонда қишлоқ аҳолиси нотекис жойлашган. Унинг асосий қисми шимолий, шарқий ва жанубий Қозогистондадир. Марказий ва ғарбий Қозогистонда эса қишлоқ аҳолисининг зичлиги 10 марта кам. Шимолий Қозогистонда аҳоли манзилгоҳлари йирик ва ихчам бўлиб, кўпинча дарё ва кул бўйларида қад кўтарган. Шарқий ва Жанубий Қозогистонда аҳоли манзилгоҳлари воҳаларда дарё водийлари ва тог ёнбагирларида учрайди. Марказий ва Ғарбий Қозогистон чўллари аҳоли манзилгоҳлари асосан кичик-кичик овуллардан иборат. Улар одатда чучук кўл бўйларида қад кўтарган.

3. Ҳўжалигининг умумий таърифи: Қозогистон Марказий Осиёнинг энг йирик давлати. Қозогистон халқ ҳўжалиги кўп тармоқли ва ҳудудий нотекис ривожланган. Унинг саноат ишлаб чиқаришида энергетика, қора ва рангли металлургия, машинасозлик, қурилиш материаллари, енгил ва озиқ-овқат саноати тармоқлари етакчилик қиласиди. (17-жадвал). Қозогистон ҳудудининг табиий ресурс-фойдали қазилмаларга нихоят бойлиги бу ерда тог-кон саноатининг ривожланишини таъминлаган. Ҳудудининг катталиги, унинг турли жуғрофий томонларининг бир-биридан кескин фарқ қилиши мамлакат саноат ишлаб чиқариши ихтисослашувига кучли таъсир курсатган.

Мисол. Шимолий Қозогистонда қишлоқ ҳўжалик машинасозлиги, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари (ун, ёғ, сут, гўшт)ни қайта ишлаб чиқариш, қазиб олиш (кўмир, туз, темир рудаси, олтин) саноати ривожланган. Шарқий Қозогистонда энергетика, металсозлик, кабель ишлаб чиқариш, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш саноати ривожланган ва ҳоказо.

Қозогистон халқ ҳўжалигига қишлоқ ҳўжалигининг аҳамияти катта. Дончилик ва биринчи навбатда товар аҳамиятли буғдой етиштириш, чорвачилик ва биринчи навбатда яйлов чорвачилиги, мевачилик, шоли, қанд лавлаги, сабзавот етиштириш унинг етакчи соҳалари ҳисобланади. Қозогистон ўз «қўриқ ўлка»си ва унда етиштирадиган қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари билан ҳақли равишда фахрланади.

МИСОЛ. Шимолий Қозогистон шартли равища «Кўриқ ўлка» хам деб юритилади. Ундан 1955-1960 йилларда 24 миллион гектар қўриқ ва бўз ерлар ўзлаштирилди. Янгидан дехқончилик учун ўзлаштирилган ерларда юзлаб дон (буғдой) кор давлат ҳўжаликлари ташкил қилинди. Ўта даражада механизациялашган мазкур буғдойкор ҳўжаликларда Қозогистонда

17-жадвал
Козогистон саноат тармоқларида маҳсулот ишлаб чиқарилиши
(млн. миллий валюта билан)*

	И И Л Л А Р					
	1990	1991	1992	1993	1994	1995
Жами саноат	34,738	85,436	1,301,988	22,951	340,993	621,563
огир саноат	22,235	48,301	1,063,511	18,499	286,905	528,890
ёқилғи-эн. сан.	4,521	10,627	375,263	6,902	139,105	245,586
электро- енергетика	1,797	4,141	121,309	3,302	64,535	105,668
ёқилғи сано- ати	2,723	6,486	253,954	3,600	7 4,570	139,918
металлургия	5,728	12,670	360,120	5,491	81,585	165,784
кимё ва нефт- кимё	2,259	5,390	99,447	925	12,763	24,408
машинасозлик ва						
метални қ/ишлаш	5,531	9,918	110,954	2,281	24,821	47,171
урмон-ёгочни қ/и.	964	1,788	15,731	541	3,563	5,760
қурилиш мат. сан.	1,990	4,200	51,842	1,199	5 13,995	24,048
енгил саноат	5,402	15,798	83,673	1,323	12,905	14,809
түқимачилик	3,299	11,008	58,125	838	8,439	10,809
тикувчилик	1,459	3,235	15,486	273	2,685	2,617
пойабзал	635	1,541	7,545	208	1,740	1,342
озиқ-овқат сан.	5,640	19,014	126,041	2,612	33,783	64,338
түшт.ва сут	3,189	13,730	67,255	1,424	17,415	29,175
балиқ	176	384	2,282	68	1,054	1,824

х/Статистический сборник, 1996 год. Государства бывшего Советского Союза, 21. Всемирный банк. Вашингтон, Округ Колумбия, с. 195.

етиштирилаётган товар аҳамиятли бугдойнинг деярли ҳаммаси ишлаб чиқарилмоқда. Қозогистон Осиё давлатлари ичидан етиштириш бўйича биринчи уринда турар экан, бу «Қўриқ ўлка» туфайлидир. «Қўриқ ўлка»да етиштириладиган буғдой миқдори бутун МОД фуқаролари учун етарлидир. Қозогистон ўз ички имкониятларидан келиб чиқиб, саноат ва агросаноат комплекси корхоналарининг кўп турдаги маҳсулотларини хорижий давлатларга экспорт қиласди. У Марказий Осиёда четта дон чиқарадиган ягона давлат. У рангли металлар, хромит рудаси, ферросплав, станок, насос, конденсатор, медикамент, гўшт, консерва, жун толаси, мўйна ва бошқа ўнлаб турдаги ҳалқ хўжалик маҳсулотларини Англия, АҚШ, Франция, Германия, Япония, Швеция, Хитой, Россия, Украина ва МОДнинг бошқа давлатларига чиқаради.

Қозогистон ҳалқ хўжалигининг яна бир муҳим тармоғи транспортдир. У транспорт турлари ва унинг ривожланиши жиҳатидан МОД да ўзига хос хусусиятга эга. Ҳудудининг ғоят катталиги ва нисбтан текислиги мамлакатда темир йўл транспортининг аҳамиятини биринчи ўринга қўяди. Бу ерда темир йўлларнинг умумий узунлиги МОДдаги барча давлатларни кидан ҳам 8110 км.га кўпdir. Темир йўл транспорти мамлакат ички ва ташқи алоқасида ғоят муҳим роль ўйнайди ва унинг иқтисодий тараққиётига кучли таъсир кўрсатиб туради. Мамлакат транспортига хос яна бир муҳим хусусият унинг транзитлик аҳамиятидир.

МИСОЛ. Ўзбекистон, Тожикистон, Туркманистон ва Қирғизистон ёки Хитой, Мұғулистан, Корея, Япония Қозогистон орқали Россия билан, Украина билан ёки Европанинг бошқа давлатлари билан алоқа қиласди ва хоказо.

4. САНОАТ ЖУҒРОФИЯСИ: ТАБИИЙ РЕСИРС ОМИЛЛАРИ, САНОАТИНИНГ МУҲИМ ТАРМОКЛАРИ. Мамлакат саноат ишлаб чиқаришининг ривожланишида табиий ресурс омил бўлиб майдонга чиқади. Жумладан Қарағанда тошкўмир, мис ва бошқа нобб металлик конлари замирида ёқилги-энергетика ва қора ҳамда рангли металлургиянинг вужудга келганилиги фикримизнинг исботидир. Қозогистон саноат ишлаб чиқаришини ривожлантириш учун. Менделеев жадвалинадаги барча минерал ресурсларга эгадир.

МИСОЛ. Қозогистонда табиий ресурс-рангдор металлrudалари: мис, қўргошии, рух, кумуш, молибден, волфрам замидар.

рида қудратли рангли металлургия саноати вужудга келган. Марказий Қозғистонда мис саралаш комбинатларида мис өритиш йўлга қўйилган. Полиметалл рудалари мамлакатнинг шарқий ва жанубий қисмida қазилиб чиқарилади ҳамда қайта ишланади. Шу жиҳатдан кўп энергия талаб қиласидиган металлургиянинг бу тармоғи тўғри жойлаширилган. Негаки, мазкур районларда кўп электроэнергия ишлаб чиқарилади. Павлодар шаҳридаги Кустанай вилоятида боксид хомашёсига таянган алюминий заводи ишлаб турибди.

Қозғистон ҳудудидан 90 дан ортиқ фойдали қазилма тоғилган бўлиб, шундан 60 дан ортиқ химик элемент 6000 кондан қазиб олинмоқда. Фойдали қазилмаларнинг жуғрофий жойлашиши мамлакатнинг ҳар бир регионида ўзгача йўналишдаги саноат ишлаб чиқаришининг таркиб топишини таъминлаган.

Жумладан Ғарбий Қозғистон-Каспий бўйи пасттекислиги ва Манғишлоқ топилган нефть конлари базасида мамлакатнинг нефтокомплекси, Марказий Қозғистон-қозоқ бурмали тоғларида топилган рангли металл рудалари базасида рангли металлургия ривожланган.

Қозғистон ўз мустақиллигини қўлга киритиш билан кон (геологик) қидирув ишларини мамлакат бўйлаб кенг кўламда бошлаб юборди. Бу борада у чет эл мутахассисларини жалб қилмоқда. Жумладан у Урал-Эмба районида энг иирик нефть конларини толиш ва ишга тушириш бўйича АҚШ билан ҳамкорлик қилмоқда. Урал-Эмба нефтенос районида юра ва бурдаврида хосил бўлган кўпгина нефть конлари топилган. Улар 50 метрдан 2417 метргача чуқурликдан казиб олинмоқда. Нефтнинг бир қисми хомашё регионида қайта ишланмоқда, қолгани эса қувурлар орқали мамлакатнинг ичкари районлига, шунингдек, Россияга экспорт қилинмоқда.

Мамлакатнинг саноати кўп тармоқлиди. Мамлакатнинг жуғрофий харитасига қараб унинг барча қисмida ҳам саноат ишлаб чиқариш ривожланган деган хулоғага келиш мумкин. Бироқ унинг ҳар бир регионила саноатнинг фарқли йўналишларини кўрамиз. Қозғистонда ёқилги-энергетика, қора ва рангли металлургия, машинасозлик ва металлни қайта ишлаш, химия, нефти қайта ишлаш, қурилиш материаллари, қўнпойабзal, тўқимачилик, ёғочни қайта ишлаш, озиқ-овкат саноат тармоқлари ривожланган. Саноатнинг зикр қилинган тар-

моқларидан құн турлари тарқоқ ҳолатда таркиб топған.

МИСОЛ. Іңилғи-энергетика саноатини олайлик. Саноат учун ишлатиладиган күмир мамлакатнинг марказий ва шимолий районларида, нефть ва табиий газ гарбий районларида, гидро-ресурслар эса асосан Шарқий ва Жанубий Қозогистон ҳудудидадир. Натижада электроэнергия ишлаб чиқариш мамлакатнинг күпгина регионларида амалға сширилади. Қишлоқ хұжалик маҳсулотларини қайта ишлаш саноати ҳам шу тарзда шаклланған.

Мамлакат оғир индустриясининг етакчи соҳалари-қора ва рангли металлургия, машинасозлик ва металлни қайта ишлаш Қозогистоннинг аниқ жуғрофий районларида тифиз ривожлантирилған.

МИСОЛ. Қора металлургия саноатини олайлик. У Қарағанда ва Қустанай вилоятларида топилған захираси 16 млрд т. бүлгән 30 дан ортиқ темир руда конлари замирида ривожлантирилған. Қозогистон қора металлургиясининг гиганти Соколово-Сарбай төг-кон бойитиши комбинати ва түлиқ циклдаги Қарағанда металлургия заводидир. Соколово-Сарбай комбинати Қустанай темир рудасыга таяниб ишлайди ва ўз маҳсулотини Жанубий Урал ва Қарағанда металлургия заводларига жүнатади.

Темиртау металлургия заводи Атасу рудасыга ишлайди. Мамлакат металлургия саноатининг маҳсулотлари: чүян, пұлат, прокат, темир йўл рельслари, трубалар тайёрлаш учун, машинасозлик саноати учун хизмат килади.

Қозогистон иқтисодиётида енгил саноатнинг ҳам салмоқли улуши бор. У юқори даражада техникалашган қишлоқ хұжалик корхоналарыда етиштириледиган маҳсулотларни қайта ишлашга таянади. Мамлакат енгил ва озиқ-овқат саноат корхоналарыда ун ва ун маҳсулотлари, гүшт ва. гүшт консервалари, қанд, ёғ, ип-газлама, жун-газлама, мовут, мыйна ишлаб чиқариш яхши йўлга қўйилған. Қозогистон енгил саноатнинг мазкур соҳаларини ривожлантириши буйича Марказий Осиёда биринчи, МДХга аъзо бўлган давлатлар ичидаги ўринлардан бирини эгаллайди.

Қозогистоннинг саноати зонал-регионал ривожланған бўлиб, унинг кўлгина соҳалари замирида ҳудудий ишлаб чиқариш комплекслари (ҲИЧК) таркиб топған. Жумладан у мамлакат күмир саноати базасида шаклланған. Павлодар-Экибатуз, химия саноати базасида Қоратов-Жамбул, Ғарбий Қозогистон нефти

базасида Мангишлоқ ҲИЧКлари таркиб топган. Мазкур ҳудудий ишлаб чиқариш комплекслари мамлакатнинг энг йирик саноат корхоналарини, саноат комплексларини ўз ичига олади ва уларнинг аниқ ҳудудда бир меъёрда ривожланишига салмоқли қисса қўшади.

5. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ЖУГРОФИЯСИ: РИВОЖЛАНИШИННИГ ТАБИИЙ РЕСУРС ОМИЛЛАРИ, АСОСИЙ ТАРМОҚЛАРИ, РАЙОНЛАРИ.

Қозогистоннинг табиати ва табиий ресурслари унинг турли регионларида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини юргизиш учун ўзгача хусусиятларга эга. Негаки, биз Қозогистон ҳакида фикр юритганимизда Осиё қитъасининг табиати ва табиий ресурслари бир-биридан кескин фарқ қиласидан жуда катта регион ҳакида фикр юритамиз Унинг айрим қисмларида табиий ресурс деҳқончиликни ривожлантиришда кучли омил бўлиб майдонга чиқса, бошқа қисмларида у яйлов чорвачилигини ривожлантиришга хизмат қиласидан шарт-шароитдир.

Қозогистон давлати жуда катта ер ресурсига ҳамда қишлоқ хўжалигининг сердаромад соҳаларини ривожлантириш учун кулагай бўлган тупроқ-иқлим шароитларига эга. Айрим табиий ресурс омилларига тўхталамиз

Қозогистоннинг ер фонди регионада қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарашини табакалаштириб ривожлантириш учун муҳим омиллар. Унинг умумий ер фонди 272,2 млн. гектарга teng. Шундан қишлоқ хўжалигига яроқли бўлган ерлар 218,9 млн.га, қишлоқ хўжалигига фойдаланилаётган ерлар 195,7 млн.га ва шу жумладан шудгорланадиган ва партов ерлар 35,7 млн.га, яйловзорлар 154,8 млн.га, Қозогистон шудгорлаб дехкончилик қилинадиган ер фондининг катталиги ва яйлов чорвачилигини ривожлантириш учун имкониятларининг кенглиги бўйича қатор. Осиё давлатларига қараганда қиёслаб бўлмас даражада устунликларга эга. Бунинг устига мамлакат ер фондининг катта қисми нисбатан текисликда ҳамда мўътадил иқлим минтакасида жойлишган.

Регионнинг иқлим ресурси, айниқса унинг агроиқлим кўрсаткичлари қишлоқ хўжалигини юргизишида муҳим аҳамиятга эга. Айрим агроиқлим кўрсаткичларига мурожаат килайлик.

1-мисол. Мамлакатнинг шимолий қисмida хаво хароратининг ижобий (ноль даражадан юқори) бўлган кунлар кўрстакичи 190 кунга teng. У 13 апрелдан 21 октябргача давом қиласи.

18-жадвал

**МАМЛАКАТ ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИДА МАҲСУЛОТ
ЕТИШТИРИШ.***

	И И Л Л А Р				
	1990	1991	1992	1993	1994
A. Ялпи маҳсулот, тонна билан					
буғдой соғф					
оғир.	28.488	11.992	29.772	21.631	16.454
кузги буғдой	1,966	1,298	1,743	1,934	1884
баҳори буг.	14,231	5,591	16,542	9,651	8,168
жавдар	889	506	568	889	264
макжӯхори	442	330	368	355	234
кузги арпа	118	105	125	119	25
баҳори арпа	681	265	871	906	822
шоли	653	540	543	479	288
пахта	324	291	252	200	298
қанд лавлаги	1,134	726	1,276	925	433
картошка	2,324	2,143	2,570	2,296	2,040
сабзавот	1,136	955	985	808	781
мева	301	98	160	85	100
узум	139	62	62	40	37
маккажӯхори					
(мас.кг)	44,104	14,228	24,748	19,202	15,887
B. Ҳосилдорлик гектаридан кг					
кузги б.	1,640	1,080	1,430	1,500	890
дон	1,220	530	1,320	1,000	790
баҳори буг.	1,300	600	1,500	1,100	890
жавдар	1,160	900	910	1,500	820
шоли	5,250	4,980	4,490	4,300	2,760
пахта	2,710	2,500	2,250	1,800	1,870
қанд лав.	25,990	15,900	15,000	13,500	8,340
картошка	1,290	9,890	10,400	9,400	9,350
сабзавот	15,440	12,100	11,400	10,600	10,390
мева	4,190	1,460	2,220	1,200	1,490
узум	8,050	3,850	3,680	2,500	2,380
маккажӯхори					
(мас)	19,300	7,200	11,000	9,600	9,710

* Статистический сборник, 1996 год. Государства бывшего Советского Союза, 21. Всемирный банк. Вашингтон, Округ Колумбия, С. 195.

Ҳаво щарорати 10 даражадан юқори (16 майдан 16 сентябр-гача) бўлган кунлар эса 130. Совуқ бўлмайдиган давр (23 майдан 14 сентябргача) 115 кунга чўзилади. Бу даврда энг яхши буғдой навлари, бошқа дон-дуқкакли әкинлар, сабзавот, полиз шишиб етилади.

2-мисол. Жанубий Қозогистонда ҳаво ҳароратининг ижобий кўрсаткичили кунлар 300 га тенг, 10 даражадан юқориси эса 280 кунга тенг. Бу зонада усимлик камида 180-190 кун мобайнида ҳар қандай совуқлардан холи. Қуёш нуриининг нисбатан кўп тушиши, усимликнинг вегетация имкониятлари суторишинамалга ошириш эвазига шоли, пахта, тамаки, узум, қанд лавлаги, сабзавот ва бошқа иссиқсевар әкинлардан мўлжалдиган.

Мамлакат тупроғи ҳам табиий-ресурс омил сифатида майдонга чиқади. Қозогистоннинг «Қуриқ ўлқа»си ўрмон-чўл ва чўл зонасида қора тупроқ кенг тарқалган. Унинг чиринди қатламишининг калилиги 70-80 см, чиринди миқдори 6-9 фоизга тенг. Жануброкда ма чул зонада қора тупроқ қатламишининг қалилиги 40-50 см, чиринди миқдори 5-6 фоизга тушади. Марказий Қозогистоннинг қозоқ бурмали төғлар зонасида суглинкали кора тупроқ, ундан жанубда каштан тупроқлари тарқалган. Оч тусли, ти ник, тўқ тусли каштан тупроқлари мамлакатнинг гарбий, марказий ва жанубий қисмида кенг тарқалган бўлиб, у Қозогистон умумий ер фондининг 34 фоизини эгаллайди. Каштан тупроқ ҳам серчириди. Унинг таркибида чиринди миқдори 2-4 фоизга тенг. Шунингдек, Қозогистонда кўнғир, аллювиал, кумоқ, тақир, шўрҳок тупроқлар ҳам кенг тарқалган.

Қозогистон қишлоқ хўжалиги унинг табиий-ресурс омили: унинг ер сирти тузилishi хусусиятлари, тупроқ, ва иқлимининг ресурс тарзидаги имкониятларига кўра жустрофий районларро ривожлантирилган.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида Дончилик етакчилик қиласи. Қозогистон Марказий Осиёда ҳамда МДҲга аъзо бўлган давлатлар ичida дон етишириш бўйича жуда муҳим ғарри тутади. Мамлакат дехончилик йўналишига назар ташласак жами экин майлони 35501 минг гектарни ташкил қилгани ҳолда унинг 24525 минг гектарига донли, 335 минг гектарига техника, 300 минг гектарига картошка, сабзавот ва по-

лиз, 1032 минг гектарига жашаки әкинлар әкилади. Донли әкинлар асосан мұтадил иқтимий шароитта әга бұлтан шимолий районларда әкилади. Бу зонада ёғин-сочиннинг күплиги, намарчилуккыннан баландлығы донли әкинлардан сұғарылмасдан мұл ҳосил олишни таъминлади. Регионда камдан-кам қурғоқчылық кецирилади. Аксинча, күпинча буғрой ўриш пайтида әртә кузда тушадиган ёғин-сочин ҳосилни йиғиштириб олишга жиддий халақит беради.

Қозогистон жағон давлатлари ичида дон етиштириш бүйінча етакчи ўринлардан бирини әгаллади. У МДХга аъзо бүлган давлатларда етиштирилдиган бүгдойнинг 20 фоизини беради. Қозогистон Марказий Осиёдаги бошқа барча давлатларни құшиб ҳисоблаганда ҳам улардан 2-3 марта күп дон беради. Қозогистонда йилига 10-16 млн. тонна дон етиштирилгани ҳолда (18-жадвал) Қыргызистон, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистонда 5-6 млн. тонна дон етиштирилмоқда.

Қозогистон Марказий Осиёнинг буғдой экспорт құлувчи йирик ва ягона давлатидир.

Қозогистонда техника әкинларидан пахта, қанд лавлаги, тамаки, картошка ҳам күп әкилади.

Қозогистон яйлов чорвачилигини жуда ривожлантирган мамлакат. Қозогистонда құриқ ва бұз ерларни үзлаштириш мұаммоси ҳал қилинаётган бир пайтда «иккинчи құриқ» ҳақида фикр юритилған әди. Бу құриқ-унинг миллион-миллион гектар яйловзорлари әди ва уни үзлаштириш күн тартибда турарди. Үттан үйлар мобйнида бу борада күп ишлар қилинди. Жумладан, күпгина яйловзорларға сув чиқарилди, қудуқлар қазылди, ҳовузлар барпо қилинди, яйловдан тартиб билан фойдаланиш жорий қилинди. Шуннингдек, янгидан вужудға келгандонкор районларда дончилек билан ёнма-ён чорвачилик нинг турли соқаларига ихтисослашған давлат хұжаликлари, йирик-йирик чорвачилик комплекслари ташкил қилинди. Бу тадбирларнинг амалға оширилиши самарали натижаларға олиб келди Масалан, Қозогистонда 1941-1990 үйларда қуй ва эчкіларнинг сони 8,2 млн. бошдан 35,7 млн. бошта етди. Шу үйлар ичида қора моллар сони 3,4 млн. бошдан 9,7 млн. бошта, чүчқалар 0,5 млн.дан 3,2 млн. бошта, паррандалар 6,7 млн. дан 57,7 млн. бошта етди. Шу үйлар ичида гүшт етиштириш (үлкін вазнда) 226 минг тоннадан 1,6 млн. тоннага, сут етиштириш 1,1 млн. тоннадан 5,6 млн. тоннага, тухум етиштириш

313 млн. донадан 4,2 млрд. донага етди. Жүн етиштириш эса 13,7 минг тоннадан 108,0 минг тоннага етди. Қозогистон гүшт ва жүн ишлаб чиқариш миқдори бүйича МОДнинг бошқа барна давлатларини қўшиб ҳисоблагандан ҳам улардан устун. Бу ҳолат Қозогистоннинг хорижий мамлакатларга гүшт ва гүшт консервалари, жун толаси ва жунли материалларни экспорт қилиш имкониятини беради.

Мамлакат иқтисодиётини қайта қуриш қишлоқ хўжалигини тексикалаштириш ва кимёлаштиришда вужудга келган тақчилликлар ишлаб чиқаришга сарф қилинаётган маблағ итишмаслиги ва бошқа ҳолатлар мустақилликнинг дастлабки йилларида мамлакат чорвачилгининг анча орқага кетишига сабабчи бўлди. 1995 йилда 1990 йилга таққослагандан мамлакатда қора моллар сони 70,3, чўчқалар сони 50,3, қўй ва эчкilar сони 54,9, йилқилар сони 95,7 фоизга тушиб қолди. Шу йиллар ичida муҳим чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳам анча пасайди (19-жадвал). Масалан, гүшт ишлаб чиқариш 1560 минг тоннадан 985 минг тоннага, сут ишлаб чиқариш 5642 минг тоннадан 4619 минг тоннага, тухум етишириш 4185 млн. донадан 1841 млн. донага тушиб қолди.

6. Транспорт жуғрофияси: Асосий турлари ва тугунлари.
Ташқи савдо. Қозогистон қуруқлик мамлакати. Ана шу ҳолатнинг узи мамлакатда айrim тур транспортнинг аҳамиятини оширади. Бу ўринда темир йўл, автомобиль ва қувур транспортларини тилга олиш ўринли. Қозогистон ҳудудининг орографик хусусиятлари, конфигурацияси, ички районларининг турли маҳсулот етиштириш ҳамда ишлаб чиқаринга ихтисослашганилиги айниқса зикр қилинган транспорт турларининг ривожланишини тақозо қилган.

Жуда катта қуруқлика эга бўлган Қозогистонда темир йўл транспортининг аҳамияти бирламчидир. Унинг умумий узунлиги 14560 км. га тенг. Темир йўл мамлакатнинг барча жуғрофий томонлари ва иқтисодий районларини бирлаштиради. Мамлакатда ҳар бир минг км. км. га 5,2 км. темир йўл тўғри келади. Унинг энг муҳим линиялари: Оренбург-Тошкент; Семипалатинск-Олмата-Луговая-Чимкент-Орис; Петропавловск-Остона-Їараганд-Моинту-Чу; Картали - Павлодар; Кустанай-Кокчетав-Карасув; Макат-Бейнау-Шевченко. Мазкур темир йўл магистралларининг айримлари транзит, айримлари эса мақаллий аҳамиятга эга.

19-жадвал
Қозғыстон чөрвачилиги ва маҳсулот етиштириш

И И Л Л А Р						Ўсиш: 1995 й. 1990 й, нис. % б	
1990	1991	1992	1993	1994	1995		
А. Чорва моллари туёқ сони, минг бош							
йирик шохли моллари	9,757	9,592	9,576	9,347	8,073	6,860	70,30
шу жумладан, согин сиг.р	36368	3,490	3,623	3,687	3,397	3,045	90,41
чўчқа	3,224	2,976	2,591	2,445	1,983	1,623	50,34
қўй ва эчки	35,661	34,556	34,429	33,133	25,132	19,584	54,9
шу жумладан, эчки	983	997	1,044	1,095	897	859	87,4
йилки	1,626	1,666	1,704	1,777	1,636	1,557	95,75
Б. Чорва маҳсулотлари етиштириш, минг тонна							
гўшт	1,560	1,524	1,258	1,312	1,207	985	63,14
мол гўшти	710	724	596	662	642	548	77,2
чўчқа гўшти	286	274	217	194	158	113	39,5
қўй гўшти	286	270	243	275	252	206	72,0
пар. гўшти	201	185	139	114	80	53	26,36
бошқа гўшт маҳ- сулотлари	77	72	62	37	75	65	84,4
сут минг т.	5,642	5,555	5,265	5,577	5,296	4,619	81,8
тухум млн. д.	4,185	4,075	3,565	3,288	2,629	1,841	43,99
жун минг т.	108	104	96	95	75	58	53,7

х/ Статический сборник, 1996 год. Государства бывшего Советского Союза, 21. Всемирный банк. Вашингтон, Округ Колумбия, с. 195.

1-мисол. Оренбург-Тошкент темир йўлини олайлик.

Транзит аҳамиятга эга булган мазкур темир йул 1905-1907 йилларда қурилган. Ушбу темир йўл орқали Қозогистон Марказий Осиёнинг бошқа барча давлатлари билан, шунингдек Россиянинг бир қатор ривожланган иқтисодий районлари билан, алоқа қиласиди. Жумладан унда Марказий Осиё давлатларининг барчасидан Россия томонга пахта толаси, қоракўл териси, рангли металл, мева ва бошқа саноат маҳсулотлари, Россиядан эса машина ва механизмлар, минерал угит, кундалик эҳтиёж моллари ташилади.

2-мисол. Петропавловск-Остона - Қараганда-Моинти-Чу йули. Мазкур темир йул биринчи навбатда маҳаллий аҳамиятга эга булиб, Шимолий, Марказий ва Жанубий Қозогистонни бирлаштириб туради. Унинг Қараганда кўмиригининг ўзлаштиришида, Жезқазган ва Балхаш металургиясида, Шимолий Қозогистонда дончиликнинг ривожланишида аҳамияти катта.

Қозогистонда аҳамияти жиҳатидан иккинчи ўринда автомобил транспорти туради. Фойдаланишга топширилган автомобил йўлларининг узунлиги 115 минг км.ни ташкил қиласиди. Унинг энг муҳим магистраллари: Олмата-Тошкент, Олмата-Бишкек, Олмата-Семипалатинский, Олмата-Чилик-Наринкол, Уральск-Гурьев ва бошқа. Автомобиль транспорти орқали дон ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, руда ва саноат маҳсулотлари ташилади. Шу жиҳатдан автомобиль транспортининг ички районлар иқтисодий алоқада аҳамияти катта.

Қозогистонда сув, ҳаво ва қувур транспорти ҳам ривожлантирилган. Мамлакат сув транспортида Иртиш унинг чуқур қисмида 1750 км. масофада кема қатнайди. Урал - 1400 км. да кема қатнайди-, Или дарёлари ва Балхаш хўли, Каспий денгизининг аҳамияти бор.

Қозогистон дунёнинг кўпгина мамлакатлари билан савдо-сотик ишларини амалга оширади. Мамлакат ташқи иқтисодий алоқаси айниқса унинг ўз мустақиллигига эришгандан кейин кенгайиб бормоқда. Ҳозирги вақтда сайёрамиздаги 130 дан кўпроқ мамлакатлар Қозогистонни мустақил давлат сифатида тан олди, дипломатик муносабатларни ва савдо-сотик алоқаларини ўнатди. Қозогистон ўтган 70 йил ичida иқтисодии тараққиётда асосан бир томонлама ривожланиш-хомашё етказиш йўлидан борди. Унинг минерал ва ёқилги хомашёла-

ри, дәхқончилик ва чөрвачилик маҳсулотлари ташқарига ташиб кетилди.

Эндиликда мустақил тараққиёт йўлидан дадил бораётган Марказий Осиёнинг йирик давлати бўлган Қозогистон хорижий мамлакатлар билан ташқи иқтисодий алоқани кенгайтиromoқда. Шунингдек, мамлакатда қурилаётган сон-саноқсиз саноат корхоналари хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда. Чет эл техникаси, машина-механизми ва энг муҳими малакали мутахассислари Қозогистон иқтисодиётини кўтаришда фаол қатнашмоқда. Қозогистон четта нефть ва нефть маҳсулотлари, кўмир, руда, рангли ва нодир металлар, дон ва дон маҳсулотлари, гўшт ва гўшт консервалари, жун, мўйна, мева чиқаради У четдан машина, асбоб-ускуналар, минерал ўғит ва бошқа товарлар слади.

7. ҚОЗОГИСТОННИНГ ИЧКИ РАЙОНЛАРИ. Қозогистон бешта иқтисодий (Шимолий, Марказий, Фарбий, Жанубий, Шарқий) районга бўлинади.

ШИМОЛИЙ ҚОЗОГИСТОН. У Кокшетав, Кустанай, Павлодар, Шимолий Қозогистон, Остона вилоятларини ўз ичига олади. Районнинг майдони 600,9 минг кв.км, аҳолиси эса 4431 минг киши. Иқтисодий районнинг ер фонди, тупроқ-иқлим хусусиятлари дәхқончилик қилиш учун қулай. У ўрмон, чўл ва чўл зонасида жойлашган. Ер устки тузилиши анча текис, денизиз сатҳидан уртacha 100-120 м. баландликда. Иқлими юмшоқ, дәхқончилик қилиш учун намгарчилик етарли.

Шимолий Қозогистон мамлакатнинг йирик дон (буғдој) кор райони. «Қўриқ ўлка» деб аталган бу регионда Қозогистоннинг товар аҳамияти жамики буғдоји етиштирилади. Шунингдек, мазкур донкор районда мамлакатнинг 2/5 қисм қора моли, 1/6 қисм қўй ва эчкиси боқилади. Районнинг сансати биринчидан қишлоқ хўжалик машиналари ишлаб чиқаришга ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашга ва жумладан ун, ёғ, сут, гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқаришга, иккичидан, кон-қазиб олиш ва уни қайта ишлашга ихтисослашган.

Марказий Қозогистон. У Қарағандада ва Жезқазган вилоятларини ўз ичига олади. Майдони 400 минг км. км, аҳолиси 1848 минг киши. Аҳолиси сийрак, унинг зичлиги, 4,6 кишига тенг. Марказий Қозогистон ўз жуғрофий ўрнига кўра мамлакатнинг саноатлашган райони. Унинг ҳудудидан 60 дан ортиқ номдаги қимматбаҳо фойдали қазилмалар топилган бўлиб,

Эндиликда бу район мазкур ер қари бойликлари асосида оғир индустрияни ривожлантирган. Жумладан, Марказий Қозогистонда топилган күмпир, мис, вольфрам, құрғошин, рух, темиррудаси, марганец, нодир металлар хомашёси базасида ёнилғи-энергетика, рангли ва қора металлургия саноатлари таркиб топган. Мамлакатда ишлаб чиқарыладиган күмирнинг 2/3 қисмини, чүян, пулат, прокатнинг барчасини, рангли ва нодир металларнинг күпини шу район беради.

Марказий Қозогистон иқтисодиётида қишлоқ хўжалигининг ҳам ўзига хос томонлари бор. Бу ерда дехқончилик қилиш имкониятлари анча чегараланган. Ёғин-сочининг кам тушиши, асосий ер фонди (90 фоизни)нинг яйловзорлардан иборатлиги фикримизнинг исботидир. Бироқ районнинг шимолий қисми «Қўриқ ўлка» зонасида жойлашганлиги учун бу зонада дончиллик ривожланган.

Фарбий Қозогистон. У Актюбинск, Атыров ва Урал вилоятларини ўз ичига олади. Ҳудуди 730 минг км. км, аҳолиси 2124 минг киши. Аҳоли зичлиги 2,9 кишига тенг, яъни мамлакатнинг ўртача кўрсаткичидан ҳар бир км. км. га 3 кишига кам. Иқтисодий район мамлакат мәҳнат тақсимотида «қора олтин» қазиб олиши, нефтни қайта ишланиши, балиқ овлаш ва балиқ саноати, шунингдек, рангли металлардан хром, никел ишлаб чиқариши билан ажралиб туради.

Иқтисодий районнинг қишлоқ хўжалиги бўш ривожланган. Евросиё материгининг бу қисмида иқлимининг кескин континенталлиги: ёзги ва қишки ҳаво ҳароратидаги кескин фарқ (ёзда +42, +45 даражага ва қишида -40, -48 даражага чиқиши), ёғин-сочининг кам тушиши, суғориш иншоатларининг, оқар дарёларнинг камлиги ва ҳудудининг меҳнат ресурси билан кам таъминланганлиги қишлоқ хўжалигига дехқончиликнинг бўш ривожланишига асосий сабаблардир. Бу районда ҳам яйлов чорвачилиги-қўйчилик, шунингдек, қорамолчилик, йилқи-чилик яхши йўлга қўйилган.

Жанубий Қозогистон. У Олмата, Жамбул, Қизил-Орда, Талди-Курган, Шимкент вилоятларини ўз ичига олади. Ҳудуди 720 минг кв. км, аҳолиси 6363 минг киши. Аҳолининг зичлиги 8,8 киши, Жанубий Қозогистон мамлакатнинг иқтисодиёти ҳар жиҳатдан ривожланган райондир. Унинг қулай табиий шароити ва табиат ресурслари (биринчи навбатда агроиқлим хусусиятлари) агросаноат комплексининг Ўзбекистонга хос

соҳалари: пахтачилик, дончилик, мева ва узум, канд лавла-
ги, тамаки, шоли етиширишга ихтисослашишини тақозо
қилган.

Жанубий Қозогистон саноатлашган регион. Унда төг-кон са-
ноати, химия, машинасозлик, қурилиш материаллари, енгил
ва озиқ-овқат саноати яхши ривожланган.

Шарқий Қозогистон. Районга шарқий Қозогистон ва Семи-
палатинск вилоятлари киради. Унинг ҳудуди 276,9 минг кв.
км, аҳолиси 1772 минг киши. Аҳоли зичлиги 6,4 кишини таш-
кил қиласди.

Иқтисодий район мамлакат ҳудудининг 10 фоизини эгал-
лашига қарамасдан у Қозогистон саноат ялпи маҳсулотининг
19 фоизини ишлаб чиқаради. Мамлакат урмон ресурсынинг
40, гидроресурсининг 50 фоизи шу районага тұғри келади. Рай-
он иқтисодиетида саноат етакчилек қиласди. Район халқ хў-
жалигига ишлаб чиқариладиган ялпи маҳсулотининг 3/4 қисми
саноат ялпи маҳсулоти ҳисобига тұғри келади. Бу ерда ай-
ниқса, төг-кон, энергетика, рангли металлургия саноат ва қу-
рилиш индустрияси яхши ривожланган.

Шарқий Қозогистон мамлакаттинг муҳим қишлоқ хўжалик
райони ҳам ҳисобланади. Унда айниқса яйлов чорвачилиги
яхши ривожланган. Ўтлоқ чўл зонаси, тог яйловлари қишлоқ
хўжалигига ярокли бўлган ерларнинг 80 фоизини эгаллайди.
Район чорвачилиги гўшт-жун-сут ишлаб чиқаришга ихтисос-
лашган.

8. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш. Экологик муаммолар.
Мамлакат саноат ишлаб чиқаришида, агросаноат комплекси-
да, шунингдек, ишлаб чиқаришда кенг миқёсда юз берәётган
туб ўзгаришлар атроф-муҳитни муҳофаза қилишини, вужудга
келган экологик муаммоларни ижобий ҳал қилишини кун тар-
тибига қўймоқда.

Дарҳакиқат, Марказий Осиёning бу ригионида экологик
муаммолар тўлиб-тешиб ётибди ва зудлик билан ўз ечимини
кутмоқда. Төг-кон саноатининг ривожланишини олайлик. Нефть
ёки газ, кўмир ёки темир рудаси, мис ёки рух, қўрғошин ёки
хром, кумуш ёки олтин ва башка бир неча ўнлаб номдаги маъ-
дан конларини ишга тушириш билан ўша конлар атрофида
ўйдим-чуқурлар, ташландиқ тог жинсларининг уюмлари ҳо-
сил бўлмоқда, табиат ҳар жиҳатдан оёқ ости қилинмоқда, иф-
лослантирилмоқда, заҳарланмоқда. Шу алпозда мамлакат-

[REDACTED]
[REDACTED] табиатнинг инқирозий вазияти вужудга келган. Шунингдек,—яngи ерларни ўзлаштириш эвазига миллион-миллион гектар яхлит яйловзорлар нисбатининг бузилиши ва шу сабабдан чорва молларини боқиш жуғрофиясининг ўзгариши, Орол денгизи зонасида вужудга келган инқирозий ҳолат, узоқ йиллардан бўён Марказий Қозогистон (Бойкўнир)да синаб қурилаётган атом бомбасининг портлашлари ва натижада жонли ва жонсиз табиатнинг заҳарланиши Қозогистонда атроф-муҳитни муҳофаза килишни гоят долзарб мавзу эканлиги ни кўрсатди.

[REDACTED] Қозогистон давлати ўз мустақиллигини қўлга киритиш билан мамлакат ҳудудида объектив ва субъектив сабабларга кўра вужудга келган экологик вазиятнинг олдини олишининг комплекс тадбирларини ўз парламентида ишлаб чиқди. Бойкўнирда атом бомбалари синовини тўхтатиш, йирик саноат районларида ҳавонинг ифлосланишининг олдини олиш, нефтонос районларда чиқитсиз (ўз асосида атроф-муҳит ва ҳаво ифлосланишининг олдини оладиган) технологияни қўллаш учун чет эл техникаси ва мутахассисларидан фойдаланиб иш тутиш, «Орол»нинг инқирозий экологик ҳолатини ижобий ҳал қилиш учун Марказий Осиёнинг бошқа давлатлари билан ҳамкорликда иш тутиш тадбирлари шулар жумласидандир.

АМАЛИЙ ИШЛАР: 1. Контур харитага Қозогистоннинг ичиши иктисадий районларини тушириш ва унга вилоят марказларини ёзиб чиқиши. 2. Қозогистоннинг муҳим фойдали қазилмалари ва ундан олинадиган хомашёлар миқдорига таяниб (хабарнома маълумотлари асосида) «Қозогистон ер қари бойликлари» деган мавзуда маъруза тайёрлаш.

ТАЛАБАНИНГ БИЛИМ ВА МАЛАКА МЕЗОНИ:

ТАЛАБА:

- 1913, 1926, 1939, 1959, 1979, 1989 ва 1996 йил аҳоли рўйхати маълумотлари асосида регионда аҳолининг ўсишини аниқлашни ва миллий таркибидаги ўзгаришнинг бош омилларини;
- регионда ёқилғи-энергетика саноатининг хомашёларини ва уларнинг асосий районларини;
- регионда кон-металлургия саноати районларини ва муҳим рангли металл руда ҳавзаларини;
- регионда янги ерларни ўзлаштириш муаммоси тарихини ва «Кўриқ ўлка» тушунчасининг кенг жуғрофий тушунча эканлигини, «Кўриқ ўлка»нинг аҳамиятини;

- регион саноат ишлаб чиқаришининг бош тармоқларини ва кон-қазиб олиш саноатининг жуғрофиясини;
- регион агросаноат мажмумини. Унинг асосий йўналишларини;
- регионда дон етишириш салмоғини, буғдойкор районларини;
- регионда пахта етишириш жуғрофиясини ва салмоғини;
- регион яйлов чорвачилиги миқдорини ва жуғрофиясини;
- регионнинг ички иқтисодий районларини ва хабарнома-маълумотлари асосида уларга қиёсий таъриф беришни;
- Қозогистоннинг хорижий мамлакатлар билан иқтисодий алоқасининг етакчи соҳаларини:
- Қозогистон-Россия иқтисодий алоқасидаги йўналишларни, уларнинг кенглигини Бу нарсанинг асосий негизини;
- Қозогистоннинг МОД иқтисодиётидаги урнини ҳамда Марказий Осиёнинг бошқа давлатлари билан савдо-сотиқ ишларининг тури ва салмоғини;
- Қозогистон-Ўзбекистон иқтисодий алоқалари миқдорини, муҳим соҳаларини;
- Қозогистон-Ўзбекистон иқтисодий, маданий, техникавий алоқаларининг истиқбол уфқларини;
- Қозогистонда яқин ўтмишдаги кон-қидирув ишларини олиб бориш, қўриқ ўлкани ўзлаштириш, ядро синовларини ўтказиш билан боғлиқ равишда вужудга келган кескин экологик вазиятни ва бу борада амалта оширилиши лозим бўлган жуғрофий тадқиқотларини;
- Қозогистоннинг ички иқтисодий районларида юз берадётган экологик муаммоларни; Қозогистоннинг «Орол инқирози»нинг олдини олишда қўшаётган ҳиссаларини;
- МОДда транспорт коммуникациясини ривожлантириш ва «Буюк ипак йўли»ни тиклашда Қозогистоннинг алоҳида мавқеини;
- Қозогистоннинг пойтахти (Олматага)ни унинг географик маркази (Остона)га кўчиришнинг асосий сабабларини билиши, идрок қилиши лозим.

9-боб.

ИҚТИСОДИЙ ИНТЕГРАЦИЯ ОРҚАЛИ ЯХЛИТ ИҚТИСОДИЁТ

(масаланинг назарий ва амалий асослари)

Бир ватлар Европада иқтисодий интеграцияга назарий жиатдан асос соглан жаҳоншумул олим И. М. Маергойз шундай деган эди: иқтисодий интеграция ўтмишда ва ҳозирги вақтда муштарак мақсадлари бир бўлган, бир минтақада жойлашган (ва бинобарин жуғрофий жиҳатдан бир бутунликни ташкил қилган) бир-бирлари билан сарҳад чизиқлари орқали боғланган давлатлароро ташкил топиши ва ривожланиши мумкин.

Барқарор иқтисодий интеграцияни вужудга келтириш бора-сида Марказий Осиё давлатлари (МОД) қутлуг ишларни амалга оширмоқдалар. «Марказий Осиё мамлакатлари даражасидаги интеграцияга келсак,—дейди Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов—Ўзининг алоҳида хусусиятлари билан ажralиб туради». /1. Бу хусусиятлар бизнингча уларнинг тарихий жиҳатдан бирлиги бир-бутунликни азал-азалдан муқаддас деб билиши, уни асрлар оша қадрлаб келиши, яқин ва узоқ келажакка йўналтирилган эзгу мақсадларининг бирлигдадир. Бу ҳудуд даврлар оша Турон, Мовароуннахр, Туркистон дэб юритилган. Уларнинг давлат мустақиллигининг таъминланиши ва мустақил ички ҳамда ташки сиёsat юргизишдаги муштарак мақсадлари бирлиги МОД аро иқтисодий интеграцияни вужудга келтиришни тақозо қиласи. МОДнинг ўзаро боғланиб кетганилиги, жуғрофий имкониятлар (тоғ ва улардан бошланадиган дарёларнинг, ёқилғи-энергетика заҳираларининг, тупроқ, ўсимлик ва ҳайвонот олами)нинг бирлиги бу йўлда кучли омилдир. Марказий Осиё халқларининг интеграцияси орзу ёки келажакка мўлжалланган лойиҳа эмас, бу-бор нарса, бу-мавжуд бўлиб, фақат ташкилий, ҳуқуқий ва сиёсий шаклларга муҳтождир». 2/ Бинобарин, ушбу интеграцияни пойdevорини қуришда МОД раҳбарлари, иқтисодий интеграцияни вужудга келтириш орқали яхлит иқтисодиётни шакллантиришда ўз халқларининг қадим-қадимга бориб тақаладиган дўстлик риши-

1./ Ислом Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида... Т. Ўзбекистон, 1997, 320-бет.

2. Уша асар. 320 бет.

таларини боғлаш йўлида тинимсиз бош қотиришмоқда, яратувчанлик ишларини амалга оширишмоқда. Жумладан, МОД раҳбарлари 1993 йил 4-5 январ кунлари Тошкентда тўпланиб ТУРОН заминида ягона ҳалқ хужалиги мажмуасини вужудга келтириш масаласини келишиб олишди. Ушбу тарихий учрашувда Ўрта Осиё республикалари ва Қозогистон Марказий Осиё давлатлари (МОД) деб аталағидиган бўлди. Шугина жуғрофий номнинг қўйилиши ҳам Турон заминида бирлашишнинг энг муҳим белгиси эди. Мазкур йиғилишда МОДда бошланган мустақил иқтисодий сиёсатни сусайтирган ҳамда ушбу заминда мустақил давлатчиликни тан олган ҳолатда яхлит ҳалқ хужалиги мажмуасини ташкил қилишининг дастлабки қадамлари қўйилди. Жумладан, Ўзбекистонда «Пахта», Қозогистонда «Дон», Туркманистанда «Нефть», Кирғизистонда «Энергетика» қўмиталари тузишга келишиб олинди. Шундан кейин МОД раҳбарлари ва ишбилармонлари тез-тез учрашадиган бўлди. МОДда иқтисодиётни, фанни, маданиятни, савдо-сотиқ алсқаларини ривожлантиришга оид икки томонлама ва кўп томонлама шартномалар имзоланди.

1994 йил январь ойида МОД аро иқтисодий интеграцияни ривожлантириш орқали яхлит иқтисодиётни яратиш йўлида яна бир муҳим қадам ташланди, яъни Ўзбекистон ва Қозогистон ўртасида «ягона иқтисодий макон»,ни барпо қилиш ҳақидаги битимни имзолашлари бўлди. Бу битимга Қирғизистон ҳам қўшилди. Натижада МОДнинг 90 фоиз иқтисодий имкониятига эга бўлган Турон заминида ягона иқтисодий макон вужудга келди. Эндиликда мазкур интеграцияга «Марказий Осиё Ҳамдўстлик дастурларини рўёбга чиқариш бўйича ижроия қўмита, Марказий Осиё ҳамкорлик ва тараққиёт банки ташкил этилган. Қатнашувчи давлатлар иқтисодий интеграциясининг 2000 йилгача мўлжалланган, 53 та муайян лойиҳани ўз ичига оладиган дастури ишлаб чиқилди, ягона иқтисодий маконни вужудга келтириш учун асос солинмоқда». 1

Ягона иқтисодий макон (ЯИМ)нинг маъноси шуки, МОД таркибидаги ушбу давлатрасро иқтисодий алоқанинг барча жабхаларида ва айниқса товар айирбошлишда тўсиқлар олиб ташланади, эркин савдо-состиқ қилишга йўл очилади, унинг ҳар бир аъзоси биридан иккинчисига олиб ўтиладиган маҳсулотлар учун бож тўлашдан озод өзод қилинади. 1998 йил 26 марта куни ЯИМга Тожикистон ҳам қўшиб олинган. Шубҳасиз,

кин келажакда ЯИМга МОДнинг бошқа давлати (Туркманистан) хам қўшилади.

Марказий Осиёдаги барча мустақил давлатлар халқ ҳўжалигини ривожлантиришнинг ўзига ҳос хусусият, имконият, ҳуналиш ва қонуниятларига эга. Президентимиз И. Каримовнинг таъкидлаганидек «Ҳар бир мустақил давлатнинг ўз ривожланиш йули бор». Айни пайтда Марказий Осиёдаги барча давлатларни бирлаштирувчи, уларнинг халқ ҳужалигини боғлаб ривожлантиришга асос буладиган тарихий-жуғрофий омиллар хам бор. Уларнинг айримларини тилга оламиз.

Меҳнат ресурси омили. МОД аҳолиси 1979 йилда 40109 минг, 1989 йилда 49381 минг, 1997 йилнинг бошида эса 57000 минг кишини ташкил қилди. Яъни сўнгги 18 йил ичida МОД аҳолиси асосан туб аҳолининг табиий ўсиши ҳисобига 16,9 миллион кишига кўпайди. МОД аҳолисининг тенг ярми 20 ёшгача бўлган ёшлардир. Бу эса рэгионда меҳнат ресурсининг тояят куп эканлигини билдиради.

Туб аҳоли Турон заминида таркиб топган халқ ҳўжалигини ривожлантириш учун асрий тажрибага эга. Бу заминда давлатлар мустақиллиги таъминланиши билан ёшларни хорижий давлатлarda ўқитиш, уларга касб-ҳунар ва илм ўргатишга катта эътибор берилмоқда. Айни пайтда туркий халқлар ҳамкорлиги тобора кучаймоқда. МОДнинг кўпчилик давлатларида лотин алфавитига ўтиш йўлга қўйилмоқда. Бундай тадбирнинг амалга оширилиши ҳам туркий халқларни бир-бирига яқинлаштирадиган муҳим омилдир.

Табиий жуғрофий омил. МОДнинг табиати, табиий жуғрофий ресурслари ҳам бир-бирини тўлтирувчилир. Уларнинг иқтимим ресурслари бир-бириникига яқин. Ҳаво ҳароратининг 10 даражадан юкори бўлган ижобий кўрсаткичи Тошкент ва Термизда 4391:5630, Душанбе ва Ҳужандда 4835:4584, Олмата ва Чимкентда 3411:4065, Бишкек ва Ўшда 3626:3820, Даշавуз ва Марида 4500:5550 даражага teng.

Ҳаво ҳароратининг бундай юқори кўрсаткичи биринчидан рэгионда ҳар қандай кечпишар қимматбаҳо жануб дехқончилигини ривожлантириш имкониятини беради, иккинчидан ҳамо ҳарорати фойдали кўрсаткичларига фарклар МОД ароғеҳқончиликни табақалаштириб районлаштириш (ривожлантириш) имкониятини берадики, бу нарса региондаги давлат-

ларни бир-бирига боғлади. М., Қирғизистоннинг иқлимий шароити қанд лавлаги, Жанубий Ўзбекистон ва Туркманистонники ингичка, толали пахта, Қозогистонники, дон, Тожикистонники узум ва мева етиштириш учун қулай ва ҳ. Учинчидан эса мазкур давлатларнинг ҳар бирида дәхқончиликни интенсив ривожлантириш имкониятлари катта, йилига бир даладан 2-3 марта ҳосил йигиштириб олиш мумкин.

МОДни жуғрофий жиҳатдан боғлаган яна бир нарса уларнинг табиат манбалари: өр фонди, тупроқ ва сув, усимлик ва хайвонот ресурслари, фойдали қазилмаларидир. Ушбу табиат манбалари она замин орқали бир-бирлари билан туташ, боғланган, ажралмасдир. Масалан, Қирғизистондан бошланган дарёлар Ўзбекистон ва Қозогистон ҳудудидан, Тожикистондан бошланган дарёлар Ўзбекистон ва Туркманистон ҳудудидан оқиб ўтади, халқ хўжалигига ҳаёт бахшида қиласди. Ўзбекистоннинг олтини Қозогистон ва Қирғизистонники билан, Қозогистоннинг нефти ҳамда Ўзбекистоннинг гази Туркманистонники билан она замин орқали боғлиқдир.

Энергетика ва металлургия омили. Маълумки дунёдаги ҳар бир ривожланган давлат ўз иқтисодий тараққиётига дастлаб энергетика ва металлургия саноатини ривожлантириш орқали эришган. Саноатнинг мазкур тармоклари таъbir жоиз бўлса таъкидлаш лозимки, ривожланган давлатлар халқ хўжалигининг тамал тошларидир. Шу жиҳатдан МОДда иқтисодий интеграцияни ривожлантиришнинг катта имкониятлари яшириниб ётити. М., Тожикистон ва Қирғизистон энг кўп сув (гидравлик) энергия ишлаб чиқариш имкониятларига эга. Ўзбекистон, Туркманистон, Қозогистон эса ёқилги энергетикасини ривожлантириш имкониятларига эга. Марказий Осиёнинг жуғрофий марказида жойлашган Ўзбекистон табиий газ захираларига бой, Қирғизистон ва Қозогистоннинг унга қўшни ҳудудлари эса табиий газга ўта даражада муҳтож. Хуллас минтақада гидравлик ва иссиқлик энергиясининг шу қадар катта (ва ранг-баранг) захиралари борки, масала фақат тармоқ (ва электр узаткич)лар йўналишларини бир-бирига мувофиқлаётиб МОДда ягона энергетика тизимини барпо килишда қолган.

Қора металлургия ҳам саноатнинг тамал тошларидан бири ҳисобланади. Давлатларнинг ҳар қандай машинасозлик саноати металга таянади. Ушбу саноат тармогини ривожлантириш учун МОДда фақат икки давлат—Қозогистон ва Ўзбекис-

тон кенг имкониятларидир. Бироқ Ўзбекистон қора металлургияси ривожланишнинг ҳозирги босқичида темир рудасига ва металломга муҳтож. Бу руда ва метал эса Марказий ва Шимолий Қозогистонда кўп. Агар ЯИМ миқёсида ҳар икки давлат қора металлургия саноатини ҳамкорликда ривожлантирса МОДда юксалиш босқичига дадил қадам қўйган машинасозлик саноатининг ҳар қандай миқдор ва сифатдаги металлга бўлган эҳтиёжини қондириш мумкин. Шундай қилиб, кўхна Турон заминида иқтисодий интеграцияни ривожлантириш орқали яхлит иқтисодиётни вужудга келтириш учун оғир саноатнинг муҳим соҳалари: энергетикани (ва айниқса қўмир, газ, нефть саноатини), қора металлургияни, рангли металлургияни (ва айниқса мис, қўргошин, рух, қалайи, олтин, кумуш ишлаб чиқариши), кимё саноатини (асосан минерал ўғитлар, ош тузи ишлаб чиқариш)ни ҳамкорликда ривожлантиришнинг кенг имкониятларини шига солиш даври келди.

Саноат ва транспорт омили. Одатда иқтисодий интеграциянинг муҳим шартларидан бири ҳудудий яқинлик ва яхлитликдир. Агар унга аъзо бўлган давлатлар бир-бирлари билан ҳудудий жиҳатдан боғланиб кетган бўлса, ўзларида олдиндан шаклланган ва ишлаб чиқариш жараёнини давом эттириб турган саноат тармоқларининг интеграция натижасида технология алоқалар кучаяди, тезлашади, орада бир-бирини тўлдиручи занжирсимон ҳалқалар вужудга келади. МОД иқтисодий тараққиётининг ҳозирги босқичида эса бундай технологик алоқани ривожлантиришнинг кенг имкониятлари яшириниб ётибди.

Шунингдек ҳудудий яқинлик ва яхлитлик айниқса транспорт коммуникацияни вужудга келтириш ва ривожлантиришда муҳим омилдир. МОД аро иқтисодий интеграция ягона темир йўл, ягона автомобил йўли, ягона энергетика, ва ягона қувур транспорт тизимларини таъминлайди, унга назарий асос яратади. Ривожланишнинг ҳозирги босқичдаёқ МОДнинг ҳар бир субъекти ана шундай ягона тизимларга муҳтоҷликни сезиб. М., Туркманистон фақат Ўзбекистон билан, Тожикистан орқали МОДнинг бошқа барча давлатлари ва ўзининг шимолий районлари билан, Ўзбекистон фақат Туркманистон орқали Кавказ орти давлатлари, Эрон, Туркия билан, Қозогистон асосан Ўзбекистон орқали Туркманистон, Тожикистон,

Қирғизистоннинг жанубий районлари билан алоқа қилиши мумкин. 1995 йилда Термиз—Хирот—Карачи ўртасида лойи-халаштирилган автомагистралдан МОДнинг барча давлатлари, фақат Ўзбекистон орқали Ҳинд океанига чиқиши мумкин ва ҳ. Хуллас, МОД аро транспорт коммуникациясининг ривожлантирилиши ва унинг барча турлари бўйича ягона тизимларни вужудга келтириш давр тақозасидир, ўта долзарб ва иқтисодий тарақиёт учун ўта муҳим аҳамиятта эга бўлган масаладир.

Шундай қилиб қадим Турон заминида барқарор иқтисодий интеграцияни барпо қилиш орқали ягона иқтисодиётни вужудга келтиришнинг барча объектив асослари бор. Этник келиб чиқиши, тили, дини, эзгу мақсадлари бир бўлган туркӣ халқлар, уларнинг одил ва оқилона сиёsat олиб бораётган юртбошлиари бу қадим заминда иқтисодий интеграцияни вужудга келтириши, яхлит иқтисодиётни яратиб жаҳон иқтисодиётига ва маданиятига салмоқли ҳисса қўшиши долзарб масаладир.

АДАБИЁТ

1. Ислом Каримов, Ўзбекистон буюк келажак сари. Ташкент: Ўзбекистон, 1998.
2. Акрамов З. М., Рафиков А. А. Прошлое, настоящее и будущее аральского моря. Ташкент: Мөхнат 1990.
3. Асанов Г. Р. Социал-иктисодий география. Термин ва тушунчалар изоҳли лугати. Тошкент: Ўқитувчи, 1990.
4. Асанов Г. Р., Набиҳонов М., Сафарев И. Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий географияси, Тошкент: Ўқитувчи, 1994.
5. Салиев А. Проблемы расселения и урбанизация в республиках Средней Азии. Ташкент: Фан, 1991.
6. Статистический сборник, 1996 год. Государства бывшего Советского Союза, 21. Всемирный банк. Вашингтон, Округ Колумбия.
7. Ўзбекистон - деловой партнер. Ташкент, 1996.
8. Ўзбекистон Республикаси Энциклопедияси. Қомуслар Бош таҳририяти. Тошкент, 1997.

М У Н Д А Р И Ж А

1. Муқаддима	3.
2. Умумий таъриф	5.
3. Марказий Осиё давлатларининг ҳудуди	7.
4. Аҳолиси: зичлиги, этник келиб чиқиши, жойлашиши	12.
5. Иқтисодий ривожланишининг хусусиятлари	17.
6. Транспорт жуғрофияси: энг муҳим транспорт турлари, иқтисодий алоқа уфқлари	28.
7. Марказии Осиё давлатлари Тожикистон Республикаси	33.
8. Туркманистон давлати	55.
9. Қирғизистон Республикаси	71.
10. Қозоғистон Республикаси	90.
11. Иқтисодий интеграция орқали яхлит иқтисодиёт	113.

Термиз Давлат университети Илмий—услубий
кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган.

МАЪСУЛ МУҲАРРИРЛАР.

География фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби — З. М. АКРАМОВ.

Иқтисод фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби — Қ. Н. АЕИРҚУЛОВ.

Техник муҳаррирлар — А. АЛИҚУЛОВ, Д. ХАФАЛОВ.

Теришга берилди. 8.08. 2000 йил.
Босишга русат этилди 12. XII. 2000 йил
Бичими 60x84 9 босма тобоқ.
500 нусха. Буюртма № 834.

Сурхондарё вилоят босмахонасида оғсет усулида чоп этилди.
Термиз шаҳри, Ф. Хўжаев кўчаси, 13-үй.